


A nighttime photograph of a cityscape. In the foreground, a multi-lane highway with an interchange is illuminated by streetlights, with a few cars visible. The background features a dense urban skyline with numerous lit-up buildings and a construction crane on the left side.


**С.К.ТАШТАЕВА
С.Ш.БАХРАМОВА**

ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ

С.К.ТАШТАЕВА, С.Ш.БАХРАМОВА

ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ

Монография



Тошкент
“Innovatsiya-Ziyo”
2021

UDK :911.37:332.156 (575.11)

BVK: 22.143

C 54

С.К.Таштаева, С.Ш.Бахрамова

Шаҳар агломерациялари /монография/. Тошкент:
“Innovatsiya-Ziyo”, 2021, 136 б.

Ушбу монографияда шаҳар агломерацияларининг моҳияти, жаҳон ва Ўзбекистонда йирик шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари ёритилган. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг вужудга келиш омиллари, ҳудудий таркиби, иқтисослашуви, функциялари, аҳоли ва унинг ички миграция ҳаракатлари, агломерация самарадорлиги, тизимни назорат қилиш ва бошқариш йўллари Тошкент агломерацияси мисолида тадқиқ этилган. Китобдан шаҳарларга оид илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар, маъмурий бошқарув органлари, шаҳарсозлик ва шаҳаршунослик соҳалари ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

З.Т.Абдалова - Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети География кафедраси доценти, география фанлари номзоди.

Такризчилар:

А.И. Холдсров - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Урбанизация сиёсатини критик департаменти Урбанизацияни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

М.И.Назаров- Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти, география фанлари номзоди.

Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6539-8-6

С.К.Таштаева, С.Ш.Бахрамова, 2021.

© “Innovatsiya-Ziyo”, 2021.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

БИРИНЧИ БОБ

ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ

- 1.1. Шаҳар агломерациялари ва уларни иқтисодий географик ўрганишнинг илмий асослари.....
- 1.2. Шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари.....
- 1.3. Жаҳоннинг йирик шаҳар агломерациялари географияси.....

ИККИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари вужудга келишининг омиллари ва шарт-шароитлари.....
- 2.2. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларини делимитация қилиш.....
- 2.3. Ўзбекистонда шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши

УЧИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (Тошкент агломерацияси мисолида)

- 3.1. Пойтахт шаҳар агломерациясининг функционал-ҳудудий таркиби ва ички миграция жараёнлари.....
- 3.2. Тошкент агломерацияси ривожланишининг асосий муаммолари ва уларни ҳал этиш механизмлари.....
- 3.3. Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари ривожланишининг прогнози ва устувор йўналишлари

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ИЛОВАЛАР

КИРИШ

XXI аср бўсағасига келиб урбанизация жараёни ер шарининг барча минтақаларини қамраб олди ва илк маротаба дунё шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисидан ўзиб кетди. Урбанизациянинг замонавий хусусиятлари ҳозирги кунда йирик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари ва мегалополисларнинг дунё, мамлакатлар ва минтақалар тараққиётини бошқариб боришида ўз аксини топмоқда. Улар аҳоли ва ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишнинг энг олий шакли бўлиб, дунё аҳолисининг 55 фоизи, ишлаб чиқарилаётган жами ЯИМнинг 2/3 қисми уларда мужассамланган. Токио, Нью-Йорк, Сан-Паулу, Сеул, Лондон, Мехико каби йирик шаҳар агломерациялари минтақалар ва жаҳон миқёсида “ўсиш кутблари”га айланиб, инсон ресурслари, молиявий, инвестиция ва интеллектуал ресурсларни тобора ўзига жалб этмоқда.

Европа, Шимолий Америка, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё каби минтақалар юқори даражада урбанизациялашиб, ўзига хос янгидан янги жараёнларни намоён қилмоқда. МДХ давлатлари, хусусан Россияда ўтиш даврида урбанизация янги иқтисодий-ижтимоий шароитларга мослашишда бир муддатлик танаффусдан сўнг, яна импульс олди. Мамлакатни “2030- йилгача иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш прогнозлари” дастурида истиқболда йигирмата миллионер агломерацияларни ўсиш “локомотив” ларига айлантириш режаси белгиланди.

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг шаҳарларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, қатор шаҳарлар, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Наманган, Марғилон, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарлар ривожланишига алоҳида эътибор берилди, уларнинг юбилейлари нишонланди. Шунга қарамай, республикада урбанизация жараёнининг ривожланиши, турли тоифа шаҳарларининг бозор шароитига мослашуви, шаҳарлар ҳудудий тизимларининг шаклланиши ва уларни бошқаришда муаммолар юзага келди. Мамлакатда бозор иқтисодиёти шароитида ислохотларни изчил амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш, 2017 йил қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш турли йирикликдаги шаҳарлар ривожланишини тақозо қилади. Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 10 январда қабул қилинган “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623-сонли Фармонида республикада урбанизация жараёни ва шаҳарларни ривожлантиришнинг бир йўналиши сифатида: ”Ижтимоий, муҳандислик-коммунал ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қамраб олган йўлдош-шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олган ҳолда шаҳар агломерацияларини шакллантиришни бошқариш”¹ вазифасини қўйди. Ушбу вазифаларни бажариш бўйича республикада йирик шаҳар ва уларнинг таъсир доирасида вужудга келаётган аҳоли манзилгоҳларининг интеграциялашган ҳудудий тизимлари, яъни шаҳар агломерациялари катта имкониятлари борлиги билан ажралиб туради. Бу борада юксак даражада ҳудудий урбанистик мужассамлашувга эришган, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Тошкент агломерацияси ўзининг тўла қонли шаклланганлиги билан Марказий Осиё геосиёсий минтақасида етакчи мавқега эга. Унинг ўзига хос инновация, инвестиция ва инфратузилма макони, ижтимоий (социал) муҳит эканлиги республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ривожланиш стратегияси ва устувор йўналишларини белгилаб беришда асосий ўрин тутди. Бинобарин, аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг муҳим шакли ҳисобланган шаҳар агломерацияларидаги юзага келган умумий ва хусусий муаммоларни пойтахт агломерацияси мисолида тадқиқ этиш ва унга тегишли хулосалар ишлаб чиқиш бундай тизимларда катта агломерация самарадорлиги борлигини ва амалда улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб беради.

¹ 10.01.2019 йил ПФ-5623-сонли “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. <https://lex.uz>.

БИРИНЧИ БОБ. ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ

1.1. Шаҳар агломерациялари ва уларни иқтисодий географик ўрганишнинг илмий асослари

Жамият тараққиётининг XIX асрида аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўплаб кўчиб бориши, йирик шаҳарлар сонининг кўпайиши, шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши ва қишлоқ жойларга шаҳар турмуш тарзи ҳамда маданиятининг кириб бориши билан боғлиқ бўлган урбанизация жараёни тез суръатлар билан ривожлана борди. 1800-йилда Ер шарини аҳолисининг 3 фоизи, 1900-йилда 13,6 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, 2020-йилга келиб бу кўрсаткич деярли 55 фоизни ташкил этди. XIX аср бошида жаҳон урбанизациясининг асосий манзарасини кўрсатувчи аҳоли сони 100 мингдан зиёд шаҳарлар 65 та бўлган бўлса, кейинги асрда улар 360 та ва XXI аср бўсағасида 2000 дан ортди. Миллионер шаҳарлар эса ҳозирги кунда 365 та, 5 миллиондан ортганлар- 83 та, 10 млн. дан ортган шаҳарлар 31 та бўлди. Хусусан, дунёнинг қатор ривожланган давлатларида урбанизация жараёни тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Бельгия каби ривожланган давлатларда урбанизация даражаси 80-90 фоизга етди.

Сўнгги йилларда урбанизация жараёни сифат жиҳатдан ўзгариб ўзининг юксак чўққисига эришди; йирик шаҳарлар ўз доирасидан чиқиб, янги ҳудудий тизимлар-шаҳар агломерациялари кўринишида намоён бўла бошлади.

"Агломерация" лотинча сўз бўлиб, "тўпламок", "қўшиб олмоқ" маъносини билдиради. Мазкур термин кўп соҳаларда, масалан, саноатда, геологияда ишлатилиб, кейинчалик аҳоли манзилгоҳлари учун ҳам қўлланила бошланди. Умуман олганда "агломерация" тушунчаси даставвал немис олими Альфред Вебернинг саноат штандорти назариясида қўлланилган. У саноат корхоналарини жойлаштиришда транспорт, истеъмол омиллари қаторида агломерация омилига ҳам катта эътибор берган. Бу сўзни биринчи марта америкалик шаҳаршунос олим Адна Вебер 1899 йилда шаҳарлар географияси фанига олиб кирди ва аҳоли

манзилгоҳларининг бир жойда тўпланиши учун ушбу терминни ишлатди. Француз географи М.Руже ўз ишларида шаҳарларга хос бўлган фаолият турларини шаҳарнинг маъмурий чегараларидан ташқарига чиқиб, қўшни аҳоли манзилгоҳларига ҳам ёйилишини "агломерация" деб атади [79]. Бизнинг фикримизча агломерация ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шаклларидаги мужассамлашув ва марказлашувнинг бир кўринишидир. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этиш катта мужассамлашув ёки агломерация самарадорлигини таъминлайди.

1920-йилларда шаҳарларнинг динамик ривожланиш моделлари ишлаб чиқиладиган бўшланди. Мисол тариқасида грек архитектори К. Доксиадис томонидан яратилган динаполис моделини, Н. Ладовскийнинг Москва шаҳрини Ленинград йўналишида ривожлантириш лойиҳасини ёки Париж шаҳрини параллел кетган «ўқ»лар бўйлаб йўналтириш ҳамда контрмагнит марказлар пайдо қилиш схемаларини айтиш мумкин. 1940-йилларда шаҳаршунос олим Ле-Корбюзье ўз ишларида асосий "ядро"га хизмат қилувчи барча нарсаларни, шу ҳудуддаги ерни ҳам киритади. П.Корцуэлли ва Б.Малишнинг ишларида фақат аҳоли яшайдиган ва ишлайдиган жойларнинг йиғиндиси сифатида қаралади. Ж.Форрестер йирик шаҳарларнинг динамик ривожланишини тизимли таҳлил ва ЭХМ асосида моделлаштириб, узоқ муддатга прогнозлаштирган [115].

Шаҳар агломерациялари рус-совет адабиётларида 1910-20 йиллардан А. Крубер, М. Диканьский, В. Семёнов-Тяншанский томонидан ўрганиладиган бўшланди ва турли номлар билан аталди, масалан, "иқтисодий шаҳар", "шаҳарнинг хўжалик округи", "планлаштирилган район" ва ҳ.к. Д.И. Богораднинг фикрига кўра "бир-бири билан хўжалик, меҳнат, маданий-маиший алоқалар орқали боғланган, ўз ривожланиши давомида яқинлашиб, баъзан қўшилиб кетадиган, бир ҳудудда тўпланган шаҳарлар ва бошқа аҳоли манзилгоҳларнинг ихчам жойлашувига агломерация деб айтилади [21]. Йирик шаҳаршунос олим Г. М. Лаппонинг ҳам фикри унга ўхшаш бўлиб шундай таъриф беради: "Шаҳар агломерациялари хилма-хил интенсив алоқалар билан ягона, динамик тизимга бирлашган аҳоли манзилгоҳларининг ихчам ҳудудий гуруҳидир" [53,29]. Кейинчалик, Э.Б.Алаев ўзининг терминологик луғатида шаҳар агломерацияларини ҳам халқ

хўжалиги, ҳам аҳолини ташкил этиш шакли эканлигини эътироф этади [6].

Шаҳар агломерацияларининг бозор иқтисодиёти шароитига мослашиш даврида трансформацияси ва ривожланиш хусусиятлари Р.В.Бабун, З.З.Муллагалеева, В.А.Шабашев, Н.В.Емельянова, О.А.Урбан каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Хусусан, В.А. Шабашев саноат модернизацияси сиёсатида шаҳар агломерациялари ва кластерларининг ролига аҳамият берган. А.Урбан ва Н.Демчук Новокузнецк шаҳар агломерацияси таркибидаги кўпчиликни ташкил этувчи йўлдош моношаҳарларнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишида модернизацион салоҳияти ва имкониятларини баҳолаган [117,114].

Т.И.Раимов Ўрта Осиёда йирик шаҳар агломерациялари пойтахт шаҳарлар негизида шаклланиши ва бунда пойтахтлик функцияларининг асосий ўрин тутишини таъкидлаган [82]. Ўзбекистонда аҳоли жойлашуви ҳудудий тизимларини шаклланиш жараёнларини ўрганиш асосида О.Б.Ота-Мирзаев уларни бир неча типларга ажратган ва прогнозлаштирган [12].

А.С.Солиев республикамизда аҳоли жойлашуви ҳудудий тизимлари, жумладан агломерацияларнинг шаклланишида гидрография тармоқларининг ролига алоҳида аҳамият берган [92].

Бизнинг фикримизча, агломерациялар умуман олганда, аҳоли зич жойлашган кичик бир ҳудудда жойлашган ва бир-бири билан турли алоқалар билан ўзаро боғланган шаҳар ва қишлоқларнинг мураккаб тизимидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “шаҳар агломерацияси” тушунчаси маълум маънода шартли характерга эга. Сабаби, бундай ҳудудий тизимларда фақат шаҳар жойлар эмас, балки улар орасида қишлоқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аҳолиси ҳам агломерациялашув жараёнида иштирок этади. Аммо шаҳар, айниқса йирик шаҳарларнинг бундай мураккаб тизимларни шаклланишидаги етакчи ролини ҳамда шаҳар аҳолиси ва шаҳарча ҳаёт тарзини тарқалишини ҳисобга олиб, бундай тузилмалар шаҳар агломерациялари деб аталади.

Шаҳар агломерациялари (ША) иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунчалари бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий мажмуалар ва иқтисодий географик ўрин билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса

улар ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуаларда якқол кўзга ташланади. Авваламбор, ША ҳар қандай ҳудудий таркибни шакллантирувчи асосий белгидир. Улар ўзига хос ҳудудий тизимни англатади. Бунда шаҳар агломерациялари заминида саноат ва транспорт тугуни ётади.

Айни вақтда шаҳар агломерациялари ягона иқтисодий географик ўрин, иқтисодий макон, бозор муҳитини ҳам билдиради. Уларда ягона инвестиция муҳити, экологик, нозогеографик ва криминоген вазият ҳам вужудга келади. Хусусан, шаҳар агломерацияларининг ягона социал муҳит эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки агломерацияда ўзига хос яшаш шароити, кишиларнинг ҳафталик меҳнат –ҳаёт фаолияти содир бўлади.

Агломерацияларнинг номланиши ҳам турлича бўлиб, масалан АҚШда «метрополитен ареали (МСА)» деб юритилади. АҚШда ҳар бир метрополитен ареали камида 50 минг кишидан иборат марказий шаҳар, шаҳар ареали ва округдан иборат бўлиб, округдан марказга қўплаб аҳоли миграцияси рўй беради. Агар округда аҳоли зичлиги 1 кв. милга 25 киши тўғри келса ва 50 % аҳолиси ареалга қатнаб ишласа унинг бу қисми метрополитен ареалига қўшилади [72]. Инглиз адабиётларида шаҳарларнинг бундай ҳудудий тизимлари одатда «конурбация» деб эътироф этилади. Бу терминни инглиз олими П.Геддес 1913 йилда киритган бўлиб, у йирик шаҳарларнинг ҳудудий жиҳатдан ўзаро қўшилиб кетишини назарда тутди. А. Солиев фикрига кўра, конурбация ҳам агломерациянинг бир шакли бўлиб, у шаҳарларнинг бевосита қўшилиб кетишини англатади. Ваҳоланки, агломерацияларда шаҳар ва йўлдош манзилгоҳларнинг ҳудудий жиҳатдан батамом қўшилиб кетиши шарт эмас. Бинобарин, ҳар қандай конурбация айни вақтда агломерациядир, лекин аксинча эмас [99].

Шаҳар агломерацияларининг асосини йирик шаҳарлар ташкил этади, улар битта баъзан эса икки ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин (Донецк- Макеевка-Горловка, Гданьск- Гдиня - Сопот ва б.). Марказий шаҳар қанчалик катта бўлса унинг таъсир доираси ҳам шунчалик кенг бўлади. Одатда унинг аҳоли сони 100 мингдан ортиганда агломерациялашув учун кўпроқ имконият вужудга келади. Г.Александрсон бу ҳақда шундай дейди: “Агар

шаҳарга зарур бўлган товар ёки хизмат шаҳар ташқарисида бўлса, у агломерацияни ривожлантирувчи кучдир” [7,62]. Йирик шаҳар ўз тараққиёти давомида аҳолисининг ўсиб бориши, бажарувчи функциясининг ва шаҳар планировкасининг такомиллашиб бориши билан вужудга келган муаммоларини шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий доирасида ҳал эта олмайди ва ўз чегараларидан чиқиб, атроф йўналишида кенгайиб боради. Уларни энди изоляцияланган, автоном ҳолда кўриш мумкин эмас деб ҳисоблайди [74].

Жойнинг табиий ва иқтисодий географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда агломерациялар турлича ҳудудий тузилишга эга бўлади. Москва агломерацияси атрофга йўналган транспорт йўллари бўйлаб гўёки ўн икки қиррали юлдузга ўхшайди, Нижний Новгород агломерацияси эса тўрт йўналишда атрофга кириб бормоқда. Марказдан тарқалувчи радиал йўл бўйлари тез ривожланади, уларнинг ораларида эса очик жойлар-буфер зоналар қолади. Бу зоналар кўпинча "яшил зоналар" ёки қишлоқ хўжалик ерлари билан банд бўлади. Ривожланган давлатларда эса улар қурилишлар, уй жойлар билан тўлиб кетиб, йўлдош шаҳар бош шаҳарга қўшилиб кетади. Марказий шаҳар агломерациянинг "ядро" сини ташкил этади. Ундан узоқлашган сари аҳоли зичлиги ва аҳоли манзилгоҳлари камайиб боради, улар ўртасидаги алоқалар ҳам сусаяди. Агломерация чегараси кўпинча 50-60 баъзан эса 100-110 км ли радиусларга ҳам тенг бўлиши мумкин.

Шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланишида иқтисодий географик ўрин (ИГЎ) муҳим рол ўйнайди. Тоғолди текисликлари, дарё ва денгиз бўйларида пайдо бўлган агломерациялар қулай иқтисодий географик ўрнидан фойдаланиб, уларнинг бўйларида ривожланишда давом этади ва "полосасимон" конфигурацияга эга бўлади [53]. Бундай агломерациялар кўпчиликни ташкил этади ва унга мисол тариқасида Чу дарёси бўйидаги Бишкек, Волга этакларидаги Волгоград агломерацияларини келтириш мумкин.

Битта асосий магистрал бўйлаб жойлашган аҳоли манзилгоҳларидан ташкил топган агломерациялар "чизиқсимон" ёки "занжирсимон" кўринишда бўлади (Токио, Вена ва б.). Табиий (тоғ, дарё) ва сиёсий (давлат чегаралари) тўсиқларга эга бўлмаган, текисликларда шаклланган тизимлар кўпинча ихчам

жойлашади ва симметрик ҳолда ҳар томонга бир текис ривожланиши мумкин (Киев, Харьков ва б.). Аҳоли манзилгоҳларининг бундай бир ерда ғуж бўлиб жойлашган тизимлари кўп ҳолларда тоғ-кон саноати асосида вужудга келган агломерацияларда ҳам учрайди (Донбасс, Қарағанда, Катта Рур ва б.).

Денгиз бўйидаги савдо йўллари, қулай бухталарда жойлашган порт шаҳарлар жаҳондаги йирик агломерацияларнинг вужудга келишини таъминлаган (Катта Гамбург, Шанхай, Сан-Франциско ва б.). Қуруқлик ичкарасидаги агломерацияларнинг аксарияти дарё бўйларида (Москва-Москва река, Тошкент Чирчиқ бўйида, Новосибирск Обь дарёси бўйида ва ҳ.к.) ёки уларнинг дельталарида (Калькутта Ганг дарёси, Қоҳира Нил дарёси дельтасида) жойлашган.

Айрим ҳолларда, агломерациялар доирасидаги баъзи йўлдош шаҳарлар тез ривожланиб, ўз атрофидаги аҳоли манзилгоҳларини ўзига тортади ва «иккинчи даражали» агломерациялар таркиб топадики, улар келажакда «мегалополислар» пайдо бўлишининг белгиларидир. Шаҳар агломерацияларининг вужудга келишини Г. М. Лаппо ўз ишларида 2 турини ажратади. Биринчиси "шаҳардан", яъни асосий шаҳардан унга мос келмайдиган объектлар яқин атрофига олиб чиқилади ёки шаҳар учун зарур бўлган объектлар унинг атрофидаги йўлдош шаҳарларга қурилади.

Шу тариқа агломерация пайдо бўлади ва ривожланади. Иккинчиси - "райондан" тури бўлиб, бунда конлар ёки янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда бир неча аҳоли манзилгоҳларидан бирортаси қулай ИГЎ га эга бўлади, у тез ривожланиб доминантлик қилади ва агломерация ядросига айланади, қолганлари эса йўлдош шаҳарларни ташкил этади.

Лекин, кўпчилик ҳолларда аралаш типдаги агломерациялар учрайди [51].

Йўлдош шаҳарлар, одатда, монофункционал бўлиб, саноат маркази, курорт, илмий марказ, туман маркази, агросаноат маркази каби функцияларни бажаради.

Баъзан улар тез ривожланиб, бир неча функцияларни амалга оширади ва йириклашиб ўзига хос локал ҳудудий тизимни шакллантиради.

Собиқ Иттифокда ўтган асрнинг 70-йилларида район планировкаси ва шаҳарсозлик билан шуғулланувчи илмий тадқиқот ташкилотларининг лойиҳаларида аҳоли манзилгоҳларининг гуруҳ тизимлари (ГСНМ) концепцияси яратилган. Улар тизим ҳосил қилувчи марказнинг аҳоли сонига кўра кичик, ўрта ва йирик тизимларга бўлинади. Масалан, агар асосий шаҳар аҳолиси 100 мингдан оз бўлса кичик, 100-500 минг бўлса ўрта ва 500 мингдан зиёд шаҳарлар атрофида (таъсир зонасида) аҳоли манзилгоҳларининг йирик ҳудудий тизимлари вужудга келади. Бундай ҳудудий тизимлар, ўз навбатида, аҳоли жойлашувининг минтақавий (регионал) тизимини шакллантиради.¹

1.2. Шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари

Шаҳар агломерациялари локал ҳудудий тизимлар бўлиб, ундаги элементлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Бу ерда умумий ҳаёт фаолияти, ягона ҳўжалик тизими шаклланади. Ушбу ҳудуддаги барча ресурс ва имкониятлардан: табиий ва меҳнат ресурслари, сув ва энергия таъминоти, йирик шаҳарнинг илмий-техник салоҳияти, ер ва уй-жой фонди, меҳнат қилиш, дам олиш, даволаниш, билим олиш каби хизматлардан умумий ҳолда фойдаланилади.

Агар собиқ Иттифок даврида ҳудудий мажмуалар, саноат тугунлари ва районларида, пойтахт шаҳарлар атрофларида шаклланган шаҳар агломерацияларига катта эътибор қаратилган ва асосан иқтисодий мақсадлар кўзланган бўлса, янги иқтисодий-ижтимоий муносабатларга ўтилиши билан уларга бўлган қарашлар ўзгарди. Хусусий мулкчилик ва эркин рақобатга асосланган янги шароитларда улар ўзгача хусусиятлар билан ривожланмоқда.

Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида хорижий сармояларнинг асосий ўрин эгаллаши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, хусусийлаштириш жараёнининг бориши, уй-жой нархларининг кескин ортиши, ердан фойдаланишда бозор

¹ Ҳозирги вақтда бу концепция шаҳаршунослик назарияси ва амалиётида ишлатилмайди.

муносабатларининг кириб келиши каби янги хусусиятлар ўзига хос муҳитни шакллантирмоқдаки, уларни янги иқтисодий ва ижтимоий шароит нуқтаи назаридан ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олганда улар бугунги кунда ўзига хос (1-расм):



1-расм. Шаҳар агломерацияларининг замонавий хусусиятлари

- **иқтисодий макон.** Шаҳар агломерациялари меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасидир. Улар кичик, ихчам бир ҳудудда ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шакллари: ихтисослашув, кооперация, комбинатлашув ва мужассамлашув асосида таркиб топади. Турли тармоқларга ихтисослашган ва ўзаро яқин жойлашган марказлар ўртасида алоқалар кучаяди, улардан унумли фойдаланиб, қисқа масофаларда вақт ва транспорт харажатларини тежаган ҳолда, улар бир-бирини тўлдиради ва агломерация самарадорлигини таъминлайди. Агломерациялар локал ҳудудий тизим сифатида нафақат аҳоли, балки иқтисодиёт тармоқларини ҳудудий ташкил этишнинг ҳам юқори даражада такомиллашган шакли бўлиб ҳудуднинг асосий иқтисодий таянч ареаллари ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги шаҳар агломерациялари ялпи ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисмини беради. Республикамизда эса улар ҳиссасига ишлаб чиқариш ва экспортнинг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади. Бундай тизимлар ҳозирги модернизация шароитида ўзгаришларга тез мослаша олади. Чунки уларда жуда кўп тармоқлар мавжуд, бири инқирозга учраган ҳолатда, иккинчиси ривожланиши мумкин.

- **инвестиция муҳити.** Йирик шаҳар ва агломерациялар ўзининг қулай географик ўрни, бой табиий ресурслар ва шароитлари, ишчи кучи ва малакали кадрларининг кўплиги, кенг истеъмол бозорининг мавжудлиги, транспорт ва илмий-техник салоҳиятнинг юқори даражада мужассамланганлиги билан ўзига хос инвестиция маконини ҳосил қилади. Бу ерда молия, кредит, савдо шаҳобчалари, такомиллашган транспорт тизими мавжуд бўлиб, хорижий сармоядорларни ўзига кўпроқ жалб этади. Масалан, мамлакатимиздаги киритилаётган хорижий сармояларнинг 80 фоизи айнан шу жойларга тўғри келади.

- **социал муҳит.** Агломерация доирасида аҳолининг ҳафталиқ, ойлиқ, эпизодик ҳаёт фаолияти шаклланади, меҳнат қилиш, ўқиш, дам олиш, даволаниш, уй-жой, коммунал хизматлардан умумий фойдаланилади. Энг аввало агломерация “ядро”сининг юқори салоҳияти аҳолини ўз таъсир доирасига тортиб туради. Мазкур ҳудудда ўзига хос турмуш тарзи, шаҳар маданияти шаклланади ва ривожланади. Инсон шахсининг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар юзага келади. Уларнинг бундай нуфузи четдан аҳолини янада ўзига жалб этади ва у кенгайиб, ривожланиб боради. Москва агломерацияси 80-90 км масофадан аҳолининг кундалиқ қатновини таъминлайди. Тошкент агломерацияси кунига 25 мингга яқин, Бухоро агломерацияси 15 минг аҳолини турли мақсадларда ўзига жалб этади [55].

- **ягона меҳнат бозори муҳити.** Мазкур тизимларда жойлашган аҳоли манзилгоҳларининг функциялари ортиб боради. Бир ерда тўпланган турли марказларда хилма-хил тармоқ ва соҳалар мужассамлашади, ривожланади ва уларнинг дифференциялашуви, интеграциялашуви рўй беради. Натижада аҳоли ўз хоҳиш-истаклари, мутахассисликларига мос келувчи меҳнат турларини танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Бундай

имкониятлар айниқса агломерация ядросида мужассамлашади. Агломерация доирасида умумий меҳнат бозори шаклланади, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф юқори бўлади ҳамда ундан умумий ҳолда фойдаланилади, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари нисбатан тез ҳал бўлади;

- **юқори урбанизациялашган ҳудуд.** Кичик бир ҳудудда кўплаб шаҳарлар тўпланади. Масалан, Киев ёки Минск агломерациялари 20 дан ортиқ йўлдош шаҳарларни ўз ичига олади. Тошкент агломерациясида эса 27 йўлдош шаҳар манзилгоҳлари тўпланган бўлиб, урбанизация даражаси 75 фоизга яқин (республикада энг юқори). Агломерация маркази-йирик шаҳар таъсирида йўлдош шаҳар ва қишлоқлар ривожланади, қишлоқ-шаҳар миграцияси кучаяди, шаҳарга хос бўлган ҳаёт тарзи, шаҳар маданияти атрофга ёйилади; шаҳарларнинг янада кенгроқ ҳудудий тизимлари - урбанизациялашган зоналар вужудга келади. Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари аҳоли жойлашувини бошқариб боровчи воситадир. Йирик шаҳарни тез ўсиб кетишида атрофидаги йўлдош шаҳарлари уни ҳимояловчи вазифани бажариб, "ядро"га ҳудудий, экологик ва бошқа жиҳатлардан мос келмайдиган функцияларни ўз зиммасига олади. Ўз навбатида кичик шаҳар ва қишлоқлар ҳам ривожланади. Йўлдош шаҳарлар унинг таркибида йўқ бўлиб кетмайди, балки ўзгаради, муаммолари шу доирада ҳал бўлади.

- **юқори илмий - техник муҳит.** Шаҳар агломерациялари фан-техника ютуқлари натижасидир. Бу ерда фан ва техниканинг энг илғор тармоқлари: бошқарув, илмий-текшириш институтлари, конструкторлик-лойиҳалаш ташкилотлари, кадрлар тайёрлаш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари мужассамланади, мамлакатларнинг ўзига хос "ўсиш қутблари" вужудга келади. Шаҳар агломерациялари янгиликларни биринчи бўлиб яратади, қабул қилади ва атрофга узатади, район ҳосил қилувчи роли ортади. Нафақат ўз атрофи, балки иқтисодий район ва давлатни бошқариб бориш қудратига эга бўлади.

- **геоэкологик муҳит.** Шаҳар агломерациялари инсон томонидан юқори даражада ўзлаштирилган, табиат ва жамият бир-бирига энг фаол таъсир этувчи ўзига хос экологик ҳудуд ҳисобланади. Урбанизациялашган ҳудудлар Ер шари

майдонининг 1 % майдонини эгаллагани ҳолда, жами чиқинди ва ифлос газларнинг 80 фоизини чиқаради. Саноат корхоналарининг кўплиги, аҳолининг зич жойлашганлиги, транспорт тизимининг юқори даражада мужассамланганлиги, турар жой биноларининг зичлиги ва улардан атроф-муҳитга турли чиқинди ва ифлос газлар, оқава сувларнинг чиқариб ташланиши натижасида экологик вазият ўзгаради. Агломерацияларнинг тартибсиз ривожланиши табиатга хавф туғдиради. Назорат ёки экологик мониторингнинг йўқлиги табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни бузади. ША лар ҳудуди кўплаб қурилиш ва эксплуатация ишлари оқибатида доимий ўзгаришда бўлади, шаҳарларни ривожлантириш нуқтаи назаридан бу тўғри бўлсада, иккинчи томондан табиий геотизимлар бузилиб, антропоген – шаҳар геотизимлари вужудга келади [36].

● **нозогеографик муҳит.** Шаҳар агломерацияларида экологик вазиятнинг кескинлашуви, аҳолининг ниҳоятда зич тўпланиши ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги, транспорт воситаларининг ва шовқин-суроннинг кўплиги агломерация доирасида яшовчи аҳолининг соғлигига салбий таъсир этади. Транспорт воситаларининг кўплиги натижасида, айниқса тифиз вақтларда йўллар тирбанд бўлиб қолади. Бу эса одамларни асаб толаларининг таранглашувига олиб келади. Шаҳар ва унинг атрофларида шовқин-сурон кўпаяди. Марказий шаҳарга қатновчи мигрантлар учун шаҳар атрофи транспорти ва сарф-ҳаражатлар муаммолари келиб чиқади. Уларнинг вақти йўлда кўп сарф бўлади, ишга лаёқати сусаяди. Кескин экологик вазият, транспорт, социал ва бошқа муаммолар натижасида аҳоли ўртасида асаб ва руҳий касалликлар, юрак, қон-томир, хавфли ўсма каби шаҳарларга хос касалликлар, ўлим ҳолатлари ортади. Тошкент, Ангрен-Олмалик, Навоий шаҳар ва унинг атрофлари касалланиш сонига кўра республикада биринчи ўринларда туради, ҳар 100 минг кишига касалланиш 60-70 мингни ташкил этади.

● **геокриминоген муҳит.** Шаҳар агломерацияларида инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзгаради, ўзига хос турмуш тарзи шаклланади, миллий урф-одатлар, қўшничилик муносабатлари йўқола боради. Инсонларнинг ахлоқ-одоб нормаларидан четга чиқиш ҳоллари кўпаяди. Жиноятчиликнинг турли шакллари намоён бўлади ва улар шаҳарларда қишлоқ

жойларга нисбатан 5-6 баробар кўпроқ содир этилади ва ўзига хос геокриминоген муҳит шаклланади.

Шу боис, ҳозирги ривожланган мамлакатларда агломерациялар айрим олимлар томонидан қораланмоқда. Чунки, улар жуда улкан бўлиб, бир-бири билан чирмашиб, ажратиб бўлмайдиган даражада ўзаро чамбарчас боғланиб ва зиддият ҳамда муаммолар шу қадар кескинлашиб кетганки, уларни энди бошқариш жуда қийин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар агломерацияларини шаклланиш давридан илмий асосда ўрганиш ва назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Уларда мавжуд бўлган жуда катта имконият ва ижобий жиҳатларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланган ҳолда, салбий оқибатлари ва муаммоларини ўз вақтида ҳал этгандагина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Агломерациялар аҳоли манзилгоҳлари жойлашувининг мураккаб шакли бўлиб, унинг вужудга келиши тўсатдан рўй бермасдан узоқ йиллар давомида аҳоли ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг такомиллашуви натижасида объектив ҳолатда кечадиган жараёндир. Улар қулай, етарли шарт-шароитлар бўлган ерлардагина таркиб топади ва бир-биридан фаолият тури, ўлчамлари, ривожланганлик даражаси, алоқалар интенсивлиги ва бошқа хусусиятларига кўра фарқ қилади.

Европа давлатларида агломерациялар асосан денгиз ва дарё бўйларида, уларнинг денгизга чиқиш қисмларида, порт-шаҳарлар негизида пайдо бўлган, кейинчалик эса саноатнинг ривожланиши билан саноат районларида таркиб топа бошлади. Бу ҳолат Америка қитъасига ҳам кўчди, денгиз бўйларида савдонинг ривожланиши ҳамда у билан боғлиқ ҳолда мамлакат ичкарасида йўллар бўйларида ва уларнинг тугунларида шаклланди.

Ҳозирги кунда қатор ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда агломерация ва мегалополислар аҳоли ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Агар 1950 йилда жаҳонда 2 та аҳоли сони 8 млн. дан ортиқ бўлган «мегаполис» (БМТ тақлифига кўра) бўлган бўлса (Нью – Йорк - 12,3 млн. киши, Токио - 11,3 млн.), 1975 йилда улар қаторига Мехико қўшилди. 2010 йилда уларнинг сони 21 та бўлиб, башоратларга кўра, 2025 йилда 29 тага етади ва уларнинг 23 таси ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. “Мегаполис”

терминини аҳолиси 10 млн.дан ортган шаҳарлар учун қўллаш таклиф этилмоқда. Ҳозирги кунда ер шарига энг йирик агломерация Токио агломерацияси бўлиб, унда 38 млн. дан ортиқ аҳоли яшайди. Аҳоли сонига кўра кейинги ўринларни Жакарта, Сеул, Деҳли, Шанхай, Манила, Карачи, Нью-Йорк ва бошқа агломерациялар эгаллайди (2018, www.statdata.ru).

Ривожланаётган мамлакатлардаги мегаполисларда урбанистик портлаш» юз бермоқда: иш топиш мақсадида кўплаб аҳоли пойтахт шаҳарларга кўчиб келиб, демографик босим кучаймоқда. Уларнинг аҳоли сони йилига 3-5 % дан кўпаймоқда (жаҳон бўйича шаҳар аҳолисининг ўртача йиллик ўсиши 1,8%).

Европа, Шимолий Америка, Шарқий Осиёдаги ана шундай 40-50 та йирик агломерациялар ёнма-ён жойлашиб ва бир-бирига қўшилиб, йирик урбанизациялашган ҳудудлар, яъни “мегалополис”ларни ҳосил қилган. Ушбу терминни биринчи марта америкалик социолог олим Л. Мамфорд қўллаган. Ж. Готтман эса Атлантика қирғоқлари бўйлаб деярли 1000 км га чўзилиб кетган 50 га яқин агломерацияни ва 50 млн. дан зиёд аҳолини ўз ичига олган Босваш (Бостон-Вашингтон) агломерациялар тизимини биринчи бўлиб тадқиқ этди ва уни ушбу ном билан атади. Ана шундай урбанизациялашган ҳудудлардан сайёрамизнинг шарқий қисмида, маркази Токиода жойлашган Тинч океаннинг муҳим савдо йўллари бўйлаб чўзилган Токайдо (Токио - Осака) мегалополиси шарқнинг ўзига хос “ўсиш қутби” ҳисобланиб, унда аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми тўпланган. Бундай улкан урбанизациялашган ҳудудлар жаҳоннинг асосий цивилизация марказлари бўлиши билан бир қаторда транспорт, социал, экологик, шовқин-сурон, ирқий-миллий муаммолар билан бирга ривожланмоқда. Натижада, аҳоли миграциясининг йўналиши ҳозирги даврга келиб ўзгарди: шаҳар марказидан шаҳар атрофлари ва йўлдош шаҳарларга кўчиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, турли муаммоларни юзага келтирмоқда. Жумладан, жаҳонга машҳур бўлган йирик шаҳарларнинг марказий қисмлари бўшаб қолган, бу ерга «паст табақали» аҳоли қатлами ёки ишлашга келган иммигрантлар жойлашиб, шаҳар маданияти, кўрки ва мавқеига путур етмоқда. Шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш мақсадида олимлар келгусида шаҳар-боғлар, экошаҳар, агрошаҳарлар,

денгиз шаҳарларини яратиш лойиҳалари устида бош қотирмоқдалар.

Айни вақтда Лотин Америкасида агломерациялашув жараёни чўққисига етмоқда, Осиё, Шимолий Африка давлатларида эса авжида: Марказий ва Жанубий Африка ҳамда Осиёнинг айрим қисмларида у ҳали бошлангани йўқ.

МДХ давлатларида, шаҳар агломерациялари ҳудудий мажмуалар, саноат районларида саноат марказлари, пойтахт шаҳар ва транспорт тугунлари негизида вужудга келган. Ўтиш даврига келиб, саноатнинг инқирозга юз тутиши кўпчилик агломерацияларни депрессив ҳолатга тушириб қўйди. Хусусан, Россияда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши билан бу жараён уларнинг таркиб топиш босқичида тўхтади. Мегалополисларнинг гарчи айрим белгилари пайдо бўлган бўлсада (Москва - Нижний Новгород, Урал ва Кузбассда), улар тўлиқ шаклланмади.

Марказий Осиё минтақасида агломерациялашув жараёни 1960-70-йиллардагина бошланди. Улар йирик пойтахт шаҳарлар негизида, айрим тоғ-кон саноати районларида (Қарағанда, Олмаота, Тошкент, Душанбе ва бошқалар), тоғ олди текисликлари, муҳим гидрография тармоқлари (Чу, Чирчик, Ҳисор, Зарафшон дарёлари) ва нисбатан яхши ривожланган транспорт тугунларида шаклланди.

1.3. Жаҳоннинг йирик шаҳар агломерациялари географияси

Ривожланган мамлакатларда XIX асрда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан демографик жараёнлар кескин ўзгара бошлади, саноатнинг юқори тезликда тараққий этиши аҳолининг иш қидириб шаҳарларга оммавий тарзда кўчишига олиб келди ва бу жараён минтақавий хусусиятларни намоён этган ҳолда ҳозиргача давом этмоқда.

“Жаҳон шаҳарлашган ҳудудлар демографияси” тадқиқотларида келтирилган маълумотларга кўра, дунёда 2019-йилда аҳоли сони камида 500 000 нафарни ташкил этган 1072 та шаҳар агломерациялари мавжуд¹.

1

HYPERLINK "<https://www.newgeography.com/users/wendell->

Йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг катта қисми Осиёда жойлашган бўлиб (61%), бошқа минтақаларнинг улуши қуйидагича тақсимланган: Шимолий Америка – 15%, Европа – 12%, Африка – 11%, Австралия – 1%¹.

1-жадвал

1990-2019-йилларда жаҳондаги энг йирик шаҳар агломерацияларининг динамикаси² (млн. киши)

Ўрни	Аҳоли сони	Х у д у д	Ўрни	Аҳоли сони	Х у д у д	Ўрни	Аҳоли сони
1	32.5	Токио - Иокосагама	1	38.5	Гуанжоу	1	46,7
2	18.4	Осака - Кобе	14	17.2	Токио - Иокоса	2	40,4

¹ <https://docplayer.ru/29049349-Sravnitelnyy-analiz-aglomeracii-seula-na-primere-koyana-i-suvona.html>.

² <https://www.newgeography.com/content/006272-demographia-world-urban-areas-2019-population-and-area-urban-densities>

		- К и о т о			Г а м а		
3	16.1	Н ю - Й о р к	8	21.0	Ш а н х а й	3	33,6
4	15.6	М е к с и к а	10	20.4	Ж а к а р т а	4	31,3
5	14.8	С а н - П а у л о	9	20.9	Д е х л и	5	30,3
6	12.4	М у м б а й	6	23.6	М а н и л а	6	25,7
7	10.9	К а л к у т т а	19	15.2	М у м б а й	7	25,1

8	10.9	Л о с - А н ж е л е с	18	15.4	С е у л	8	24,8
9	10.5	С е у л	4	25.3	М е к с и к а	9	23,0
10	10.5	Б у э н о с - А й р е с	20	15.1	С а н - П а у л о	10	22,4

*Жадвал <https://www.citypopulation.de/en/world/agglomerations/>
маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.*

Юқорида келтирилган 1-жадвалдан кўриш мумкинки, кейинги йилларда Осиё минтақаси йирик шаҳар ҳамда шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши ва ривожланиши бўйича устунликка эга бўлиб бормоқда.

Улар орасида Токио дунёнинг энг йирик, шу билан бирга, энг қадимий агломерацияларидан бўлиб, 1955-йилдаёқ аҳолиси 13.7 млн. нафарга етган ва мазкур ҳудудда аҳоли мужассамлашуви йилдан-йилга ортиб бормоқда (40.4 млн. киши, 2019 й.). Бу ҳудуд, нафақат, Катта Токио деб номланувчи шаҳар агломерацияси,

балки, ўзининг алоҳида ҳуқуқлари ва вазифаларига эга, унга туташ жойлашган Иокогама, Кавасаки, Чиба каби 87 та муҳим марказларни ҳам бирлаштириб, ўзига хос Токайдо мегалополисини ташкил этади.

Токио қадимда балиқчилар қишлоғи сифатида пайдо бўлган бўлсада, XIX аср охирларига келиб, шаҳар ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга бўлган шаҳар агломерациясини ҳосил қилган ва у ҳозирда Япониянинг сиёсий, иқтисодий, маданий маркази бўлиши билан биргаликда, XX асрда жаҳоннинг энг йирик агломерациялари орасида етакчи ўринни эгаллаган¹. Мазкур агломерация шаклланишида аҳолининг ички миграцияси катта рол ўйнаб, 1995-2000-йиллар оралиғида давом этган миграцион жараёнлар натижасида ҳудуддаги аҳоли сони 20 млн. нафардан ошиб кетган² ва бошқа агломерациялар тезлик билан ривожланиб бораётган бўлсада, яқин ўн йилликлар ичида унинг салоҳияти сақланиб қолади. Ҳозирги кунда Токио агломерациясининг тахминан 28 млн. нафар аҳолиси (75 фоиз) унга туташ бўлган ҳудудларда истиқомат қилади. Субурбанизация кўрсаткичи бўйича ҳам агломерация дунёда етакчи ўринни эгаллайди.

Шарқий Осиёда, шунингдек, ўзининг ривожланиш тезлиги бўйича юқори ижобий тенденцияларни намоён этаётган Сеул-Инчхон, Гуанжоу-Фошан, Шанхай, Беижинг каби агломерациялар жойлашган. Мазкур минтақада жойлашган Токио-Иокогама шаҳар агломерацияси аҳоли сони бўйича деярли бир аср давомида дунёда биринчи ўринни эгаллаб (38.5 млн. нафар) келган бўлсада, кейинги вақтда Хитойда кузатилаётган кескин иқтисодий ва демографик ўсиш, техник ҳамда технологик тараққиёт натижасида мамлакат шаҳар агломерацияларининг ҳам тезлик билан кенгайиб бораётганини кўриш мумкин. Ҳозирда мамлакатда Марварид дарёси дельтаси, Шанхай ва Беижинг каби шаҳар агломерациялари ривожланиб бориб, келгусида Чонгкинг, Ченгду ва Сзечуан шаҳарларини Хитойнинг мегашаҳарларига айлантириш лойиҳалари мавжуд. Аммо, бу агломерацияларнинг ривожланиши натижасида ҳавонинг кучли даражада

¹<https://www.britannica.com/place/Tokyo>

²<http://www.newgeography.com/content/002923-the-evolving-urban-form-tokyo/> The Evolving Urban Form: Tokyo by Wendell Cox 06/19/2012.

ифлосланиши, ҳудудий номутаносиблик, турар жойга бўлган талабнинг кескин ошиши туфайли келиб чиққан ерга бўлган талаб, маданий ҳамда табиий бойликларнинг тобора камайиб кетиши каби бир қанча муаммолар юзага келмоқда.

3000 йил олдин Хитойда шаклланган Беижинг шаҳрининг ҳозирги таркибий тузилиши XV асрда шаклланиб, халқасимон кўринишга эга бўлган: Тақиқланган шаҳар ва Осмон Ибодатхонаси жойлашган ҳудуд қадимий Беижингнинг бошқарув ҳамда маданий марказларидан бири бўлган. Марказ ҳар томондан девор билан ўраб олинган бўлсада, 1960-йиллардан бошлаб, шаҳарнинг кенгайиши натижасида 2-халқа йўли юзага келган; шаҳарнинг тобора кенгайиб бориши натижасида кейинчалик учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи халқа йўллар ҳам қурилган. Бундан ташқари, Шанхай метроси узунлиги бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаб, Европа метро тармоқларидан фарқли равишда юлдузсимон эмас, икки халқадан иборат. Ҳозирда Шанхай шаҳар марказида жойлашган қисми XIX аср охирларигача шаклланган тарихий ҳудуд бўлиб, шаҳарнинг замонавий, чиройли кўринишга эга бўлган қисми кейинги даврда Беижинг лойиҳасига ўхшатиб қурилган. Шанхай агломерациясининг бу ҳудуддаги бошқа агломерациялардан фарқли томони шундан иборатки, у жойлашувига кўра, уч томонлама сув билан: жануб ва шарқдан денгиз билан, шимолдан Янцзи дарёси билан ўралган. Бу эса унинг шаҳар агломерацияси сифатида ҳудудий жиҳатдан кенгайиб бориш хусусиятининг чекланиши, ўз навбатида, аҳолининг зичлиги юқори бўлиши каби оқибатларга олиб келади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда ғарб томонда бир қанча ўрта шаҳарлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Хитойда жойлашган учинчи агломерация юқоридаги иккисидан катта фарқ қилиб, у таркибий тузилмасига кўра ўзида бир-бири билан чамбарчас боғланган полицентрик шаҳар агломерациясини ҳосил қилади. Мазкур агломерацияга Гуандон провинциясининг бир қанча шаҳарлари, Гонконг ва Макаонинг 63 млн. аҳоли яшаётган ҳудуди киритилиб, уларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, минтакавий интеграциядаги иштироки минтақада урбанизация даражасининг кўтарилишига сабаб бўлган ва бу ҳолат агломерациянинг тобора кенгайиб боришига олиб келмоқда.

Кейинги ўттиз йил давомида Хитойнинг жанубий қисмида жойлашган Шенжен ва Гуанжоу агломерацияларининг Гонконг ва Макао ҳудудига яқинлашиб, кўшилиб кетиши натижасида мазкур ҳудудда ўз ичига 120 млн. аҳолини қамраб олувчи тўртта шаҳардан иборат бўлган, ишлаб чиқариш кластери кўринишидаги йирик мегаагломерация вужудга келмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

2020-йилда Хитой Халқ Республикасида аҳоли сонига кўра энг йирик агломерациялар¹

№	2016-йил			2020-йил		
	Агломерация	Жойлашган ҳудуд	Аҳоли сони (млн. киши)	Агломерация	Жойлашган ҳудуд	Аҳоли сони (млн. киши)
1.	Шанхай	Шанхай	22,685	Гуанжоу-Фошан	Гуандун	46.700
2.	Пекин	Пекин	20,390	Шанхай	Шанхай	33.600
3.	Гуанжоу-Фошан	Гуандун	18,760	Пекин	Пекин	19.800
4.	Шенжен	Гуандун	12,240	Тяньцзин	Тяньсин	12.700
5.	Тяньсин	Тяньсин	11,260	Сямин (Амой)	Фусзян	10.000
6.	Ченду	Сичуан	10,680	Ченду	Сичуан	9.600
7.	Тайпей	Тайван	8,500	Ухан	Хубей	9.50
8.	Дунгуан	Гуандун	8,260	Ханжоу	Чжесзян	8.450
9.	Ухан	Хубей	7,620	Чунсин	Чунсин	8.150
10.	Ханжоу	Чжесзян	7,605	Шенян-Фушун	Ляонин	8.000

Бу агломерация ўзига хос икки қисмдан иборат бўлиб, Шенжен ва Гуанжоу ўз атрофидаги ҳудудларни қўшиб олиб, экстенсив тарзда кенгайишда давом этаётган бўлса, Гонконгда аҳоли сонининг тобора ортиб бораётгани, инфратузилманинг модернизация қилинаётган жараёнлари кузатилади.

Жанубий Кореяда шаклланган “Судоквон” деб номланувчи, уч ҳудудий бирлик – Сеул, Инчхон, Кёнгидо районларидан

¹ <http://statinformation.ru/nasgor/kitay-gor-agl-po-nas.html>

ташкил топган Сеул Миллий Пойтахт Ҳудуди агломерацияси эса аҳоли сони бўйича дунёда саккизинчи ўринни эгаллайди¹.

Мамлакат ҳудудининг нисбатан кичиклиги унда бошқа шу каби агломерацияларнинг шаклланишига ҳалақит берган бўлсада, XIX аср охири -XX аср бошларида Сеул-Инчхон шаҳар агломерацияси юзага келган. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг ярми истиқомат қилувчи “Катта Сеул” да ҳам деярли барча агломерацияларга хос бўлган жараён – субурбанизация кузатилиб, экологик тоза ҳудуд, арзон уй-жой марказ атрофида “ётоқ шаҳар” ларда жойлашган. Шунингдек, бунда ривожланган транспорт инфратузилмаси ҳам муҳим рол ўйнаб, у агломерацияга кириб келувчи маятникли меҳнат ва маданий-маиший миграциянинг асосини ташкил этади. Натижада, “расмий” шаҳарнинг аҳоли сони тобора камайиб бораётган бўлсада, “Катта Сеул” агломерациясининг аҳолиси аҳоли механик ҳаракати ҳисобига ортиб бормоқда.

Шунингдек, Жанубий Осиёда ҳам бир қанча шаҳар агломерацияларининг “кескин ўсиш” жараёни кузатилиб, бу ўз навбатида, Ҳиндистоннинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқдир. БМТ томонидан аҳоли сони бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра мамлакатда шаҳар агломерацияларининг ривожланиш тенденциялари шундай тезликда давом этадиган бўлса, 2030-йилга келиб, Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳри 39 млн. нафар аҳолиси билан Токиони ортда қолдириши мумкин².

Ҳозирда йирик агломерациялар “давомчилари” сифатида Ҳиндистоннинг Бангалор, Ченнай, Ҳайдаробод, Хитойнинг Шенжен, Тяньцзин каби урбанистик ҳудудлари ҳам келгусида биринчи ўттизталикдан жой олиши кутилмоқда. Аммо, аҳоли сони камайиб бориши билан боғлиқ бўлган муаммолар туфайли рўйхатдан Чикаго, Лима, Нагоя, Париж, Сеул каби шаҳар агломерациялари чиқиб кетиши мумкин.

XIX асрда Европа ва Америка қитъаси шаҳарларида кескин ривожланиш кузатилган бўлса, XX асрда мазкур жараёнлар ўз чўққисига чиқди. Шимолий Америка ҳозирда дунёнинг энг урбанизациялашган ҳудудларидан бири бўлиб, урбанизация

¹ <https://docplayer.ru/29049349-Sravnitelnyy-analiz-aglomeracii-seula-na-primere-koyana-i-suvona.html>

² <https://www.prb.org/delhi/>

даражаси деярли 82 фоизни ташкил этади. ХХІ асрга келиб, Шимолий Америка, хусусан, АҚШ да мавқеи пасайган шаҳарларни тиклаш ишлари олиб борилган бўлсада, бу кўпинча аксинча натижалар билан тугаган. Шаҳарларга аҳолининг янги қатламини жалб этиш учун барча инвестициянинг эски биноларни қайта янгिलाш ва янгиларини қуриш ишларига сарфланиши мазкур ҳудудларда рентанинг ошиши, аҳолининг тобора камайиб кетишига олиб келди. Аҳолини ирқий ҳамда ҳудудий ажратишга олиб келган чора-тадбирлар транспорт тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди ва энергетика соҳасида тақчиллик кузатила бошлади. Шундай бўлсада, Шимолий Америкада дунёда энг йирик майдонга эга бўлган шаҳар агломерацияси жойлашган бўлиб, Нью-Йорк агломерацияси шаклланиш жараёни 1920-1955-йилларда катта тезликда юз берган. 1950-1990-йилларда АҚШ аҳолиси 65 фоизга ортиб, 248.7 млн. нафарга етди; Канадада эса бу рақамлар 95 фоизга кўпайиб, 27.3 млн. ни ташкил этди. Мамлакатнинг урбанизациялашган марказларида истиқомат қилувчи аҳоли улуши 64 фоиздан 82 фоизга (АҚШ) кўтарилди (Канада – 61 фоиздан 77 фоизга). Натижада, вақт ўтиши билан аҳоли яшовчи ҳудудлар, улардаги аҳоли сони тақсимооти, уларга боғлиқ равишда турли шаҳарларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти каби сифат белгиларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Буни эса, аввалги йирик саноат шаҳарлари ва қадимий порт шаҳарларининг мавқеи тушиб, ҳозирги кунда янги хусусиятларга эга бўлиб бораётган шаҳарларга бўшатиб берганлигида кўришимиз мумкин. Иқтисодий ўсиш урбанизациялашган минтақа ва шаҳарлар иқтисодий аҳамияти ҳамда таркибига таъсир кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш, алоқа ва транспорт, меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимооти ва анъанавий таркибини ўзгартирди, бу каби ўзгаришлар натижасида эса миллий бойлик тақсимоотида янги сифат белгилари пайдо бўлди. Шимолий Америкада Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда бир қанча демографик ўзгаришлар кузатилиб, улар қуйидаги икки асосий жараён натижаси бўлиб ҳисобланади:

- ижтимоий -демографик ўзгаришлар ва ички миграция ҳаракатлари;
- четдан иммиграция.

АҚШ ва Канадада 1948-1963-йиллар оралиғида никоҳ ҳамда туғилишлар сони кескин ортиб, бу эса ўз навбатида, истеъмол даражасининг ортиши, янги яшаш жойлари ва қурилишнинг кескин ортиши, катта ҳудудга ёйилган субурбанизация ҳудудларида янги урбанизация шакллариининг пайдо бўлишига олиб келган. Ундан ташқари, мазкур даврда уй хўжалиги ва оила таркиби тубдан ўзгариб, уй хўжалигининг ўртача сони 4.0 дан 2.7 га, метрополитен ҳудудларда эса бундан ҳам кўпроқ пасайди. 1963-йилдан кейинги даврда аҳоли табиий кўпайиши қисқариб, ички миграция оқими урбанистик ўсиш ва аҳоли қайта тақсимланишига таъсир кўрсатувчи энг катта омиллардан бирига айланди: 1970-1980-йилларда АҚШ иммиграция омили АҚШ аҳоли ўсишининг 20 ва Канаданинг 30 фоизини таъминлаб берди. 1990-йилларгача АҚШ га ҳар йили 1.1 млн. нафар, Канадага 200 000 нафар қонуний мигрантлар келиб ўрнашиши кузатилган. Мамлакатга кириб келган аҳолининг деярли ярми метрополитен ҳудудларнинг марказий шаҳарларига жойлашган.

АҚШ да урбанизация жараёнига ўз таъсирини ўтказган минтақага хос бўлган омиллардан бири бу – ирқий ажратиш бўлиб, асрлар давомида ҳудудий жойлашувга асос қилиб олинган мазкур омил 1960-йилларга келиб расман тугатилган бўлсада, ҳозирда афроамерикалик, испан ҳамда осиёликларнинг аксарият қисми даромадига боғлиқ равишда йирик шаҳар агломерацияларида ҳудудий жиҳатдан ажратилган ҳолда жойлашган.

АҚШ да мамлакат ҳудудининг хусусиятларидан фойдаланган ҳолда аҳоли жойлашувига таъсир этиш агломерацияларда кўп кузатилувчи миллий муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур жараён ҳозирги кунда ҳам кам даромадли хўжаликларни қиммат туманлар ва ҳудудлардан тобора майдони кичик, солиқлар паст бўлган арзон мавзеларга йиғилишини тезлаштирмоқда. Бундан ташқари, Шимолий Америка шаҳарларида ёш аҳоли қатламининг аҳоли сонига катта улушни ташкил этиши ҳам янги жараёнлардан бўлиб ҳисобланиб, кам иш ҳақи ва аҳолининг ёш қатлами бир-бирига боғлиқ равишда йирик агломерацияларда йиғилиб бормоқда.

Дунёдаги энг йирик агломерациялардан бири бўлиб ҳисобланган “Катта Нью-Йорк” эса ҳудудий жиҳатдан Нью-Йорк

округи (60 ҳудудга эга бўлган Манхеттен шаҳри), Нью-Йорк шаҳри (781 ҳудудда жойлашган Манхеттен, Бруклин, Квинс, Бронкс ва Ричмонд) каби муҳим марказларга эга бўлиб, бошқа агломерациялардан фарқли равишда қўшни штатлардаги шаҳарларни ҳам ўз ичига олади: Нью-Жерси (Жерси Ситй, Патерсон, Нью-Арк ва бошқалар), Коннектикут (Данбери, Милфорд, Стамфорд ва бошқалар). Мамлакатнинг бошқа бир йирик агломерацияси – “Катта Лос-Анжелес” – 1781-йилдан бошлаб кенгайиб бораётган агломерация ҳозирги кунда 88 000 км² ҳудуд ҳамда 17 млн. дан ортиқ аҳолини ўз ичига олади.

Европада эса Лондон 1500-йилдан кейин минтақанинг энг йирик савдо-иқтисодий, сиёсий марказларидан бири сифатида ривожланишни бошлаб, XIX асрда темир йўлларнинг шиддат билан ривожланиши аҳолининг ўрта қатламини ҳам марказ томонга йўналтирган Катта Лондонни шакллантиришда муҳим рол ўйнаган. “Катта Лондон” агломерацияси 32 та округ ва Лондон шаҳридан ташкил топган, аҳоли сони 20 000 дан 320 000 гача бўлган туманларни ўз ичига олади. Лондон агломерацияси учун аҳоли турар жойларининг шаклланиши йўлдош шаҳарлар ривожланишига ўхшасада, шаклланиш жараёнида тарихан вужудга келган ижтимоий қоидалар ва маъмурий тўсиқлар натижасида ҳозирги кунгача ўзгаришсиз сақланган¹.

Лондон, нафақат, йирик агломерациялар, балки, мегашаҳарлар ичида ҳам энг йирикларидан бўлиб ҳисобланиб, деярли бир асрдан буён мазкур пойтахт-шаҳар атрофида шаклланган агломерация кўп сонли аҳоли яшовчи зич ҳудудлардан бўлиб ҳисобланади.

Агар ҳозирда Москва ва Париж агломерациялари учун барқарор ўсиш суръатлари хос бўлса, Лондон агломерацияси узок даврли турғунликдан кейин 1990-йилларда кенгая бошлаган².

Европа минтақасининг марказий қисмида (Германия) шаклланган Рейн-Рур агломерацияси эса полицентрик кўринишга эга бўлиб, 9.759 км² майдонга чўзилган мазкур минтақа ўзида 11 млн. га яқин аҳолини жамлаган.

Мазкур агломерация ўндан ортиқ йирик шаҳарни боғлаб турувчи транспортнинг яхши ривожланганлиги туфайли, қазиб

¹ Перцик Е.Н. Геоурбанистика. – М.: Академия, 2009. – 435 с.

² <http://www.demoscope.ru/weekly/2013>.

олувчи саноат асосида вужудга келган. Минтақа учбурчак шаклига эга бўлиб, Рейн ва Рур дарёлари ҳавзасида жойлашган, аниқ чегараларга эга эмас. Рейн-Рур Европада катталиги жиҳатидан Катта Лондон ва Катта Париж агломерацияларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди.

Лондон каби Париж ҳам Европанинг савдо марказларидан бири сифатида ривожланиб, 1870-йилда қайта қурилган мазкур шаҳарда 1911-йилда 4.5 млн. дан ортиқ аҳоли яшаган. 2010-йилга келиб, минтақа аҳолиси 10 млн. нафарга етиб, “Катта Париж” агломерацияси шаҳарнинг расмий чегараларидан 27 баробарга катталашиб кетди¹.

Париж агломерацияси 1999-йилда 1584 та коммунани қўшиб олган ҳолда 14.518 км² бўлган бўлса, 2010-йилга келиб, яна 214 та коммунани қўшиб олиши ҳисобига коммуналари сони 1798 та, ҳудуди эса 17.174 км² га етган².

Париж шаҳрининг расмий ҳудуди 105.2 км² ни ташкил этсада, уни ўраб турувчи икки тож шаклида жойлашган қўшни ҳудудлари билан “Катта Париж” агломерациясини ташкил этади (Париж агломерацияси–22 та коммуна). Икки аср олдин Парижда мамлакат аҳолисининг бор-йўғи 2 фоизи истиқомат қилган бўлса (547 минг нафар), 1851-1936-йилларда бутун Франция бўйича аҳоли сони ўсиши 5.5 млн. нафарни, Париж агломерациясининг ўзида эса 4.5 млн. нафарни ташкил этди.

1990-йилларнинг ўрталарига келиб, Ил-де-Франс аҳолиси бутун мамлакат аҳолисининг 20 фоизини ташкил этган ҳолда 11 млн. нафарга етди³. Ил-де-Франс агломерацияси “Кичик Тож” (3 та округ) ва “Катта Тож” (4 та округ) ни ҳам ўз ичига олади. Францияда шаҳар агломерациясининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларни акс эттиради: кўпгина агломерацияларда кенгайиб бориш жараёнида аҳолининг механик ҳаракати, транспорт омили, иқтисодий сабаблар катта рол ўйнаб, шаҳар ва унинг атрофида кўп миллионли “ётоқ-шаҳарлар” юзага келган бўлса, Париж мисолида бу бутунлай бошқача жараённи акс эттирган. Бунда

¹[https:// www.intechopen.com /books/urban-agglomeration/characteristics-of-urban-agglomerations-in-different-continents-history-patterns-dynamics-drivers-an](https://www.intechopen.com/books/urban-agglomeration/characteristics-of-urban-agglomerations-in-different-continents-history-patterns-dynamics-drivers-an)

² https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1080/00420989220080311?journalCode=usjahttps://en.wikipedia.org/wiki/Paris_metropolitan_area

³ <https://www.apur.org/en/our-works/accelerating-population-growth-heart-paris-urban-agglomeration>

пойтахт учун махсус янги йўлдош шаҳарлар шакллантирилган¹: 1960-йилларда Париж атрофида жойлашган саккизта шаҳарда қурилиш ишлари олиб бориш режалаштирилган бўлсада, кейинчалик улар сони бештага, улардаги аҳоли сони сиғими эса 300-1500 минг нафардан 200-300 минг нафарга камайтирилди.

Марказга тушувчи демографик босим эса бўш ерларда шаҳарларни бутунлай бошидан яратиш орқали бартараф этилди: янги уй-жой ва саноат учун ажатилган ҳудудларга солиқ имтиёзлари орқали жалб этилган корхоналарда фаолият юритувчи аҳоли сони кескин ортди. Москвада ҳам Зеленоград, Жуковский, Пушкино каби шаҳарлар айнан шу усул билан шакллантирилган. Ҳозирда агломерациянинг айнан мазкур янги шаҳарларида аҳоли сонининг тезлик билан ортиб бориши кузатилмоқда (хўжаликларнинг 85 фоизи 40 ёшдан кичик бўлган ёш оилалар бўлиб ҳисобланади). Париж агломерацияси аҳолиси сонининг ўсиши XX аср охириларигача камайиб борган бўлсада, аҳолининг ўзига хос табиий ўсиши субурбанизация натижасида бўшаб қолган шаҳарларга жойлашган Африка мамлакатларидан келган иммигрантларнинг катта қисмини ёш, араб миллатига мансуб аҳоли ташкил этганлиги туфайли юз берган. Ҳозирда “Катта Париж” га кириб келаётган иммигрантларнинг 70 фоизини 25-29 ёшдаги аҳоли ташкил этади.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 1890-йилларда аҳоли сони 440 млн. нафар бўлган бўлса, бу рақамлар 1960-йилга келиб икки баробарга қисқарди. Шу билан бирга, мазкур минтақадаги урбанизация даражаси ҳам кўтарилиб, 1990-йилда 71.4 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қилган. (Европа минтақаси билан деярли бир хил).

Бундан ташқари, 1990-йилгача аҳолининг катта қисми йирик ва “миллионер” шаҳарларга жойлашган. Иқтисодий ўсиш натижасида урбанизация даражасининг кескин кўтарилганлиги Бразилия, Мексика, Колумбия, Доминикан Республикаси каби мамлакатларда унинг салбий оқибатлари юзага келишига сабаб бўлди. 1990-йилларгача минтақанинг 300 млн. аҳолиси шаҳарларда жойлашиб, “миллионер” шаҳарлар сони 36 тага етган (бундан 3 тасида аҳоли сони 10 млн. нафардан ортиқ бўлган).

¹ О феномене новых городов в градостроительстве и районной планировке XX века.// Материал В.М. Харитонова “Новый город” в “Географии”, № 29/1998, с. 11.

Урбанизация даражаси 80 фоиз ва ундан юқори	• Венесуэла, Аргентина, Чили, Уругвай
Урбанизация даражаси 50-80 фоиз	• Бразилия, Мексика, Эквадор, Колумбия Доминикан Республикаси, Боливия Перу, Тринидад ва Тобаго
Урбанизация даражаси 50 фоиз ва ундан паст	• Парагвай, Гаити, Коста-Рика

Лотин Америкасида олтмиш йил давомида юз берган ижтимоий, иқтисодий ва ҳудудий таркибий ўзгаришлар натижасида минтақанинг 80 фоиздан ортиқ аҳолиси шаҳар агломерацияларида тўпланган.

Кўпгина мустамлака мамлакатларда шаҳар ва шаҳар агломерациялари мустамлака қилиб олган мамлакат таъсирида ривожланган бўлсада, Лотин Америкасида асрлар давомида шаклланган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фарқланиши асосига қурилган жамият бунга йўл бермаган.

Аҳолининг бой қатлами алоҳида ҳудудларда, камбағал қатлами алоҳида чегараланган ҳудудларда истиқомат қилган. Бу ҳолат, нафақат, шаҳарлар, балки, минтақанинг барча ҳудудларида кузатилган. Урбанизация даражасининг кескин ошиши ижобий иқтисодий натижаларга олиб келган бўлсада, экологик нуқтаи назардан, барча ривожланаётган мамлакатлар каби жиддий муаммолар юзага кела бошлади.

Лотин Америкаси мамлакатларида марказий шаҳарлашган қисмларида аҳоли зичлиги юқори бўлганлиги сабабли унинг атрофидаги ҳудудларни ҳам “ўсиш қутб” лари сифатида ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Аммо, бошқа мамлакатларда юз бераётган жараёнлардан фарқли равишда минтақа мамлакатларида полицентрик агломерацияларни барпо этишда иқтисодий омиллар деярли фойда бермаяпти. Бу каби назоратсиз ва тартибсиз жараён минтақанинг аксарият мамлакатларида кузатилиб, улар маъмурий бирликлар чегараларини “ютиб юбориш” орқали конурбация жараёнида ўз яқинида жойлашган ҳудудларни ҳам қўшиб олмоқда.

ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари вужудга келишининг омиллари ва шарт-шароитлари

Шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, табиий, иқтисодий, ижтимоий, демографик ва бошқа қатор омиллар таъсирида шаклланади (2-расм).

Ўзбекистон ўзининг хилма хил табиий шароити ва бой табиий ресурслари билан шаҳар ва шаҳар агломерацияларини вужудга келиши учун катта имкониятларга эга.


Амударё ва Сирдарё оралиғидаги (45° - 37° шимолий кенгликлар орасида ва ғарбдан шарққа 1280 км масофага чўзилган) катта майдонлардаги текислик, тоғолди ва тоғли зоналар ҳар хил хўжалик фаолиятини шаклланиши ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, унинг асосида аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига замин яратади.

Шу боис, тоғ олди ва оралиғи водийлари аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини агломерация шаклида тўпланиши учун қулай ерлар ҳисобланади [83]. Айни пайтда тоғли зона бу жараённинг ривожланишига табиий тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Республиканинг шарқий қисмлари 8-9 балли сейсмик зонада жойлашган бўлиб, аҳоли манзилгоҳларини, айниқса шаҳарлар қурилишида қўшимча сарф-харажатларни талаб этади.

Шунингдек, мамлакат ғарбида Қизилқум чўлининг мавжудлиги ва гидрогеологик жиҳатдан мамлакатимизнинг ғарбий қисмидаги аллювиал текисликлар-Амударё дельтаси, Зарафшон, Қашқадарё водийларида ортиқча минераллашган ер ости суви сатҳининг ер юзасига яқинлиги ва шўрхок ерлар қурилиш учун ноқулайдир.

Иқлим шароитларининг ёзда қуруқ иссиқ, (жанубда 45° - 48° С), қишнинг нисбатан сернам ва совуқлиги, қуёш нурини йил давомида кўп олиши ва вегетация даврининг узоқлиги аҳолининг ҳаёт ва хўжалик фаолиятига ўз таъсирини ўтказди.

Агломерация ҳосил қилувчи асосий омиллар



Куйи Амударё, Устюрт, Қизилқумнинг ўзига хос иқлим шароити - шимолда жойлашганлиги ва қишда ҳароратнинг совиб кетиши (-30^0 С), тоғ-водий шамоллари, жанубда гармсел шамолларининг эсиб туриши мазкур ҳудудларда аҳоли манзилгоҳларини жойлаштиришда ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг нисбатан қуруқ шароитида аҳоли жойлашувида сув ресурслари энг муҳим омиллардан саналади. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ ва бошқа гидрография тармоқларининг мавжудлиги уларнинг бўйларидаги воҳаларда қадимдан аҳоли зич жойлашиб, суғориб деҳқончилик қилиш имкониятини яратган ва илк аҳоли манзилгоҳлари шу ерларда пайдо бўлган. А.Солиев фикрича, бизнинг республикамизда нафақат йўллар ва шаҳарлар, балки гидрографик шоҳобчалар ҳам шаҳарлар ва мамлакат иқтисодиёти ҳудудий таркибини белгилаб беради [92]. Чунки, бизда қадимдан сув ресурслари, суғорма деҳқончилик аҳоли жойлашуви, унинг ижтимоий, иқтисодий, демографик ривожланишига таъсир кўрсатади.

Республика ҳудуди ёқилғи, рангли металллар, кимёвий хом ашёлар, қурилиш материаллари, даволовчи шифобахш сувларга бой бўлиб, уларни ўзлаштириш асосида кўплаб “ресурс” шаҳарлар таркиб топган [87]. Қазилма бойликларнинг ҳудудий мажмуаси Ангрен-Олмалиқ, Навоий каби агломерацияларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Табиий шароитнинг ҳудудий турланиши ва табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги, айрим орографик ва бошқа табиий тўсиқларнинг мавжудлиги асосан суғориладиган воҳа ва водийларда ҳудуднинг яхлит эканлиги аҳоли манзилгоҳларининг бирлашган тизимларини айрим қулай географик ўринга эга бўлган ерлардагина вужудга келишини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистон шароитида шаҳар тизимлари суғориладиган воҳа ва водийларда, тоғ олди текисликларида, табиий ресурслар ўзлаштирилган ерларда зич тўпланган аҳоли манзилгоҳлари асосида пайдо бўлган.

Шаҳар агломерацияларининг вужудга келишида табиий шарт-шароитлар билан бир қаторда тарихий, демографик, иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳам асосий роль ўйнайди. Қадимда Ўрта Осиёдан икки тармоқдан иборат Буюк Ипак

йўлининг ўтиши унинг бўйида кўплаб манзилгоҳларнинг шаклланишида асосий омил бўлган. Ўрта Осиё энг катта қитъани турли томонлардан кесиб ўтган улкан транспорт системасининг марказида бўлиб, бу ерга барча чекка ўлкалардан маънавий ва моддий бойликлар оқиб келар эди. Мовароуннахрнинг йирик шаҳри Самарқанд эса унинг бош, марказий шаҳри ҳисобланар эди.

Қадимда мамлакатимиз ҳудудида асосан «якка» шаҳарлар (Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва бошқалар) мавжуд бўлиб, улар транспорт тугуни, савдо ва ҳарбий-стратегик марказ вазифасини бажарган. Уларнинг атрофларида савдо расталари, диний мачитлар, карвонсаройларгина бўлиб, кейинчалик йўлдош шаҳарлар вужудга келишига асос бўлган.

Қадимда чекланган омиллар шаҳар ҳосил қилувчи белги бўлган ва асосан маъмурий марказлар шаҳар деб аталган. 1917 йилдан кейин шаҳар мақоми бериш қоидалари ўзгарди: бунда шаҳар ташкил этувчи объектив омиллар – тарихий, иқтисодий, сиёсий, демографик, географик омиллар ҳисобга олина бошланди [85].


Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Россияга қўшиб олинган, эски шаҳарлар ёнида янги шаҳарлар вужудга келди. Бухоронинг ёнида янги Бухоро (Когон), Марғилон яқинида Янги Марғилон (Фарғона), Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон каби эски шаҳарларнинг ёнида «янги шаҳарлар» қурилиб, кейинчалик улар эски шаҳарларга қўшилиб кетган.

1930-йилларда саноат корхоналари, йўллар, ирригация шаҳобчаларининг қурилиши, конларнинг ишга туширилиши, аҳоли сонининг тез ўсиб бориши билан кўплаб шаҳар ва шаҳарчалар пайдо бўлди [16]. Йирик шаҳарларга зарур бўлган айрим объектлар шаҳар атрофидаги аҳоли манзилгоҳларига қурилиши билан уларнинг саноат, транспорт, рекреация, энергетика функцияларини бажариб берувчи йўлдошларига айланди (Чирчиқ, Янгийўл, Асака, Жанубий Оламушук, Шўрсув ва бошқалар).

Шу тариқа республикада агломерациялашув жараёни ривожланди. Ўзбекистон шароитида шаҳар агломерацияларининг шаклланишини 3-расмдаги эволюцион схема тарзида ифодалаш мумкин. Унга кўра:

1. Йирик шаҳарнинг вужудга келиши;

Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари вужудга келишининг эволюцион схемаси



2.Шаҳарларнинг қалъа деворларидан ташқарида карвонсарой, савдо расталари, работлар, шаҳар атрофида қишлоқ ва мавзеларнинг (шаҳар аҳолисининг боғ, томорқа, дала ҳовлилари) шаклланиши;

3.Қалъа деворларнинг олиниси билан йирик шаҳарнинг ҳудудий кенгайиши, шаҳар яқинидаги карвонсарой, савдо расталари ва работларнинг шаҳарга қўшилиб кетиши;

4.Йирик “эски шаҳар”лар ёнида “янги”шаҳарларнинг қурилиши ва қўшилиб кетиши;

5.Мавзе ва қишлоқларнинг йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларга айланиши ва агломерацияларнинг шаклланиши;

6.Агломерация таркибида локал ҳудудий тизимлар-иккинчи даражали агломерацияларнинг вужудга келиши.

7.Урбанизациялашган ҳудудлар, яъни район ёки минтақаларнинг шаклланиши¹⁷ [76].

Тарихий жараёнлар билан бир қаторда республикада аҳоли сонининг ортиб бориши муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг катта демографик салоҳияти (34,0 млн. киши, 2020 й.) билан Марказий Осиё минтақасида ажралиб туради. Азалдан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келингани сабабли унда қишлоқ аҳолиси сони устун туради. 1959 йилда мамлакатда жами 8119 минг киши бўлиб, ундан 2729 киши (33,6 %) шаҳар аҳолиси эди. 1959-70 йилларда республикада энг юқори ўсиш ҳолатлари кузатилди, яъни йиллик кўпайиш ўртача 4,1 фоизни ташкил этди. 1970-79 йилларда бу кўрсаткич бироз пасайди ва 3,4 фоизга тушди. Лекин ушбу даврда шаҳар аҳолиси жуда тез кўпайди, ҳатто қишлоқ аҳолисидан ҳам тез ўсди ва йилига 4,4 % бўлди. Бу эса мазкур даврда иқтисодий ривожланиш, аҳоли табиий кўпайиши ва шаҳар мақоми берилиши талабининг 10 мингдан 7 мингга туширилиши билан боғлиқ бўлди. 1990 йилларгача бўлган даврда умумий кўпайиш сустлашди, мустақиллик йилларида, барча ўтиш даврини бошидан кечирган мамлакатларга хос бўлгани каби, республикада бу ҳолат янада пасайди ва 2000 йилда 1,9 %, 2018 йилда 1.6 % ни ташкил этди. Аҳоли ўсишининг йилдан-йилга камайиб борганига қарамай республика катта демографик салоҳиятга, меҳнат ресурсларига,

¹⁷ Урбанистик район ва минтақаларнинг таркиб топиш схемаси Пивоваров Ю. Л. томонидан ишлаб чиқилган.

аҳолининг ёшлар таркибида болалар сонининг устунлигига эга. Бу эса келгусида аҳоли манзилгоҳлари тизимларининг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Саноат асосий шаҳар ҳосил қилувчи омил бўлиб, кўпинча шаҳар агломерациясини “саноат – шаҳар агломерацияси” деб юритиш тўғри бўлади. Чунки у агломерациянинг вужудга келиши ва ривожланишида биринчи асос ҳисобланади. Агломерацияларнинг саноат тугунлари билан боғлиқлиги юқори бўлиб, аксарият қисми улар билан устма-уст тушади [78].

Республикадаги дастлабки саноат корхоналари ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида вужудга келган (пахта тозалаш, ёғ ва совун, қандолат маҳсулотлари, турли буюмлар ишлаб чиқариш). Советлар даврида табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши, конларнинг иши туширилиши, электростанциялар, завод ва фабрикаларнинг қурилиши билан кўплаб шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келди. Айниқса, нефть ва газ саноатининг ривожланиши, рангли ва қора металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати, кимёвий хом ашёлар ва қурилиш материалларини, минерал ва термал сувлар, рекреация ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда ўнлаб шаҳар ва шаҳарчалар таркиб топди.

Ўзбекистон ўзининг табиий географик, ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан тўла ва оқилона фойдаланиши урбанизация жараёнининг ривожланиши ва унинг асосий белгиси бўлган шаҳар агломерацияларини вужудга келиши учун хизмат қилади. Мамлакатда саноатнинг ихтисослашуви, саноат тугунлари, районлари бир ёки бир неча тармоқларга ихтисослашган ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келиши бир ҳудудда бир неча шаҳарларнинг тўпланиши ва ривожланишига олиб келди (Ангрен - Олмалик, Навоий агломерациялари).

Мустақилликка эришгач республика саноат тармоқлари такомиллашди, етакчи ўринни оғир саноат эгаллагани ҳолда ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатларига ихтисослашиб келмоқда. Саноат ишлаб чиқариши республика ЯИМ да 30 фоизга яқинини бериб, унинг ўсиши сўнгги йилларда ўтган йилларга нисбатан 7-9 фоизни ташкил этмоқда. Чет эл инвестициялари ёрдамида янги конлар ва

саноат корхоналари ишга туширилиб, шаҳарлар ва уларни тизимларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди.

Ўзбекистон аҳоли азалдан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келган ҳудудлардан бўлиб, ҳозирги кунда унинг асосини пахтачилик, ғалла, мева-сабзавот етиштириш ташкил этади. Уларни қайта ишлашга асосланган агросаноат мажмуаларининг вужудга келиши шаҳарлашиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Республикамизнинг кўплаб шаҳарлари айнан шу асосда шаклланиган. Қишлоқ жойларда аҳолининг кўпроқ вилоят марказларига тортилиши ва шу асосда агломерацияларнинг шаклланиш хусусиятлари В. В. Гуджабидзе (1983), Г. В. Иоффе (1984) ишларида ўз аксини топган [31].

Ўзбекистон ривожланган ҳаво, темир йўл, автомобиль, қурув ва бошқа транспорт тизимига эга. Бу эса тизим ичидаги ва ташқи тизимлар билан алоқаларни амалга оширишда асосий ўрин тутди. Мамлакатда йирик шаҳарларнинг барчаси транспорт тугунлари ҳисобланади. Шунингдек, Қўнғирот, Ховос, Когон каби кўплаб шаҳарлар йўлларнинг туташган қисмларида транспорт функцияларини бажаради.

Шаҳар агломерацияларининг вужудга келишида шаҳарлар тўрининг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. 1959-йилда мамлакатда жами 101 та шаҳар аҳоли манзилгоҳи бўлган ва уларда 2.7 млн. аҳоли яшаган. Уларнинг 91 таси кичик, 5 таси ўрта, 5 та катта ва йирик шаҳарлардан иборат бўлган (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Қўқон). 1979-йилда кичик шаҳарлар сони 164 та, ўрта шаҳарлар 7 та ва катта ҳамда йирик шаҳарлар 13 тани ташкил қилди. 1989-йилда мамлакатда жами 221 та шаҳар аҳоли манзилгоҳи бўлиб, 198 та кичик шаҳар ва шаҳарча, 7 та ўрта, 16 та катта шаҳарлардан иборат бўлган бўлса, 2008 йилга келиб урбанистик таркиб асосан ўрта шаҳарлар ҳисобига ўзгарди: 17 та катта ва йирик, 16 та ўрта, 86 та кичик шаҳар ва 114 та шаҳарча бўлди. 2009 йилда шаҳарчалар сони 965 тага кўпайди ва уларни агрошаҳарчалар деб атаيمиз, сабаби улар кечаги қишлоқлардир (А.Солиев). 2018 йилда, юқори тоифага Шаҳрисабз (2014 й.) кўшилиши муносабати билан 18 та, ўрта шаҳарлар эса 21 тага етди. 1989-йилда шаҳарларнинг 86,6 фоизини ташкил этган кичик шаҳар ва шаҳарчаларда жами шаҳар аҳолисининг 34.9 фоизи, ўрта шаҳарларда 5.5 фоизи, 7.2 фоизни

ташкил этувчи йирик шаҳарларда 59.5 фоиз шаҳар аҳолиси яшаган бўлса, 2008-йилда уларда мос ҳолда 31.6; 11.1 ва 57.3 фоиз шаҳар аҳолиси тўпланган. 2010 йил маълумотларига кўра, янги шаҳарчалар ҳисобига бу таркиб; 40,9; 9,1 ва 11,4 фоизга ўзгарди. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра республикада жами 32656,7 минг аҳоли яшаб, унда 16532,7 минг шаҳар ва 16124,0 минг қишлоқ аҳолиси қайд этилди. Жами шаҳарлар сони 119 та, шаҳарчалар 1071 та, умумий ҳолда 1190 та шаҳар типигаги аҳоли манзилгоҳи бор. Шаҳар аҳолисининг 6685,1 минги 100 мингдан ортиқ катта ва йирик шаҳарларда, 1388,6 минги ўрта шаҳарларда, 2067,2 минги 50 минггача бўлган кичик шаҳарларда яшайди. Шаҳарчаларнинг умумий сони 2014 йилда 1085 та ва 2018 йилда 1071 тани ташкил этиб, аҳолиси 6391,8 минг кишига тенг. Катта ва йирик шаҳарларда-40.4 фоиз; ўрта шаҳарларда-8,4 %; кичикларида-12,5; шаҳарчаларда-38,7 фоиз шаҳар аҳолиси яшайди. (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг шаҳар аҳоли манзилгоҳлари тоифалари бўйича тақсимланиши

Шаҳар аҳоли манзилгоҳлари тоифаси	1989 й.		2008 й.		2009 й.		2018 й.	
	Шаҳарлар сонидаги улуши, %	Шаҳар аҳолисидаги улуши, %	Шаҳарлар сонидаги улуши, %	Шаҳар аҳолисидаги улуши, %	Шаҳарлар сонидаги улуши, %	Шаҳар аҳолисидаги улуши, %	Шаҳарлар сонидаги улуши, %	Шаҳар аҳолисидаги улуши, %
Йирик	7.2	59.5	7.3	57.3	1.4	40.9	1.5	40.4
Ўрта	3.1	5.5	7.3	11.1	1.3	9.1	1.7	8.4
Кичик	45.7	25.6	36.9	21.0	7.2	11.4	6.8	12.5
Шаҳарча	44.0	9.4	48.9	10.6	90.1	38.6	90.0	38.7

Жадвал Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Агломерацияларнинг шаклланиш жараёнида айниқса катта ва йирик шаҳарлар муҳим ўрин тутди. Чунки агломерациялар айнан уларнинг негизида пайдо бўлади ва район ҳосил қилувчи муҳим хусусиятларга эга бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йиллари арафасида Нукус, Қарши, Термиз, Наманган, Жиззах ва Марғилон аҳолиси айниқса тез суръатлар билан ўсди (1989 йилга нисбатан 130-150 %). Айни вақтда, Урганч, Олмалиқ, Бухоро,

Тошкент аҳолисининг ўсиши 100 - 110 фоизни ташкил этди. Айрим саноатлашган шаҳарлар - Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Ангренда ўтиш даврининг айрим қийинчиликлари, русийзабон халқларнинг ўз юртларига кўчиб кетиши, табиий кўпайишнинг пасайиши каби сабаблар билан боғлиқ ҳолда аҳоли сони камайди. 1959 - 2010 йил орасида баъзи бир шаҳарлар аҳолиси жуда юқори кўрсаткичлар билан, жумладан, Навоий шаҳри 24 марта, Қарши аҳолиси 11.5, Жиззах шаҳри 10 марта ўсди. Тошкент, Ангрен, Марғилон, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарлари деярли икки маротаба катталашди. Кейинги 2010-2020 йиллар орасида доимий ташқи миграция ҳаракатлари сусайди, шаҳар аҳолисининг ўсиши асосан табиий ўсиш ҳисобига, шунингдек, шаҳарларнинг майдонларини кенгайтириш ҳисобига борди. Масалан, Наманган шаҳрига Косонсой. Янгиқўрғон, Наманган туманларининг 1 минг 39 га майдони кўшиб берилди. Қарши майдони 9 минг гектардан 17 минг гектарга, Шаҳрисабз ҳудуди 3 минг 300 гектардан 4 минг 900 гектарга кенгайтирилди.¹⁸

Тез суръатлар билан ўсаётган Наманган шаҳри 1979-89 йилларда учинчи шаҳар ҳисобланган Андижоннинг ўрнини олган бўлса, мустақиллик даврида Самарқанддан ҳам ўзиб кетди ва республикада демографик салоҳиятига кўра иккинчи шаҳар ҳисобланиб келмоқда (4-жадвал). Мустақиллик даврида республиканинг “100 минглик” қатори иккитага кўпайди (Термиз, Шаҳрисабз), Бекобод, ҳамда Қувасой ҳам бу ўринга даъвогарлик қилмоқда. Яқин йилларгача “энг йирик” тоифа бўш қолган бўлса, эндиликда буни Наманган ва Самарқанд эгаллади. Йирик шаҳарларнинг сони эса 5 тани ташкил этди (Андижон, Нукус, Фарғона, Бухоро, Қарши,). Умуман олганда, мустақиллик йилларида шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръатлари сустр борди. Агар 1979-йилда шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръатлари 4.4, 1989-йилда 2.5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йил бошида 0.5 фоизга тенг бўлди. 2018 йилда бу кўрсаткич бироз кўтарилди, у ҳам бўлса сунъий тарзда шаҳарлаштириш ҳисобига амалга ошди. Албатта бу кўрсаткич турли шаҳарларда турлича бўлиб, масалан, кичик ва ўрта шаҳарлар ҳамда шаҳарчалар, агросаноат ва кишлоқ

¹⁸ O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senati yigirma uchinchi yalpi majlisi.
www.gazeta.uz/oz/2019/10/12/senat-yp-majlis/

туманлари марказларида, масалан, Қоровулбозор, Шаҳрисабз, Пайарик, Бўстон, Усмаат каби шаҳарларда бир йиллик ўртача кўпайиш 3.5 - 6.0 фоизни ташкил этди. Шунингдек, оғир саноат марказлари бўлмаган Наманган, Қарши, Нукус, Термиз шаҳарларида ҳам демографик ўсиш бирмунча юқори бўлган. Айни вақтда Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ, Ангрен, Оҳангарон аҳолиси 1989 йилга нисбатан камайган [101]. 2009 йилда шаҳарлар таркиби ва аҳоли сонида катта ўзгаришлар бўлди. Қишлоқларнинг шаҳарчаларга айлантирилиши ҳисобига шаҳар аҳоли сони 4,4 млн. га ортди.

Катта ва йирик шаҳарлар ичида Термиз, Жиззах шаҳарлари ўз атрофларида тизимларни тўла шакллантирмаган. Чирчиқ пойтахт агломерациясининг энг йирик йўлдош шаҳри бўлиши билан бир қаторда ўзи ҳам локал ҳудудий тизимни шакллантириш арафасида, қолган шаҳарлар асосан вилоят марказлари ва саноат марказлари бўлиб, агломерацияларнинг «ядролари» ҳисобланади.

4-жадвал

Ўзбекистон йирик шаҳарларининг аҳоли сони динамикаси

Т. р.	Шаҳарлар	Аҳоли сони, минг киши							
		1959 й.	1979 й.	1989 й.	2000 й.	2010 й.	2014 й.	2018 й.	2019 й.
1	Андижон	130,9	229,7	290,5	334,3	381,1	403,9	427,5	437,8
2	Бухоро	69,8	184,8	222,2	239,1	268,1	272,4	276,4	279,0
3	Наманган	123,5	226,6	304,2	386,2	447,3	475,7	600,2	619,2
4	Нукус	31,9	106,9	168,5	206,7	277,4	295,1	310,9	317,3
5	Самарқанд	196,5	470,2	364,0	361,1	403,6	509,0	529,6	542,3
6	Фарғона	80,2	173,0	198,3	185,2	242,5	264,9	278,5	286,3
7	Қарши	19,7	107,4	154,7	201,3	240,5	252,7	267,6	272,8

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишланган.

Шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши ва ривожланишида қулай иқтисодий географик ўрин муҳим тизим ҳосил қилувчи рол ўйнайди.


Тяншань тоғларининг текислик билан кесишган қисмида, Чирчиқ дарёси воҳасида аҳоли сони, майдони, иқтисодий салоҳияти, таркибидаги аҳоли манзилгоҳларининг зичлиги

бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда энг йирик бўлган **Тошкент агломерацияси** вужудга келган. Қулай иқлим шароитлари, ер-сув ресурсларининг мавжудлиги қадимдан бу ерда аҳоли ўрнашишига сабаб бўлган. Чирчиқ дарёсининг мавжудлиги, кенг Қозоғистон чўлларининг тоғлар билан кесишган қисмлари, Ғарб билан Шарқни туташтирувчи муҳим карвон йўлларида жойлашгани, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Россия савдо-иқтисодий алоқаларида марказий ўринни эгаллаши, кейинчалик Россиянинг Ўрта Осиёга кираверишдаги “дарвоза” ролини ўйнаши, Қўқон хонлигининг, сўнгра эса Ўзбекистон республикасининг пойтахтлик вазифаларини бажариб келиши агломерациянинг вужудга келишига сабаб бўлди. Агломерациянинг шаклланишида яқин 2,5 миллионли пойтахт Тошкент шаҳрининг мавжудлиги ва қайта ишловчи саноатнинг ривожланиши ҳам асос бўлган.

Мамлакатимизнинг жанубий қисмида, Зарафшон водийсида ўзининг иқтисодий- маданий салоҳиятига кўра иккинчи шаҳар атрофида **Самарқанд агломерацияси** вужудга келган. Шаҳар жаҳоннинг барча шаҳарлари каби, жамият тараққиётининг объектив қонуниятлари – ҳунармандчилик, савдо, ҳокимиятнинг марказлашуви ва йирик давлатчилик вазифаларининг шаклланиши асосида вужудга келди. Унинг шаклланишида аввало ҳудудий омил – Зарафшон тизмаси ҳамда ундан оқиб тушувчи Зарафшон дарёсининг мавжудлиги, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини бу ерда кўплаб тўпланиши ва ўзаро алоқалари каби қатор белгиларнинг бир-бири билан уйғунлашиши бу ерда марказий район шаклланишига сабаб бўлган [8]. Агломерацияни республиканинг ўрта қисмида, тоғолди текисликларида жойлашгани, юқори иқтисодий, маданий, туристик, илм-фан салоҳиятига эга бўлган шаҳарнинг мавжудлиги унинг ривожланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли жойлашувининг энг қадимий ва зич районларидан бири Фарғона водийси бўлиб, атрофларидан Чотқол, Қурама, Фарғона, Олой, Туркистон тизмалари ўраб, кўплаб дарё ва сойларнинг вужудга келишини таъминлайди. Бу дарёларнинг текислик қисмида, конуссимон ёйилмаларида азалдан деҳқончилик қилиш имконияти мавжуд бўлиб, кўплаб аҳоли манзилгоҳларини тўпланишига сабаб бўлган.

Тоғ этаклари бўйлаб чўзилиб кетган шаҳар ва қишлоқлар замонавий транспорт тизими билан боғланган.



Водий ҳудудининг табиий жиҳатдан яхлитлиги, нефть, газ, кўмир, рангли металллар, минерал сувлар каби бойликлари бу ерда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг, ўз навбатида эса улар негизида шаҳарларнинг ривожланишига олиб келган ва ўзига хос қишлоқ-шаҳар мегалополиси шаклланган. Минтақада аниқ ифодаланган, йирик транспорт тугунларида жойлашган тўртта агломерация ажратилади. Бу ердан параллел ўтган энг йирик халқасимон темир, автомобил йўллари, электр узатиш линиялари, газ қувурлари полосасида (полимагистрал) энг йирик шаҳарлар, ўрта катталиқдаги полоса бўйлаб ўрта шаҳарлар, учинчи даражали чизиқлар бўйлаб кичик ва майда шаҳар манзилгоҳлари мужассамлашган (4-расм). Агломерациялашув жараёнининг дастлабки даврларида Андижон ва Қўқон шаҳарлари ўз атрофларида йўлдош шаҳарларни шакллантирди. Бу шаҳарларнинг тарихан таркиб топгани, азалдан демографик, маданий ва маъмурий салоҳиятга эгалиги, қулай транспорт-географик ўрни, ҳунармандчилик ва савдо маркази эканлиги аҳолини ўзига тортган. **Қўқон** шаҳрининг X асрдаёқ муҳим савдо-транспорт, ҳарбий-стратегик ва маъмурий функцияларни бажариб келиши, ўз атрофидаги қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан марказий ўрин тутиши агломерация шакллантиришига имкон яратган.

Қўқон шаҳридан пойтахтга ўтган темир йўл ва 1960-йилларда қурилган автомобил тракти уни муҳим транспорт тугунига айлантирди. Андижон шаҳри ҳам ана шундай йирик транспорт тугуни бўлиб, ундан Тошкент, Ўш, Жалолобод, Қўқон, Марғилон, Фарғона ва бошқа шаҳарларга темир ва автомобил қатнови йўлга қўйилган. Вилоят ҳудуди кичик бўлганидан агломерация деярли унинг барини қамраб олган ва аниқ ифодаланган моноцентрик агломерация саналади.

Унинг акси бўлган полицентрик агломерация **Фарғона-Марғилон** тизимида намоён бўлган. Қадимда бу ердан қарвон йўллариининг ўтганлиги савдо шаҳарларининг (Марғилон, Қува), ҳарбий истехком сифатида эса Фарғона шаҳрининг вужудга келишига асос бўлган. Дарё ва сойлар келтирган ётқизиқлар устидаги унумдор ерларда аҳоли манзилгоҳлари, хусусан қишлоқларнинг жуда зич тўри жойлашган.

Фарғона водийсида айниқса, Фарғона-Марғилон агломерацияси ўзининг юқори мавқеи билан яққол ажралиб туради. Унинг таркибида 6 та шаҳар, 5 та шаҳарча¹⁹ ва қатор қишлоқлар бўлиб, бу ерда мамлакатнинг 6 фоиз шаҳар аҳолиси истиқомат қилади.

2009 йилда Фарғона вилоятида 176 та йирик қишлоқлар шаҳарча мақомини олди ва республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

1910 йилда **Наманганнинг** расман шаҳар мақомини олиши, минтақада енгил саноат маркази сифатида ривожланиши, аҳоли зич бўлган ҳудудда жойлашганлиги унинг тез ривожланишига имкон яратди. Унинг атрофларида Чуст, Оқтош, Чортоқ, Учқўрғон каби йўлдош шаҳарлар шакллана бошлади.

Жанубий ҳудудлар ўзининг иссиқ иқлим шароити, кенг майдонда ер ресурсларига эгаллиги билан пахтачиликнинг ривожланишига, нефть ва газ асосида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантиришга эътибор қаратмоқда.

Бу ерда қулай транспорт- географик ўринга эга бўлган **Бухоро-Когон ва Қарши** шаҳарлар тизимини ажратиш мумкин. Бухоро шаҳри Зарафшоннинг қуйи оқимида, аҳоли қадимдан суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган воҳада вужудга келган. Ғарбида кўчманчи чорвадорлар билан кўшнилиги, шарқда Зарафшон дарёси этакларида суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келингани, Буюк Ипак йўлида савдо маркази вазифасини бажариши шаҳарнинг ривожланишига ёрдам берди. Бухоро амирлиги даврида маъмурий-маданий вазифаларни бажариб келгани унинг янада кенгайишига олиб келди.

1907 йилда Когон билан транспорт йўллари орқали боғланди. Шаҳар асосан енгил саноат зардўзлик, тўқимачилик (шойи, газлама) ва заргарлик шунингдек халқаро туризми билан машҳур бўлиб, ҳозирги кунда бу анъана давом этмоқда.

Ана шундай аҳоли манзилгоҳлари тизими маркази Қарши шаҳрида бўлган Қашқадарёнинг қуйи қисмларини банд этган. Шаҳар мамлакатнинг иссиқ иқлим ва қулай рельеф шароитлари бўлган ерларда, денгиз сатҳидан 300 - 400 метр баландликда, Қашқадарёнинг чап соҳилида вужудга келган. 2700 йиллик

¹⁹ Агрошаҳарчалар ҳисобга киритилмаган.

тарихга эга бўлган шаҳар азалдан деҳқончилик ва чорвачилик туташган ерда пайдо бўлган.

Ғарбда Қарши чўли, Шарқда эса Ҳисор тоғлари оралиғининг рельеф ва иқлим туфайли юзага келган хилма-хил табиий шароит ва табиий ресурслар: нефт ва табиий газ, кўплаб туз конлари ва қурилиш материалларига эга бўлган ҳудудларни ўз таъсир доирасига тортиб туради. Шу билан бир қаторда 70-йилларда чўлларнинг ўзлаштирилиши билан қатор аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган.

Замонавий Қарши шаҳри республиканинг Бухоро, Зарафшон, Сурхон - Шеробод воҳаларини боғловчи асосий темир ва автомобил йўллари кесишган тугунда жойлашган.

Аҳоли зич тўпланган ҳудудлардан яна бири Амударёнинг қуйи қисмлари бўлиб, 1 км² га ўртача 300 киши тўғри келади. Бу ерда мазкур дарё асосида қадимда суғорма деҳқончилик ривожланди ва қатор аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлди. Амударё дельтаси, Қизилқум, Устюрт текисликларида сув, иқлим ва тупроқ шароитлари ноқулай бўлсада, аҳоли зич жойлашган. Қуйи Амударёда ҳозирги кунда **Нукус ва Урганч** шаҳар тизимлари шаклланмоқда.

Мамлакатнинг энг муҳим саноат райони бўлган **Ангрен-Олмалиқ** тизими тоғ-кон саноати ва уни қайта ишлаш асосида вужудга келган.

Унинг асосини 2 та йирик саноат марказлари-аҳоли сони 100 мингдан ортган Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари бошқариб, Оҳангарон, Янгиобод, Пскент, Нуробод ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари улар билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

2.2. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларини делимитация қилиш

Шаҳар агломерациялари турли ерларда турли табиий ва иқтисодий географик омиллар ва шароитлар таъсирида таркиб топгани учун жаҳон тажрибасида уларни ажратишда ягона мезон қабул қилинмаган, масалан, АҚШда улар "ядро"сининг аҳолиси 50 минг киши, Канадада эса 100 минг киши бўлиши талаб этилади.

МДХдаги кўпчилик агломерацияларни ажратишда Г.М.Лаппо методикасидан фойдаланган ҳолда, марказий шаҳар аҳоли сони 250 мингдан, йўлдош шаҳарлар сони тўрттадан, агломерацияларнинг ривожланганлик коэффиценти 1 дан кам бўлмаслиги (шаҳарлар зичлигининг шаҳарлар орасидаги масофага нисбати) талаб этилади. Ф. М. Листенгурт таклиф этган методикага кўра энди шаклланаётган ва келажакда агломерация сифатида тўла шаклланадиган агломерацияларни ажратишда "ядросининг" аҳоли сони 100 минг кишидан кам бўлмаслиги, йўлдош шаҳарлар сони камида 2 та бўлиши назарда тутилади.

5- жадвал

Шаҳар агломерацияларини ажратиш бўйича олимлар томонидан таклиф этилган мезонлар

ШАларни ажратиш мезонлари	Г.М.Лаппо	Ф.Г.Листенгурт	П.М. Полян	В.Г.Давидов ич	А.О. Салливан
Марказий шаҳар аҳоли сони	250000	100000	250000		50000
Йўлдош шаҳарлар сони	4	2	3	8-10	
ША чегарасининг ядродан узоқлиги	2 соатгача	0,5-2 соат	0,5-2соат	100 км	1-2 соат
ША нинг шаклланган ва ривожланганлик коффиценти	$K_p - 1,0$	$K_a - 0,1$	$K_p - 1,0$		
Аҳоли зичлиги				1кв км га 75к.	1кв.мил-га 2500 к.
Йўлдош шаҳар аҳолисининг ША даги улуши	50000				50000- 75000
Марказга қатновчи аҳолининг ҳиссаси	10%			10%	

Манба: Лаппо Г.М. Развитие городских агломераций в СССР. М., 1978.;
Проблемы изучения городских агломераций. М., 1988.; А.О. Салливан,
Экономика города. М., 2002.

Агломерациялар чегараларини ажратишда, жумладан, А. П. Бурьян Челябинск агломерациясини аниқлашда аҳоли сони, зичлиги, халқ хўжалиги тармоқларида бандлиги, марказий шаҳар билан алоқалар интенсивлигини асос қилиб олган бўлса, В.Г.

Вишневский Харьков агломерациясини ажратишда шаҳар атрофида яшаб марказий шаҳарда ишловчилар салмоғи 25 %, аҳоли зичлиги 1 км² га 70 кишидан кам бўлмаслигини мезон қилиб олади. В.Г.Давидович Москва агломерацияси учун марказга қатнаш вақти узоқлигини ҳисобга олади (5-жадвал).

Кўпчилик тадқиқот ишларида аҳоли манзилгоҳларидаги алоқалар интенсивлиги асосий ўрин тутди ва агломерация чегараси тахминан 1,5-2 соатли изохроналардан (қатнаш вақти бир хил бўлган нуқталарни туташтирувчи чизик) ўтди. Марказий шаҳарга шаҳар атрофидан меҳнат, ўқиш, маданий-маиший, даволаниш мақсадларида шаҳарнинг маъмурий чегарасини кесиб ўтиб, яна қайтиши тебранма миграция ёки В.В. Покшишевский ибораси билан айтганда "моксисмон миграция" деб аталади ва улар асос қилиб олинади [71].

Агломерацияларнинг чегаралари шартли ва ўзгарувчан бўлиб, айниқса шаҳарликларнинг дам олиш мавсумида (ҳафта охири ва ёзги мавсумда) қабул қилинган чегарадан дам олиш зоналари томон сурилади. Ўзбекистон шароитида шаҳар агломерацияларини ажратишда етакчи олимлар таклиф этган мезонлар билан бир қаторда миллий хусусиятларни ҳам, яъни тоғ водийлари, ирригация тармоқлари, аҳоли зич жойлашган воҳалар, ҳавза омили, транспорт тугунлари, саноат районлари ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўйдош шаҳарларни аниқлашда ҳам муайян методикага асосланилади. Ўйдош шаҳарлар йирик шаҳарларга, масалан, пойтахт, вилоят ёки ўлка марказлари, йирик саноат марказлари ва бошқаларга тортилиб, улар билан ва атрофидаги бошқа аҳоли манзилгоҳлари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Лекин йирик шаҳар атрофидаги барча шаҳарлар ҳам ўйдош шаҳарлар бўлавермайди. Унинг учун В.Г.Давидович бир неча шартларни - шаҳар атрофи аҳолисининг кундалик меҳнат алоқалари бўлиши, марказий шаҳарнинг маданий-маиший хизматидан ўйдош шаҳарлар доимий равишда фойдаланиши, ўйдош шаҳарлар ўзининг дам олиш масканлари билан йирик шаҳарга хизмат қилиши, яъни доимий ёки мавсумий миграциялар бўлиши кераклигини кўрсатади [33]. О.К. Кудрявцев эса ўйдош - шаҳар бўлишнинг асосий белгиси қилиб, асосий шаҳарга (ва аксинча) 1 йилда 1 кишига камида 10 марта қатнаш лозимлигини асос қилиб олади

[49]. Демак, йўлдош шаҳарлар марказий шаҳар билан меҳнат ва маданий-маиший хизмат алоқалари орқали чамбарчас боғланган аҳоли манзилгоҳларидир.

Мамлакатимизда турли табиий, тарихий, иқтисодий географик омиллар таъсирида вужудга келган ва бир-биридан ўзининг ўлчамлари, ривожланиш хусусиятлари, аҳоли манзилгоҳлари ўртасидаги алоқалар интенсивлиги ва марказий шаҳарга қатнаш радиусининг узоқлигига кўра бир-биридан фарқ қилувчи қатор шаҳар агломерациялари ажратилди. Уларни ажратишда етакчи шаҳаршунос олимлар (Г.М. Лаппо, Ф.М.Листенгурт, П.М.Полян ва б.) таклиф этган мезонлардан фойдаланилди, шунингдек минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги мезонлар белгиланди:

- агломерация марказининг аҳоли сони 100 мингдан ортиқ бўлиши; унинг атрофида камида иккита йўлдош шаҳарнинг мавжудлиги; улар ўртасида интенсив алоқалар бўлиши; агломерациялашув коэффиценти 0,5 дан кам бўлмаслиги ва б.

-асосий транспорт магистраллари ва йирик сув ҳавзаларига тортилиши.

Республикада ушбу талаблар даражасида бўлган жами 12 та шаҳар агломерацияси ажратилди. Агломерациялашув кўрсаткичларига кўра қилинган таҳлиллар уларнинг ҳаммаси ҳам мазкур талабларга тўла жавоб бермаслигини кўрсатади 6-жадвалда келтирилган K_p – агломерациянинг ўлчамини, йўлдош шаҳарлар зонасини шаклланганлик даражасини билдиради ва у П.Полян методикасига асосан ҳисоблаб чиқилди.²⁰ Бешинчи устунда жами агломерация аҳолисида йўлдош шаҳарлар аҳолиси улуши берилган бўлиб, у Тошкент, Қўқон, Навоий агломерацияларида марказга нисбатан паст даражада шаклланган. Агломерацияларнинг шаклланганлик даражасини янада аниқроқ ажратиш учун Г.Лаппо методикасидан фойдаланиб, K_a -агломерациялашув коэффиценти аниқланди ва унга кўра Тошкент, Андижон, Фарғона-Марғилон юқори кўрсаткичларга эга. Агломерациялашув коэффиценти фақат Тошкент, Фарғона-Марғилон, Андижон агломерацияларида 2.0 дан юқори, Нукус, Самарқанд, Наманган агломерацияларида 1.0 дан ортиқ бўлиб,

²⁰ K_p -йўлдош шаҳарлар аҳоли сонининг агломерация жами аҳолиси сонига бўлган нисбати

қолганларида у бирдан паст ва тўла қонли шаклланмаганлигидан далолат беради. Йўлдош шаҳарлар зичлиги ҳар 1000 кв.км га Тошкент, Фарғона-Марғилон, Андижон агломерацияларида юқори, яъни 4,1-4,2, Қарши, Ангрен-Олмалиқ, Урганч шаҳар тизимларида эса у 1,3-1,5 га тенг (5-расм). Республика бўйича бу рақам 0,5 ни ташкил этади. Шундай қилиб республика ҳудудида қуйидаги шаҳар тизимлари ажратилди.²¹

6-жадвал


Шаҳар агломерацияларининг ривожланганлик даражаси

Шаҳар агломерация- лари	Шаҳар- лар зичлиги, (1000 км ² га)	Шаҳарлар орасидаги ўртача масофа, км	Агломера- циялашув коэффи- циенти (Ка)	Йўлдош шаҳар- ларнинг жами ША шаҳар аҳолисидаги улуши (%)	К _р
1.Тошкент	4.2	15.3	2.7	0.19	1.2
2.Андижон	3.4	15.9	2.1	0.49	1.9
3.Ангрен- Олмалиқ	1.3	16.1	0.8	0.58	1.2
4.Бухоро	2.0	23.6	0.8	0.39	1.6
5.Наманган	3.4	17.9	1.8	0.41	1.7
6.Навоий	1.4	26.5	0.5	0.29	1.4
7.Нукус	2.0	15.9	1.3	0.47	1.9
8.Самарқанд	2.3	24.3	1.1	0.35	1.5
9.Урганч	1.5	27.5	0.5	0.48	1.9
10.Фарғона- Марғилон	4.1	16.5	2.4	0.31	1.5
11.Қарши	1.4	29.5	0.5	0.30	1.4
12. Қўқон	2.0	25.1	0.8	0.16	1.2

Жадвал муаллифлар томонидан ҳисобланган

Ривожланган - Тошкент; **Шаклланган**-Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Андижон; **Шаклланаётган** - Ангрен-Олмалиқ, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Қарши, Қўқон, Урганч; **Истиқболда агломерация сифатида шаклланиши мумкин бўлган**: Жиззах, Термиз, Шаҳрисабз; **Кичик ҳудудий-урбанистик тизимлар** – Каттакўрғон, Денов, Гулистон, Бекобод.

²¹ Изоҳ: 2009 йилда шаҳарча мақомини олган қишлоқлар узоқ ретроспектив давр жараёнини ўтамаганликлари учун таҳлилларда батафсил киритилмаган.



Изоҳ: карта ўз

2.3. Ўзбекистонда шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши

Республикада агломерациялашув жараёнининг дастлабки йилларида -1959- йилларгача қўйилган талабларга жавоб берадиган 5 та шаҳар тизими мавжуд эди. Улар: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон ва Наманган агломерациялари бўлиб, уларда жами 26 та йўлдош шаҳар ва 1,7 млн. шаҳар аҳолиси тўпланган эди (7-жадвал).

1970-йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт тизимининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда урбанизация жараёни тез ривожланди, шаҳарлар тўрида кескин ўзгаришлар бўлди, 100 га яқин шаҳарлар шаклланди. 1970-90- йиллар орасида шаҳарлар сони 3 марта ортди. Бу даврда иқтисодий ва демографик ривожланиш билан бир қаторда қишлоқларнинг сунъий тарзда шаҳарларга айлантирилишининг тезлаштирилиши ҳам сабаб бўлди. Урбанизация даражаси республикада 1970 - йилда 36.6 фоизни ташкил этди. Шаҳарлар сонининг ортиши билан агломерациялашув жараёни тезлашди. 1959 – 70 - йилларда таркиб топган 7 та шаҳар тизимида жами 47 та йўлдош шаҳар ва шаҳарча мавжуд бўлиб, улардаги аҳоли сони 3049,7 минг кишини ташкил этган. 1979-йилда эса урбанизация жараёни республикада энг юқори чўққисига чиқди ва 41.4 фоизни ташкил этди. Агломерацияларда яшовчи жами шаҳар аҳолисининг сони 5 млн.га яқинлашди. Бу даврда Қарши, Нукус, Ангрен-Олмалик агломерациялари ҳам ўз атрофларида йўлдош шаҳарларни шакллантириб, жами агломерациялар сони 10 тага етди. Йўлдош шаҳарлар сони тез кўпайиб бориб, 1989-йилда 120 та, агломерациялардаги шаҳар аҳолиси эса 6277,6 минг кишига тенг бўлди. Республика шаҳар аҳолисининг 77,9 фоизи уларда тўпланди. Урганч шаҳри ҳам «100 минглик» шаҳарлар қаторидан ўрин олиб, 3 та йўлдош шаҳарга эга бўлган кичик агломерациянинг ядросига айланди.

Мустақиллик йилларида ўтиш даври учун хос бўлган муаммолар билан боғлиқ ҳолда республикада урбанизация жараёни пасая борди (йилига 0,6-0,9 фоиздан) ва 2008-йилда у 35.8 фоизга тушиб қолди, агломерациялашув жараёни сусайди.

**Шаҳар агломерацияларининг шаклланиш даври ва аҳоли
сони динамикаси**

Шаҳар агломерациялари	Шаклланган даври	1959 й.		1979 й.		1989 й.		2009 й.		2019 й.	
		шаҳарлар сони	шаҳар аҳолиси минг к.	шаҳарлар сони	шаҳар аҳолиси минг к.	шаҳарлар сони	шаҳар аҳолиси минг к.	шаҳарлар сони	шаҳар аҳолиси минг к.	шаҳарлар сони	шаҳар аҳолиси минг к.
Ангрен-Олмалиқ	1959 йил гача			4	242.4	5	282.1	5	335.9	5	340,0
Андижон	1959 йилгача	7	173.9	11	371.1	16	548.4	16	716.9	16	867,9
Бухоро	1959- 1970 йй.			7	260.1	8	348.4	8	400.0	8	432,1
Навоий	1979- 1989 йй.			4	109.3	5	141.9	6	177.2	6	182,0
Наманган	1959 йил гача	4	168.8	9	341.7	12	522.8	12	765.6	12	1006, 2
Нукус	1970- 1979 йй.			9	217.3	9	279.8	9	418.3	9	466,2
Самарқанд	1959 йилгача	6	233.7	10	567.4	13	518.0	13	571.4	13	754,1
Тошкент	1959 йилгача	11	1075.6	25	2174.6	27	2649. 2	27	2718.7	27	3134,0
Урганч	1979- 1989 йй.			3	131.5	7	227.8	7	271.6	7	322,5
Фарғона- Марғилон	1959- 1970 йй.			11	375.9	13	471.5	13	555.0	13	729,4
Қарши	1970- 1979 йй.			4	144.9	5	218.9	5	318.4	5	383,9
Қўқон	1959 йилгача	3	114.6	3	155.4	5	211.5	5	272.2	5	314,1

*Жадвал ЎзР давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида
тузилган. Изоҳ: агрошаҳарчалар ҳисобга олинмаган.*

Республикада пайдо бўлган янги шаҳар ва шаҳарчалар сони ҳам санокли (Янгиработ, Шофиркон, Пайариқ, Янги Чиноз, Хуррият, Сарик ва б.). Агломерация марказларининг иқтисодий мавқеининг пасайиши натижасида атроф жойлар билан боғланиши, аҳолини ўзига тортувчи кучи ҳам пасайди.

Шунга қарамай айрим агломерацияларда аҳоли сони тез ўсди. Мустақиллик йилларида 1989 - йилга нисбатан Нукус (136%), Қарши (136%), Наманган (134%) агломерацияларида шаҳар аҳолиси тез суръатлар билан ўсди. Энг паст кўрсаткичлар Тошкент, Ангрен-Олмалиқ агломерацияларида кузатилди ва 100-103 фоизни ташкил этди. 2019 йилда - йилда шаҳар агломерацияларидаги жами шаҳар аҳоли - 8 747,4 мингни ташкил этди.

Ўзбекистонда агломерациялашув жараёни айниқса Тошкент, Самарқанд, Фарғона-Марғилон каби шаҳар тизимларида тез суръатлар билан бори. Бу эса мазкур ҳудудларда урбанизация, саноат ва демографик ривожланиш билан боғлиқ ҳолда кечди. 1960-йиллардан ҳозирги кунга қадар Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд агломерацияларининг йўлдош шаҳарлари сони 2,5-3 марта кўпайди. Шаҳар аҳолиси сони Андижон, Наманган агломерацияларида 4 марта, Тошкент, Самарқанд агломерацияларида деярли 2,5 марта ортган. Демографик кўпайиш айниқса Қарши, Нукус агломерацияларида, сўнгги ўн йилликда Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона-Марғилон ва Қўқон агломерацияларида кузатилган. Шаҳар агломерацияларидаги аҳоли асосан табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормоқда. Маълумки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида, жумладан республикамизда, хусусан шаҳарларда аҳоли табиий кўпайишининг пасайиш жараёни кузатилмоқда. Туғилиш республикада ўртача ҳар минг кишига 22 кишини ташкил этгани ҳолда, шаҳарларда бу кўрсаткич ундан пастроқ. Шаҳар агломерацияларидаги аҳоли табиий ҳаракати маълумотлари таҳлиллари шуни кўрсатадики, туғилиш ҳолатлари жами шаҳар агломерацияларида ўртача 20.4 промиллени ташкил этади. Бу жараён Наманган (26,5), Андижон (22,2) Самарқанд каби шаҳар тизимларида юқори бўлиб, айти пайтда, Ангрен - Олмалиқ, Тошкент, Бухоро шаҳар тизимларида бу рақамлар энг паст – 16-18 промилле. Бу эса уларнинг функционал таркиби, экологик ҳолати, аҳолининг миллий таркиби ва эмиграцияси каби сабаблар билан боғлиқ. Шу ўринда айтиш лозимки, агломерация марказлари билан уларнинг атрофларида ҳам фарқлар кузатилади. Бундай кескин фарқлар айниқса Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч каби агломерацияларда учрайди. Уларнинг марказларида

туғилиш энг кам бўлса (15-18 %), атрофларида, айниқса қишлоқ жойларда 21-24 промиллени ташкил этади. Шаҳар агломерациялари аҳолиси 1990-йиллардан ташқи миграция ҳисобига камайди. Республикадан хорижий давлатларга кетган аҳолининг 85 фоизи шаҳарларга, айниқса уларнинг энг кўпи Тошкент, Ангрен-Олмалиқ, Самарқанд, Фарғона-Марғилон ва Навоий агломерацияларига тўғри келади. Ўрганилаётган ҳудудий тизимлар ичида 2019 йилда 2 та «миллионер» агломерация (Тошкент, Наманган), 3 та шаҳар аҳолиси 500 мингдан 1 млн.гача бўлган ўрта агломерация (Андижон, Самарқанд, Фарғона-Марғилон) мавжуд бўлиб, қолганлари эса шаҳар аҳолиси сони 250 - 500 минг кишига эга бўлган кичик агломерациялардир.

Йўлдош шаҳарларнинг ичида ягона Чирчиқ- аҳоли сони 100 минг кишидан ортган катта йўлдош шаҳар, қолган қисми ўрта, кичик шаҳар ва шаҳарчалардан иборат. Айрим ША лардаги йўлдош шаҳарлар орасида кичиклари кўп (Самарқанд, Ангрен - Олмалиқ, Қарши, Навоий), баъзиларида эса улар йирик ва кўп (Тошкент, Андижон, Фарғона - Марғилон). Бу хусусият ҳудуддаги аҳоли зичлиги, шаҳарларнинг шаклланиш тарихи, шаҳар ташкил этувчи тармоқларнинг ривожланганлик даражаси каби омиллар билан изоҳланади. Шаҳар агломерацияларининг ичида Ангрен-Олмалиқ, Урганч, Фарғона-Марғилон, Нукус шаҳар тизимларида марказий шаҳар йирик йўлдош шаҳарга эга. Бу эса келгусида агломерациянинг шу томонга ривожланишини белгилайди. Бундай шаҳарлар: Оҳангарон, Хива, Когон, Хўжайли бўлиб, улар агломерациянинг йирик йўлдошлари ҳисобланади ва ядродан 5 – 6 марта кичик. Қолган агломерацияларда бундай йирик йўлдош шаҳарлар учрамайди. Энг катта ҳисобланган Чирчиқ ўз ядросидан 15 баробар кичик. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг аксарияти суғи ривожланганлар қаторига киради. Улар ичида Тошкент, Қўқон ва Ангрен-Олмалиқ шаҳар тизимларида марказий шаҳарларнинг агломерация аҳолисидаги салмоғи ёки агломерациялашув индексининг анча устунлиги ва йўлдош шаҳарлар зонасининг тўла шаклланмаганлиги кўринади. Марказий шаҳар аҳолиси улуши мос ҳолда 80,7 %, 83,7 ва 81,2 фоиз, қолган барча агломерацияларда бу кўрсаткич 50-60 фоиз атрофида. Жами агломерациялардаги шаҳар аҳолисининг 68,6

фоизи марказий шаҳарларга, 31,4 фоизи йўлдош шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади (8-жадвал). 2009 йилда эса бу таркиб ўзгарди. Гарчи агломерациялар таркиби расман янги шаҳарчалар ҳисобига кескин ортган бўлсада, улар “эски” шаҳарчалардан фарқ қилади. Агар улар нисбатини 1979 йил билан таққосласак, Нукус агломерациясидан ташқари барча агломерацияларда марказий шаҳар ҳиссаси камайиб, йўлдош шаҳарлар салмоғининг ортганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич айниқса Урганч (22,9 %), Самарканд (17,8 %), Қўқон (13,7 %) агломерацияларида сезиларли даражада ўзгарган. Бу эса йўлдош шаҳарлар сони ва аҳолисининг ортиб бурганини билдиради. Фарғона-Марғилон ва Тошкент агломерацияларида бу нисбат деярли ўзгармаган (0,5 - 1,1 %). Марказий шаҳар ва йўлдош шаҳарлар аҳолиси нисбати таҳлил-ларидан кўриш мумкинки, пойтахт агломерациясида йўлдош шаҳарлар, қолганларида уларнинг ядролари билан бир қаторда йўлдош шаҳарлари ҳам яхши ривожланмаган. Ажратилган агломерациялардаги йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларнинг умумий сони агрошаҳарчаларсиз 120 тани ташкил этади. Уларда яшовчи шаҳар аҳолиси сони эса 2018-йилда 2253.4 киши бўлиб, жами агломерациялардаги шаҳар аҳолисининг 32.3 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Улардан 54 таси шаҳарчалар бўлиб, 619.2 минг аҳолидан иборат (жами йўлдош шаҳар аҳоли манзилгоҳ-ларининг 27.4 фоизи). Йўлдош шаҳар-ларнинг зичлиги ҳар 1000 км. кв га Тошкент, Фарғона-Марғилон, Андижон агломера-цияларида юқори бўлиб, 4,1 - 4,2 га тенг, Ангрен-Олмалик, Қарши, Урганч агломерацияларида эса энг паст. Шаҳарлар орасидаги ўртача масофа Тошкент (15.3 км), Нукус (15.9 км), Фарғона-Марғилон (16.5 км) агломерацияларида энг қисқа. Қарши, Урганч агломерацияларида эса энг узун (27,5 - 29.5 км) ва бу уларнинг анча тарқоқ жойлашганини билдиради. Республика агломерацияларида марказий шаҳар ва йўлдош шаҳарлар ўртасида алоқалар сушт ривожланган. Бу эса агломерация ядроси иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятининг пастлиги, бажараётган функцияларининг такомиллашмаганлиги, йўлдош шаҳарларда эса аниқ бир функциянинг шаклланмаганлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон шаҳар агломерацияларида марказий ва йўлдош шаҳарлар аҳолиси нисбати

Т.р	Шаҳар агломерация лари	1979 йил				2010 йил				2019 йил			
		Марказий шаҳар аҳолиси ,минг к.	Улуши, % да	Йўлдош шаҳар аҳолиси,минг к.	Улуши, % да	Марказий шаҳар аҳолиси, минг к.	Улуши, % да	Йўлдош шаҳар аҳолиси ,минг к.	Улуши, % да	Марказий шаҳар аҳолиси минг к.	Улуши, % да	Йўлдош шаҳар аҳолиси, минг к.	Улуши, % да
1.	Ангрен-Олмалик	105,7	85,2	35,8	14,8	254,5	75,8	81,4	24,2	285,6	84,0	54,4	16,0
2.	Андижон	229,7	61,8	141,4	38,2	363,8	50,7	352,2	49,3	433,9	50,0	434,0	50,0
3.	Бухоро	184,4	70,8	75,7	29,2	241,8	61,0	152,1	39,0	253,2	58,6	178,9	41,4
4.	Навоий	83,1	76,0	26,2	24,0	124,6	70,3	52,6	29,7	133,2	73,4	48,4	26,6
5.	Наманган	226,6	66,3	115,0	33,7	425,5	54,5	340,1	55,5	612,3	60,8	393,9	39,2
6.	Нукус	106,9	49,2	110,4	50,8	263,8	62,9	154,5	37,1	312,3	50,8	153,9	49,2
7.	Самарқанд	470,1	82,8	97,3	17,2	367,1	64,2	204,3	35,8	510,2	67,7	243,9	32,3
8.	Тошкент	1754,4	80,7	420,2	19,3	2173,2	79,9	545,5	20,1	2509,9	80,1	624,1	19,9
9.	Урганч	98,0	74,5	33,5	25,5	135,1	48,8	136,5	50,2	322,5	44,0	180,9	56,0
10.	Фарғона-Марғилон	110,1	66,0	92,8	38,3	361,1	65,0	193,9	35,0	487,9	66,9	241,5	33,1
11.	Қарши	107,4	74,1	37,5	25,9	223,1	69,8	95,3	30,2	383,9	68,8	119,8	31,2
12.	Қўқон	151,5	97,4	3,9	26,3	208,7	83,7	76,6	23,4	240,2	76,5	73,9	23,5

Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Шаҳар агломерацияларининг функционал таркибида саноат муҳим бўғин ва уларни ривожлантирувчи куч ҳисобланади. Улар мамлакат миллий саноатининг асосий марказлари бўлиб, мазкур ҳудудларда республика саноат ишлаб чиқаришининг 74 фоизи яратилади, экспортнинг эса 80 фоизга яқинини беради. Бунда айниқса Тошкент, Навоий, Ангрен-Олмалик, Самарқанд, Фарғона-Марғилон агломерацияларининг улуши юқори. Саноат тармоқларининг бир-бири билан уйғунлашуви, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларини ҳам айнан шу агломерацияларда кўриш мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳри металлни қайта ишлаш, машинасозлик, кимё, саноатига ихтисослашган бўлса, Чирчиқ машинасозлик ва енгил, Янгийўл-озик-овқат, Тўйтепа, Чиноз енгил саноатга ихтисослашган.

Ёки Ангрен-Олмалик агломерациясида Ангрен-ёқилғи, Олмалик-металлургия, Оҳангарон-қурилиш материаллари, Пскент-енгил ва озик овқат йўналишидан бормоқда. Лекин айрим агломерацияларда, масалан, Наманганда унинг маркази ҳам, йўлдош шаҳарлари ҳам асосан енгил саноатга ихтисослашганини кўрамиз. Бундай ҳолат Бухоро, Урганч, Қўқон агломерацияларида ҳам кузатилади.

Шаҳар агломерацияларининг аксариятида уларнинг марказлари асосий саноат ишлаб чиқаришини беради. Саноат салоҳияти Навоий, Олмалик шаҳарларида энг юқори, Чирчиқ, Фарғона шаҳарларида юқори, Самарқанд, Андижон, Бухоро каби шаҳарларда ўрта, қолган барча шаҳарларда паст кўрсаткичларга эга. Саноатнинг мужассамлашув коэффиценти аксарият шаҳарларда жуда паст. Бу эса уларнинг тизим ҳосил қилиш кучининг заифлигини билдиради. Йўлдош шаҳарларда марказий шаҳар саноат корхоналарининг айрим қисм ёки филиаллари деярли йўқ, чунки бош корхоналарнинг ўзи етарли даражада ривожланмаган.

Ҳудудларнинг урбанизация даражаси катта ва йирик шаҳарларда аҳоли концентрацияси ва саноатлашиш даражаси (саноат ишлаб чиқаришидаги улуши) билан ўзаро алоқадор (4-илова).

Йирик шаҳарларда аҳоли мужассамлашуви кўрсаткичи Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистонда

урбанизация даражасидан анча паст, демак урбанизация жараёнида уларда йирик шаҳарлар ҳиссаси кам.

Йирик шаҳарларда аҳоли мужассамлашуви Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятларида юқори, Хоразм, Сурхондарёда энг паст. Саноат салоҳиятига кўра Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Навоий вилоятлари йирик шаҳарлари юқори ўринларни эгаллайди. Бу кўрсаткичларни ўзаро корреляцион боғланишлари энг аввало Фарғона вилоятига тўғри келади, барча кўрсаткичлар тенг ва юқори. Наманган шаҳри аҳоли мужассамлашуви ва урбанизация даражаси юқори бўлсада, саноат улуши бўйича анча орқада, Тошкент вилоятида эса аксинча ҳолат кузатилади.

Охирги ўринларда турган Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари йирик шаҳарлари кўрсаткичлари ҳам ўзаро тўғри пропорционал. Қолган вилоятларда улар ўзаро мутаносиб эмас.

Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг функционал ривожланиши уларнинг иқтисодий географик ўрнига боғлиқ бўлади ва ҳудудий тузилишини ҳамда йўналишини белгилаб беради.

Ўзбекистонда шаклланган шаҳар агломерацияларининг ҳудудий кўриниши кўп жиҳатдан гидрография тармоқларига, жойнинг рельеф хусусиятларига, иқтисодий географик ўрнига, транспорт тизимининг жойлашувига боғлиқ.

Уларнинг асосий қисми ирригация тармоқлари, тоғолди, дарёларнинг тор водийларида вужудга келган [91].

Шунинг учун уларнинг ҳудудий қиёфасида кўпинча дарё ва тоғ этаклари бўйлаб чўзилиб кетган “полосасимон”, айрим ҳолларда “чизиқсимон” ёки кенг текисликлар, транспорт тугунлари атрофларида эса бир ерда “тўп” бўлиб жойлашган манзарани кўриш мумкин.

Мамлакат пойтахти негизида таркиб топган Тошкент агломерациясида Чирчиқ дарёси ва унга параллел ўтган темир ва автомобил йўллари унинг шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб 110-120 км ва кўндалангига 20-30 км кенгликда “полосасимон” жойлашувини белгилаб беради. Агломерация маркази- Тошкент шаҳридан чикувчи 8 та радиал “ўқлар” унинг доирасини кенгайтиради.

Йўлдош шаҳарларнинг асосий қисми шу йўналишларда жойлашган. Аммо шимолда давлат чегараларининг ўтганлиги бунга тўсқинлик қилади. Ўзига рекреацион хизмат қилувчи шимоли-шарқий қисмлари етарли даражада ўзлаштирилиб бўлинган. Бундай жойлашув хусусиятлари келгусида уни жануб ва жанубий-ғарб томонга ривожлантириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Шунга ўхшаш конфигурацияни Қуйи Амударёдаги Урганч шаҳар ва қишлоқ тизимида учратиш мумкин. Урганч агломерацияси Амударё ва унга параллел ўтган темир ва автомобил йўллар бўйида “полосасимон” кўринишда ривожланмоқда ва шимолий-ғарбий йўналишда Хива, жанубий-шарқ йўналишида Хонқа, Ҳазорасп унинг йирик йўлдошлари саналади.

Унга қўшни жойлашган Нукус агломерацияси – Амударё дельтасининг бошланиш қисмида, дарё соҳили ва турли томонга тармоқланиб кетган темир йўл тугунида “тўп” бўлиб жойлашган. Агломерация кенг текисликда, халқаро йўллар бўйида жойлашгани ҳолда, шимолий қисмида экологик вазиятнинг талабга жавоб бермаслиги уни жанубга, биринчи йўлдош шаҳри томон йўналишини белгилаб беради.

Бухоро агломерацияси Зарафшон ирригация тизими бўйлаб ихчам ва “тўп” бўлиб жойлашган.

Бухоро шаҳрининг яқинида унинг биринчи йўлдош шаҳри Когон жойлашган бўлиб, у тўрт томонга боровчи темир ва автомобил йўлларнинг чорраҳасида жойлашган.

Шаҳарнинг тез ўсиши келажақда Бухоро шаҳрига рақобатдош шаҳарга айланишига ва икки марказли агломерация бўлишига имкон яратади. Худуднинг кенг текисликда эканлиги, орографик тўсиқларнинг йўқлиги унинг ихчам жойлашувини белгилайди. Аммо ғарбий қисмида бораётган чўллашиш жараёни унинг ҳар томонга симметрик ривожланишига тўсқинлик қилади.

Мамлакатнинг ғарбий текисликларидаги йирик агломерациялардан бири Самарқанд тизими бўлиб, бу ердан Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятларини боғловчи темир ва 5 та халқаро автомобил йўллари ўтади. Рельефнинг кенг ва бир текис (500-600 м) эканлиги уни радиал-айлана кўринишида шаклланишини таъминлайди. Аҳоли мазилгоҳларининг

жойлашуви эса Самарқанд шаҳридан атрофга қараб кетган “ўқлар” бўйлаб юлдузсимон ривожланиш имконини беради. Текисликда шаклланган агломерациялардан фарқ қилиб, 1,5 км баланд тоғдан оқиб ўтувчи Оҳангарон дарёсининг тор водийси ҳамда унга параллел ўтган йўллар бўйлаб аҳоли манзилгоҳлари бирин-кетин тизилиб “чизиқсимон - нуқтали” бўлиб жойлашган.

Атрофлари 2,5 - 3 км ли баланд тоғлар билан ўралганлиги уни дарё йўналиши бўйлаб жанубий-ғарб, яъни текислик томон ривожланишга ундайди. Агломерация Қурама тоғлари этакларидан Оҳангарон дарё ҳавзаси бўйлаб то Туябўғиз сув омборигача чўзилиб кетган водий қисмини ўз ичига олади ва дарёнинг икки соҳилида жойлашган Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари унинг “ядросини” ташкил этади.

Фарғона водийсида аниқ ифодаланган ва маркази асосий транспорт тугунлари - Андижон, Қўқон, Наманган, Фарғона-Марғилонда бўлган 4 та агломерацияни ажратиш мумкин. Бу ердаги йўлдош шаҳар ва қишлоқларнинг жойлашувида атрофни ўраб олган тоғлардан оқиб тушувчи сой ва дарёлар муҳим ўрин тутди. Агломерациялар уларнинг конуссимон ёйилмаларида тоғ этаклари бўйлаб ёйсимон ҳолатда жойлашган.

Бу ерда азалдан деҳқончилик қилиш учун шароитнинг қулай бўлганлиги, кейинчалик аҳоли манзилгоҳларини боғловчи транспорт йўлларининг ўтиши агломерацияларнинг шаклланишига асос бўлган.

Қўқон агломера-цияси XX асрда муҳим савдо, транспорт тугуни, ҳарбий-стратегик ва маъмурий марказ сифатида пайдо бўлган Қўқон шаҳри негизда шаклланди. Унинг қулай иқтисодий ва транспорт-географик ўрни, ўз атрофидаги қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан марказий ўрин тутиши тез ривожланишига имкон берди.

Қўқон билан водийнинг бошқа шаҳарларини, шунингдек 60-йилларда пойтахтни боғловчи йўллар қурилиши билан, шаҳар марказ билан Фарғона водийси ўртасида боғловчи вазифасини бажарувчи муҳим транспорт тугунига айланди.

Пойтахтдан Фарғона водийсига ташиладиган асосий юклар шу ердан ўтади. Агломерация таркибида йўлдош шаҳарлар сони кўп эмас (5 та), чунки унинг яқинида унга рақобат-дош йирик Фарғона-Марғилон агломерацияси мавжуд. Агломера-циянинг

конфигурацияси ихчам айлана шаклида бўлиб, радиал йўллар марказдан кесиб ўтади.

Фарғона водийсининг яна бир йирик шаҳри Андижон бўлиб, ундан Тошкент, Ўш, Жалалобод, Учкўрғон, Марғилон, Фарғона йўналишида темир ва автомобил йўл қатнови йўлга қўйилган. Андижон агломерацияси радиуси тахминан 50 км бўлган, аҳоли манзилгоҳлари зич бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Агломерациялар таркибидаги аҳоли манзилгоҳлари асосан дарё, сойлар ва улардан тортилган каналларнинг бўйларида тизилиб жойлашган, шунингдек катта ва йирик шаҳарлардан (ядролардан) атрофга таралувчи магистрал ва темир йўллар бўйларида занжирсимон жойлашган.

Айрим жойларда тоғ этаклари бўйлаб текислик билан туташган ерларда полосасимон ёки ёйсимон шаклда чўзилиб кетган. Агломерация таркибидаги шаҳарлар ниҳоятда зич жойлашган ва у бу жиҳатдан республикада Тошкент агломерациясидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди (ҳар минг км. кв.га 3,7 та шаҳар тўғри келади).

Шарқда уларга Ўш, жанубда Хўжанд шаҳар тизимлари қўшилиб кетади ва гўёки А.Солиев таъбири билан айтганда ягона “ФАНЎХ” мегалаполисини ҳосил қилади [99, 16].

Қарши агломерацияси асосий темир ва автомобил йўллари кесишган ерда жойлашган.

Шаҳардан тўрт томонга кетувчи темир ва автомобил йўллари уни Бухоро, Сурхон-Шеробод воҳалари билан боғлайди. 2006-йилда ЮНЕСКО қарорига мувофиқ халқаро миқёсда унинг 2700 йиллигини нишонлаш мақсадида бу ерда олиб борилган қатор қурилиш, таъмирлаш, ишлари шаҳарнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Кенг текисликда жойлашгани, ундан турли томонларга кириб боровчи “ўқ”ларнинг тарқалиши асосида ўзига хос “ихчам айлана” кўринишида намоён бўлган. Агломерация радиал йўналишда симметрик ҳолда ривожланиш имкониятларига эга. Агломерацияларнинг ҳудудий тузилишини таҳлил қилиш асосида қуйидаги ҳудудий кўринишга эга бўлган агломерация гуруҳлари ажратилди:

1. “Полосасимон”- Тошкент, Нукус, Урганч агломерациялари;

2. "Чизиқсимон-нуқтали" - Ангрен-Олмалик, Наманган агломерациялари;

3. "Тўпсимон" - Бухоро, Қўқон, Фарғона-Марғилон, Андижон, Навоий;

4. "Радиал - айлана" - Самарқанд, Қарши агломерациялари.

Шаҳар агломерациялари кенг қишлоқ хўжалиги ерларида шаклланган бўлиб, уларнинг таркибида инфратузилма сустривожланган қишлоқлар ва қишлоқ хўжалик ерлари бор.

Бу эса агломерацияларнинг ривожланишида қийинчилик туғдиради. Айниқса фермер хўжалигига асосланган қишлоқ хўжалик ерларида шаҳарларнинг кенгайиши, уй-жой қурилишида ёки шаҳар атрофида дам олишни ташкил этишда муаммолар туғдиради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги замон жаҳон урбанизациясининг асосий хусусияти - шаҳар агломерацияларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий тараққиётнинг асосий марказларига айланиб боришидир. Шаҳарларнинг бундай мураккаб тизимлари аксарият ривожланган мамлакатларда агломерациялардан кейинги босқичга чиқиб, урбанизациялашган ҳудудларнинг шаклланиш даражасига етган ва ҳатто орқага қайтмоқда.

Шаҳарлар агломерациялари мамлакатимизда ўтган асрнинг 60-70 йилларида транспорт ва ирригация тармоқлари, тоғолди текисликлари, саноат районлари каби аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари ғуж бўлиб тўпланган районларда шакллана бошлади.

Улар ўзининг аҳоли сони, ўлчамлари, таркиби, функциялари, иқтисодий, демографик ва бошқа хусусиятлари, ҳамда мавжуд имкониятларига кўра фарқ қилиб, турлича ривожланиш даражасига эга.

Бу борада айниқса пойтахт агломерацияси алоҳида ўрин эгаллайди ва агломерациялашув жараёни нисбатан фаол бораётганлиги билан ажралиб туради.

УЧИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (Тошкент агломерацияси мисолида)

3.1. Пойтахт шаҳар агломерациясининг функционал- худудий таркиби ва ички миграция жараёнлари

Юксак даражада ҳудудий урбанистик мужассамлашувга эришган, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Тошкент агломерацияси ўзининг тўла қонли шаклланганлиги билан Марказий Осиё геосиёсий минтақасида етакчи мавқени эгаллайди. Унинг ўзига хос инновация, инвестиция ва инфратузилма макони, ижтимоий (социал) муҳит сифатида ривожланишини тадқиқ этиш республика шаҳар агломерациялари ривожланишининг умумий ва хусусий йўналишларини белгилаб беришда асосий ўрин тутди.

Мамлакатнинг янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиши пойтахт агломерациясининг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ҳозирги даврда Тошкент ва унинг негизида шаклланган мураккаб аҳоли жойлашув тизими-шаҳар агломерацияси бозор муносабатларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Инвестиция муҳитининг шаклланиши, қўшма корхоналар ва бозор инфратузилмасининг яратилиши, ер ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш агломерацияда кўп жиҳатдан Тошкент таъсирида амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳри икки минг йиллик тарихга эга бўлган узок тараққиёти давомида турли табиий, иқтисодий - географик омиллар, ижтимоий сиёсий воқеалар таъсирида ривожланиб бориб, агломерация сифатида шаклланиши учун ўзига замин тайёрлади. Етакчи шаҳаршунос олим Г.М.Лаппо ўз ишларида шаҳарларнинг ривожланиш қонуниятларига кўра шаҳар “йирик шаҳар” даражасига етгандан сўнг ўз доирасидан чиқиб агломерацияга айланишини таъкидлаган [51]. Тошкент шаҳрида ҳам гарчи агломерация белгилари анча илгари пайдо бўлиб, ўз маъмурий ҳудудий доирасидан чиққан бўлсада, 1960 - йиллардан агломерация сифатида қарала бошланди. Чунки шу йиллардан бошлаб пойтахт шаҳарни ривожлантиришни лойиҳалаштириш

билан махсус шуғулланувчи ТашНИИГенплан институти (ҳозирги "TOSHKENTBOSHPLANLITI" ГУП) томонидан илк маротаба шаҳар ўз атрофи билан бир бутун тизим деб қабул қилиниб, шунга асосан лойиҳалар ишлаб чиқиш бошланди. Шаҳарнинг қулай иқтисодий географик ўрни уни турли функцияларни бажаришига имкон яратиб берди. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар ҳудудининг кенгайишига, аҳолининг кўпайишига, яқиндаги шаҳар ва қишлоқлар билан боғланишига олиб келди. Унинг агломерация сифатида шаклланган даври бир неча босқичлардан иборат.

1 - давр (1917 - йилгача). Тошкент шаҳри узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлиб, унинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Археологик қазилмалар шундан далолат берадики, бундан тахминан икки минг йиллар муқаддам унинг ўрнида шаҳар харобалари бўлган. Шаҳар турли номлар билан (Юни, Чоч, Шош, Бинкат) тарихий манбаларда учрайди. Унинг ҳозирги номи XI асрда Абу Райхон Беруний ва тарихчи Маҳмуд Қошғарий асарларида тилга олинган.

Шаҳарнинг қулай географик ўринда: китъалараро савдо йўлларининг кесишган қисмида жойлашгани уни йирик савдо марказига айлантирди. Тошкент шаҳри текисликда, ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик районларининг кесишган қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда турли маҳсулотлар айирбошланар эди. У ғарб ва шарқ, шимол ҳамда жануб ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларда асосий ўрин тутар эди. [83]. Шу билан бир қаторда кўчманчи халқларнинг босқинларига қарши Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳарбий функцияларни бажарувчи истехком ҳам эди. Шаҳар кўплаб чет эл босқинчиларига қарши курашларда қатнашди; кўчманчи чорвадорлар, араб халифалиги, мўғуллар истилоси, қозоқ султонлари, Бухоро, Хоразм ва Қўқон хонликлари даврида бир неча бор курашларда вайрон бўлди, лекин қулай ерда жойлашгани учун яна ўзини бир неча бор тиклаб олди. У бу даврларда ҳарбий истехком вазифасини бажариб келди. Шаҳар қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, унинг ўртасида бозор бўлган. Бозордан саккиз томонга радиал сифатида атрофга кетувчи йўллар ўтган. [68]. Бу йўллар дарвозадан чиқиб, шаҳарни атроф билан боғлаган. Ана шу даврда

шаҳарнинг майдони 12 км. кв ни эгаллар ва ҳозирги даражасидан 28 марта кичик эди.

1865 йилда Россияга қўшиб олингач, Тошкент Ўрта Осиёга қирувчи асосий “дарвоза” ролини ўйнади. 1899 йилда Каспийорти, 1906 йилда Тошкент–Оренбург темир йўллари қурилди. Шаҳар Урал, Волгабўйи, Россиянинг марказий қисми ва Сибирь билан савдо иқтисодий муносабатларни олиб борди. Бу ердан хилма-хил юк, ипак, газлама, пахта, тери, ҳунармандчилик буюмлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қоракўл, қурилган мева, шол, гуруч, гилам олиб кетилар, машина, асбоб-ускуна, металл, шакар каби маҳсулотлар олиб келинар эди. Шаҳар ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, Анҳор каналидан шарқ ва жанубга Салор дарёси томонга қараб кенгая борди ва унинг “европача” янги қисми қурила бошлади. XIX аср ўрталарида майдони 30 км.кв, аҳолиси 50 минг кишини ташкил этди. Бу ерда Никольское, Успенское, Троицк, Черняев каби рус қишлоқлари пайдо бўлди. Янги саноат корхоналари қурилди, Тошкент қўшимча вазифаларни ўз зиммасига ола бошлади; ҳунармандчилик, савдо маркази ва ҳарбий стратегик марказдан энди у Туркистон генерал губернаторлигининг ва Сирдарё вилоятининг марказига, яъни маъмурий бошқарув функцияларни ҳам бажарувчи йирик шаҳарга айланди. 1965-йилда Тошкентда 140 та маҳалла, 76 минг аҳоли яшаган. Шаҳар атрофида шаҳар аҳолисига тегишли 171 та мавзе ва у ерда шаҳарликларнинг экинзор ҳамда боғлари бўлган. 1913 йилда шаҳар майдони атрофга томон кенгайиб 60 км кв. ни ташкил этди ва бу ерда 256,7 минг киши истиқомат қилар эди [122] (6-расм).

2-давр (1917 – 1940 йй.) Октябр инқилобидан сўнг шаҳар ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. 1924- йилдан бошлаб шаҳар реконструкция қилиниб, саноат корхоналари, янги уй - жойлар, ўқув юртлари ва бошқа бинолар қурилди. У Туркистон ўлкасининг саноат ва транспорт марказига айланди. Бу даврда нафақат шаҳар ичи, балки унинг атрофларида ҳам янги қурилишлар амалга оширилди. 1926-йилда Тошкент - Барраж темир йўли, Бўзсув ГЭСи қурилди. Бу ердаги рус қишлоқлари ўрнида Чирчиқ шаҳри таркиб топди.

1930-йилда пойтахтлик функциясини олиши Тошкент шаҳрини Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиёдаги маъмурий-

маданий марказ даражасига олиб чиқди. Шаҳар худуди 1938-йилдаги режа асосида шимоли-шарқ томонга қараб кенгайди. Марказий қисми радиал-ҳалқасимон шаклда бўлиб, 12 та радиал ва 3 та ҳалқа йўлдан иборат эди. Шаҳар бошқа ўлкалардан ўзининг рельеф, иқлим, миллий хусусиятлари жиҳатдан фарқ қилиши қурилишларда ўзига хосликни талаб этди. 1939-йилда ТашНИИГенпланида (А.И.Кузнецов ва М.М.Клейманов) 25 йилга мўлжалланган майдони 13,8 минг га ва аҳолиси 900 минг кишига тенг келувчи шаҳар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра шаҳар худуди шимоли - шарқ ва жануби - ғарб томонга - Чўпонота ариғигача, шарқда Қорасувгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган эди. 1939- йилда шаҳар аҳолиси 584 минг кишини ташкил этиб, у Ўрта Осиёдаги энг йирик, кўп функцияли шаҳарга айланди ва 90 кв. км майдонни эгаллади [109].

3-давр (1940 – 1945 йй.). Бу давр қисқа вақтни ўз ичига олсада рўй берган уруш туфайли катта ўзгаришларга бой бўлиб, шаҳарнинг ривожланишида муҳим рол ўйнади. Мазкур давр учун Россия, Украина, Белоруссиядан кўплаб саноат корхоналари ва аҳолининг кўчириб келтирилиши хос бўлди. Уруш йилларида Тошкент ҳарбий арсенал сифатида, мудофаа-ташкилий ишларни бажарди. 1942-йилда бу ердаги саноат корхоналарининг ярми ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Фронт чизигидан яна 100 дан ортиқ корхоналар ва кўплаб аҳоли эвакуация қилинди.


Бу даврда Тошкент шаҳри саноатида жуда катта ўзгаришлар рўй бердики, бу унинг кейинги саноат таркибида машинасозлик ва металлургия саноатига ихтисослашуви учун асос бўлди. Агар 1940-йилда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг 81% и енгил саноат ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1941-йилда 60 фоизини оғир саноат эгаллади (асосан ҳарбий саноат) [122]. Шу билан бирга бу ерда юқори малакали кадрлар тўпланди, халқ хўжалигининг турли соҳалари, фан ва маданият- кино, театр, ўқув юртларига асос солинди. 1946-йилда унинг худуди 130 км кв. га тенг бўлди ёки 10 йил ичида деярли 1.5 мартага кенгайди.

4-давр (1946-1990 йй.). Мазкур даврда шаҳар муҳим транспорт ва саноат маркази сифатида фаолият кўрсатишни давом эттирди, шарқда унинг сиёсий роли ортди.

Аҳоли сонининг кўпайиб бориши, функцияларининг ортиб бориши билан унинг майдони ҳам кенгайди. Шаҳарда кўп

қаватли бинолар қурила бошлади, аҳоли сони тез ортиб борди. 1966-йилги zilзиладан сўнг у қайта тикланди ва замонавий шаҳарга айланди. Кўплаб уй-жойлар, бошқарув органлари бинолари, илмий - текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, маданий объектлар, савдо марказлари, саноат корхоналари қурилди. Аҳоли сони ортиб бориб у 1960-йилда миллионер шаҳарга айланди. 1970 - йилда Ташгипрогор институти томонидан 25 минг га майдон ва 1,5 млн. аҳолига мўлжалланган янги режа тузилди: Високовольтний, Рисовий, Шимоли - шарқ, Юнусобод, Қорақамиш массивлари қурилди. 1977-йилда унинг турли қисмлари метро билан боғланди. Шаҳар мавжуд

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШИ



имкониятларидан ортиқ даражада вазифаларни бажара бошлади.

6-расм. Тошкент шаҳри ҳудудининг кенгайиши.

Изоҳ: карта ўз масштабидан 2,5 марта кичрайтириб тасвирланган

Натижада, ўз муаммоларини шаҳарнинг маъмурий - ҳудудий доирасида ҳал эта олмай атрофи билан боғланди. Кўп меҳнат талаб қилувчи, экологик “хавфли” ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ саноат корхоналари ташқарига чиқарилди ва йўлдош шаҳарларда қурилди. Хусусан, йирик шаҳарга мос келмайдиган объектлар, асосан озиқ - овқат саноати корхоналари, жумладан, консерва, пахта тозалаш, гўшт комбинати ва бошқалар четга - Янгийўл, Ўртаовул, Қибрай шаҳарларига қурилди ёки олиб чиқилди. Зангиота, Чирчиқ, Қибрай, Пскент, Бектемир шаҳарларида айрим корхоналарнинг филиаллари жойлаштирилди. Уларнинг асосида Тошкент атрофида шаҳарлар вужудга келди ва ривожланди.

1985-йилда ТашНИИГенплан институти томонидан (Раимов Т., Лифановская М., Мирзаев М. ва б.) шаҳарни бевосита Тошкент вилояти билан бирга ҳудудий ташкил этишнинг 2010-йилга мўлжалланган концепцияси яратилди. Унга кўра Тошкент шаҳрини асосан жануби - ғарб ва шимоли- шарқ томонга, қисман атрофга периметрал ҳолатда ривожлантириш мўлжалланди. Бўка, Сайроғоч, Чиноз, Янгийўл, Паркент ва бошқалар тез ривожланиши мумкин бўлган шаҳарлар сирасига кирди. Бу даврда шаҳар майдони 256 км кв. ни ташкил этди ва у Ўрта Осиё давлатлари ичида аҳоли сонига кўра биринчи ўринни эгаллади. Иқтисодий, маданий жиҳатдан энг йирик шаҳар ва йирик агломерациянинг маркази сифатида фаолият кўрсатиб Киев, Минск, Баку, Новосибирск шаҳарлари қаторида турди.

5-давр (1991-йилдан ҳозирги кунгача). Республиканинг мустақилликка эришиши 2 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган миллий пойтахт зиммасига янада улкан давлат, сиёсий вазифаларини юклади.

Ўтиш даврида агломерацияда бозор муносабатларига хос муҳит шаклланди: иқтисодиёт тармоқларида ўзгаришлар содир бўлди, йирик саноат ишлаб чиқариши ўрнини кичик ва ўрта корхоналар эгаллади, ердан фойдаланишга бўлган муносабат ўзгарди, янги тармоқлар вужудга келди, пойтахт шаҳарнинг халқаро миқёсда геосиёсий ва бошқарув мавқеи ортди. 1990 - йилларда саноатда банд бўлганлар 39 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 - йилда 22,2, 2019 йилда 18,8 фоизга тенг бўлди. Айни пайтда шаҳарнинг сиёсий - маъмурий ва илмий - маданий каби соф пойтахтлик функциялари тез ривожланди. Хусусан, илмий-текшириш, конструкторлик-лойиҳалаш ташкилотлари, бозор инфратузилма шохобчалари, олий ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш, транспорт инфратузилмаси ва савдо марказлари тўпланди.

Тошкент мустақил давлатнинг сиёсий марказига айланди. Бу ердан республика Президенти қароргоҳи, мамлакат Олий Мажлиси, Вазирлар маҳкамаси, ижтимоий ҳаракат, партиялар ва жамоат ташкилотларининг марказлари, чет эл элчихоналари, БМТ ваколатхоналари, банк-молия тизими муассасалари ва бошқалар ўрин олди.

Мустақиллик йилларида шаҳар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида туб ислохотлар амалга оширила бошланди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши билан тадбиркорлик, ишбилармонлик, хорижий сармоялар киритиш янги банк-молия тизимини шакллантириш, мулкни хусусийлаштиришга эътибор қаратилди.

Шаҳар қурилишида катта ишлар амалга оширилди (Мустақиллик майдони, Амир Темур ҳайкали, темурийлар даври тарихи музейи ва б.), хиёбон, кўча, майдонларнинг номлари қайта номланди. Шаҳар транспорти янада такомиллашди.

Шаҳар ичи транспортини яхшилаш мақсадида Тошкент кичик халқа йўли, Тошкент метросининг учинчи -Юнусобод йўналиши, Чилонзор туманидаги ҳашаматли кўприк ишга туширилди.

1996 - йил 31 январ “Тошкент шаҳрида уй - жой қурилишини давлат томонидан қўллаб - қувватлашни кучайтириш тўғрисида” Президент фармонида мувофиқ асосий эътибор аҳолини уй - жой билан таъминлаш (ёш oilаларга кредитга уй - жой бериш)

аҳолини турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, шаҳарда аҳоли яшаши учун қулай ва соғлом муҳит яратишга қаратилди.

Бундай улкан вазифаларни бажариш учун эса пойтахт шаҳар ичида ҳудуднинг етишмаслиги ҳамда ерга бўлган нархларнинг юқорилиги унинг атрофдаги қишлоқ ерларига кириб боришини тақозо қилди.

Шу боис, шаҳар чегаралари жанубий, шимолий - шарқий, шимоли - ғарбий йўналишларда кенгайтирилди (9-жадвал).

9 -жадвал

Тошкент шаҳри майдони ва аҳолисининг ўзгариши

Йиллар	Майдони, км ²	1922 йилга нисбатан ортган, марта	Аҳолиси, минг киши	1922 йилга нисбатан ортган, марта
1922	100	1,0	260	1,0
1951	117	1,2	626,2	2,4
1961	160	1,6	1037,1	3,9
1970	225	2,3	1384,5	5,3
1977	252	2,5	1688,6	6,4
1985	256	2,6	2035,9	7,8
2010	334	3,3	2107,8	8,1
2019	334	3,3	2509,9	9,6

Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида, 2002; ЎзР статистика қўмитаси маълумотларига асосланган ҳолда муаллифлар томонидан тузилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Тошкент бошпланЛИТИ” ДУК Туркия билан ҳамкорликда 2041 йилгача ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга кўра шаҳар аҳолиси 3,3 млн.ни ташкил этиши ва майдони яна 8,4 минг га га кенгайтирилиши кўзда тутилган, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида 2 млн. аҳолига мўлжалланган Янги Тошкент қурилиши режалаштирилди.

2020 йил Тошкент шаҳрида барпо этилган янги мавзеларда аҳоли хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш, самарали

бошқариш ва ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилди.²²

Пойтахт агломерацияси ҳозирги кунга келиб республикада шаклланган шаҳар ва қишлоқларнинг энг йирик ва мураккаб ҳудудий тизими бўлиб, 6,4 минг км кв. майдонни эгалайди.

Унинг таркибига 10 та шаҳар (Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ғазалкент, Келес, Паркент, Оққўрғон, Дўстобод, Чиноз, Нурафшон (Тўйтепа) ва 17 та шаҳарча (Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Искандар, Олмазор, Салор, Туябўғиз, Улуғбек, Чорбоғ, Чиғирик, Эшонгузар, Янгибозор, Янгиҳаёт, Янги Чиноз, Ўртаовул, Қибрай, Қизилтоғ), 600 дан ортиқ “агрошаҳарча” ва қишлоқлар киради.

Маъмурий- ҳудудий жиҳатдан Тошкент вилояти 11 та туманининг (Зангиота, Қибрай, Тошкент, Ўртачирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Янгийўл, Оққўрғон, Чиноз,) аҳоли пунктлари зич бўлган ва марказга (Тошкент ш.) етиб бориш вақти 2 соатни ташкил этган қисмлари киради.

Агломерация доирасида 3,6 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди, шундан 2.6 миллиони шаҳар аҳолиси ҳисобланиб, урбанизация даражаси 74.1 фоизни ташкил этади.

Мазкур ҳудуд республикада юқори даражада урбанизациялашган бўлиб, шаҳарлар зичлиги ҳар минг кв.км га республикада 0,5 тани ташкил этгани ҳолда, бу ерда 4,2 тадан тўғри келади.

Агломерация Чирчиқ дарёси водийси бўйлаб полосасимон кўринишда жануби-ғарбдан шимоли- шарққа томон 130 км дан ортиқ масофага чўзилган, кўндаланг диаметри эса 40 км га етади. У жануби - ғарбда Сирдарё, шимоли - шарқда Чорбоғ сув омборига бориб туташади.

Шимолий чегараси Қозоғистон билан бўлган давлат чегараларига, жануби эса Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманининг қишлоқ хўжалик ерларига тўғри келади.

Агломерация пойтахт шаҳар негизида, суғорма деҳқончилик районида вужудга келган.

²² “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4888-сонли Президент қарори, 11.11.2020. <https://lex.uz/>

Шаҳар узоқ давом этган тарихий тараққиёти давомида ҳамда қулай иқтисодий географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда атрофга қараб кенгайиб борди, натижада унинг майдони 1922- йилдагига нисбатан 3,3 марта кенгайди.

Шу билан бир қаторда у атрофидаги йўлдош шаҳарлар билан яқиндан боғланди. Агломерациялашув жараёнининг дастлабки даврларида мазкур тизим таркибида 11 та йўлдош шаҳар бўлган эди, 1970- йилда уларнинг сони 17 та, 1989 - йилда 27 тага етди. Агломерация жами аҳолисининг ярми унинг марказида тўпланган. Шаҳар аҳолисининг нисбати унинг маркази фойдасига 4:1 нисбатни ташкил этади.

10 -жадвал

Пойтахт минтақаси ҳудудининг таркибий қисмлари

Таркибий қисмлар	Асосий белгилари
1.Шаҳарнинг тарихий асоси	Тошкент “Эски шаҳар ” доирасида
2.Шаҳарнинг марказий зонаси	Тошкент автомобил кичик халқа йўли чегарасида
3.Тошкент шаҳри	Маъмурий-ҳудудий чегарада майдони, 334 км.кв. аҳолиси 2.4 млн.киши
4.”Катта Тошкент”	Агломерация 1-зонасининг бевосита шаҳарга ёндош қисми (округи) майдони 107210 га, аҳолиси 2,8 млн. киши.
4.Аҳоли қатнови 1-зонаси	Марказий шаҳарга қатнов вақти 1 соат бўлган изохроналардан ўтувчи қисми-Тошкентнинг яқин йўлдош аҳоли манзилгоҳлари.
5.Аҳоли қатнови 2-зонаси	Қатнов вақти 2 соатни ташкил этувчи узоқ йўлдош аҳоли манзилгоҳлари зонаси
5.Тошкент агломерацияси	Тошкент шаҳри атрофи 1,2-зонаси билан майд.6,4 минг км ² , аҳолиси 3,6 млн.киши
6.Пойтахт минтақаси	Тошкент шаҳри ва вилояти, майдони 15,6 минг км ² ,аҳолиси 4,7 млн.киши

Жадвал УзР давлат Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Агломерация аниқ шаклланган қуйидаги мураккаб ҳудудий таркибга эга (10-жадвал): агломерация “ядро”си - Тошкент шаҳри; аҳоли зичлиги 1 км кв. га 400 - 450 киши тўғри келувчи,

ўқиш, меҳнат бўйича алоқалар устун турувчи, марказга жамоат транспортида қатнаш вақти 1 соат, радиуси 35-40 км гача бўлган 1 - зона. Бу зонада - Тошкентнинг ўнг қанотида биринчи тоифали йўлдош шаҳри – Чирчиқ жойлашган бўлиб, у ҳам ўз навбатида атрофидаги Ғазалкент, Искандар, Оркутсой, Чорбоғ, Қибрай каби аҳоли манзилгоҳларини ўз таъсир доирасига тортиб туради. Чап томонида иккинчи йирик йўлдош шаҳри - Янгийўл ҳам ана шундай локал ҳудудий тизимни шакллантириш арафасида.

Ушбу зонанинг бевосита Тошкент шаҳрига туташ қисмида аҳоли ниҳоятда зич (1км.кв. га 600 - 700 киши) жойлашган бўлиб, 600 мингга яқин киши яшайди. Бу ердаги Келес, Эшонгузар, Назарбек, Кўксарой, Янгибозор, Салор каби аҳоли манзилгоҳлари сув, энергия, канализация, телефон тармоқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда аҳоли алоқалари орқали Тошкент шаҳри билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Улар биргаликда Тошкент мегаполиси ёки “Катта Тошкентни” ташкил этади.

2-зона меҳнат ва ўқиш алоқалари сусайиб маданий - маиший, рекреация алоқалари устунлик қилувчи, аҳоли зичлиги 1км кв. га 200 - 250 кишини ташкил этувчи, марказдан 60 - 70 км радиусга эга бўлган ҳудудларни ўз қамровига олади. Бу ерда Тошкент шаҳрининг “чекка” йўлдош шаҳарлар ва қишлоқлари жойлашган бўлиб, унинг чегаралари марказга қатнаш вақти 2 соатгача бўлган изохроналардан (қатнаш вақти бир хил бўлган нуқталарни туташтирувчи чизик) ўтади. Бу ерда алоқалар сусайиб бориб, шаҳар атрофи ташқи зонаси билан боғланиб кетади.

Пойтахт агломерацияси моноцентрик, яъни бир марказли бўлиб, уни республикадаги энг йирик пойтахт шаҳар бошқаради. У Чирчиқ дарёси бўйлаб чўзилган бўлиб, шимолда давлат чегаралари, шарқда эса унга рекреация жиҳатдан хизмат қилувчи тоғларнинг мавжудлиги унинг полосасимон кўринишга эга бўлишини таъминлайди. Йўлдош шаҳар ва қишлоқларнинг асосий қисми марказий шаҳарга ва асосий транспорт магистралларига тортилиб жойлашган. Агломерация доирасида аҳоли зичлиги марказда 1км.кв. га 7 минг кишини ташкил этиб, атрофга томон сийраклашиб боради; шаҳар чегараларида – Тошкент ва Зангиота туманларида 600 - 700 киши, шаҳарга туташ 1 – зонада – 400 - 450 киши, 2 -зонада 200 - 250 киши тўғри

келади. Бундай ҳолат аҳоли манзилгоҳларининг жойлашувида ҳам акс этади. Марказ - атроф йўналишида ўтказилган ҳар 10 км ли халқалар ичида йўлдош шаҳарлар қуйидагича жойлашган (11-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, биринчи халқада шаҳарлар сони кўп, лекин майда, иккинчи халқада эса улар умуман кам ва майда. Учинчи халқа 30- 40 км ораси бўлиб, энг кўп ва энг йирик йўлдош шаҳарларга эга. Кейинги халқада сони ҳам, аҳоли сони ҳам аста - секин камайиб боради. Масофа 50 км дан ортганда йўлдош шаҳарлар сони қисқариб, аҳоли сони эса орта бошлайди. Демак, Тошкент шаҳрининг тортувчи кучи таъсири остида унинг яқин атрофида шаҳарлар унча катталашмайди, ундан узоқлашган сари 30-35 км масофада пойтахтга аҳолининг тортилиши камаяди, бу ерга келганда меҳнат қилиш ва ўқиш учун марказга қатнаш алоқалари камайиб, шу ернинг ўзида аҳолининг ишлаши ва ўқиши (кундалик қатнови) учун талаб даражасидаги катта шаҳарга эҳтиёж сезилади.

11-жадвал

Тошкент агломерациясида йўлдош шаҳарларнинг халқалар бўйлаб жойлашув хусусиятлари

Халқалар	Халқалар-нинг Тошкент-дан ўртача узоқлиги, км.	Халқадаги йўлдош шаҳарларнинг ўрт. аҳоли сони, минг киши, 2018 й.	Йўл-дош шаҳарлар сони	Йўлдош шаҳарлар номи
1-халқа	10	19,6	5	Салар, Қибрай, Улуғбек, Келес, Эшонгузар
2-халқа	20	17,8	2	Ўртаовул, Янгибозор
3-халқа	30	41,7	8	Паркент, Нурафшон, Чирчиқ, Янгийўл, Гулбаҳор, Туябўғиз, Янгиҳаёт
4-халқа	40	9,8	4	Искандар, Алимкент, Бўзсув, Красногорск
5-халқа	50	11,9	4	Ғазалкент, Оққўрғон,

				Олмазор, Янги Чиноз
6-халқа	60	15,7	3	Чиноз, Чорбоғ,Дўстобод

*Жадвал Тошкент вилояти статистика бошқармаси
маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.*

Ундан кейин Тошкент шаҳрининг таъсири камайиб бориб, маданий-маиший, яъни бозор ва дўконларга бориш, маданий дам олиш, рекреация, даволаниш ва бошқа мақсадларда (ҳафталик, ойлик ёки эпизодик қатнов) марказга қатнаш асосий ўрин тутлади. Чунки марказга кундалик қатнаш аҳолини вақт ва сарф – ҳаражатларини оқламайди. Шунинг учун бу ерда катта шаҳарларга талаб сезилади (Чирчиқ, Янгийўл, Тўйтепа ва ҳ.к.). Йўлдош шаҳарларнинг бундай жойлашув хусусиятларини Ю.Г.Саушкин Москва агломерациясида ҳам аниқлаган [94].

Таҳлиллардан кўринадик, марказдан атрофга ўтган транспорт йўлларида жойлашган биринчи йўлдош шаҳарлар ўртача 3 - 4 км дан ўтган ва асосан кичик шаҳарлар, улардан ҳар 16-17 км узоқликда йўлдош шаҳарларнинг иккинчи сафи жойлашган. Шаҳарларнинг ўртача аҳоли сони 58 минг киши, (Янгийўл, Чирчиқ, Паркент, Тўйтепа, Қизилтоғ шаҳарлари), учинчи қаторда улар кичик шаҳарлар билан алмашинади: Янгиҳаёт, Гулбаҳор, Искандар, Алимкент (45 км масофа ва аҳоли сони 6-15 минг киши. Кейинги қатор сиёсий ва орографик тўсиқларнинг мавжудлигига кўра шимоли - ғарб ва жануби - шарқ томонларда тўхтайди. Бу қонуниятни ўртача 55 км да Чирчиқ йўналишида Ғазалкент, жанубда Пскент, Оққўрғон, Чиноз йўналишида Олмазор шаҳарлари давом эттиради. Йўлдош шаҳарларнинг бундай жойлашуви немис олими В.Кристаллернинг аҳоли манзилгоҳлари жойлашувининг “марказий ўринлар” моделига мос келади, аммо уларнинг тенг ва бир текис ривожланишида шимолда сиёсий чегараларнинг ўтиши, шарқда орографик тўсиқларнинг мавжудлиги бу қонуниятнинг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан бир қаторда уч йўналишда - Паркент, Жанубий ва Келес йўналишларининг ён тармоқларида Тошкент шаҳридан 4 км узоқликдан ўтувчи йўлдош шаҳарларнинг биринчи сафи “агрошаҳарча”ларга тўғри келади (Жумабозор, Авангард, Кўксарой).

Агломерациянинг ҳудудий таркибида Тошкент шаҳрини атрофи билан боғловчи транспорт йўллари катта рол ўйнайди. Улар гўё “ўқ”ларга ўхшаб атрофга кириб боради ва бу ердаги йўлдош шаҳар ва қишлоқларни агломерация ядросига тортилиб туришини таъминлайди. Аҳоли манзилгоҳларининг нафақат марказга, балки транспорт йўлларига тортилиш хусусиятларини кўриш мумкин. Улар марказдан атрофга радиал йўналишда кетувчи темир йўл, йирик халқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган автомагистраллар ва улардан ёнга тармоқланиб кетувчи иккинчи даражали йўллардир. Бу йўллар агломерациянинг нафақат ички қисмини, балки уни қўшни районлар билан ҳам боғлаб туради.

12- жадвал

Тошкент шаҳар агломерациясининг йўналишлар бўйича ҳудудий таркиби

Йўналишлар		1989 й.	2019 й.	Шаҳар ва шаҳарчалар
Чирчиқ	а/б в/г	257,3 /7 50,4 /1	251,8 /7 42,3 /1	Салор, Қибрай, Чирчиқ, Искандар, Ғазалкент, Чорбоғ, Улуғбек
Келес	а/б в/г	21,1 /1 4,1 /1	31,8 /1 5,3 /5	Келес
Янгийўл	а/б в/г	130,9 /8 25,6 /2	160,1 /9 26,9 /2	Эшонгузар, Чиноз, Ўртаовул, Янгийўл, Гулбаҳор, Олмазор, Янги Чиноз, Бўзсув, Дўстобод
Жанубий	а/б в/г	50,6 /6 9,9 /3	61,1 /9 10,2 /4	Тўйтепа, Янгиҳаёт, Чифирик, Алимкент, Оққўрғон, Туябўғиз
Ангрен	а/б в/г	10,9 /1 2,1 /6	11,3 /1 1,9 /6	Қизилтоғ
Паркент	а/б в/г	39,8 /2 7,8 /4	78,2 /2 13,1 /3	Паркент, Янгибозор
Агломерация бўйича		509,4 /25 100,0 /-	594,3 /26 100,0 /-	

Жадвал Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Асосий ва иккинчи даражали йўллар бўйида жойлашган ёки унга тортилувчи шаҳарлар²³ ушбу “ўқларни” характерлайди ва улар учун статистик манба бўлиб хизмат қилади. Агар шаҳар икки йўналиш ўртасида жойлашган бўлса у қайси йўналиш билан кўпроқ боғланса, ўша тармоққа киритилди. Бу ерда: а – шаҳар аҳолиси сони (минг киши), б – шаҳар ва шаҳарчалар сони, в – шаҳар аҳолиси салмоғи (%), г – йўналишларнинг салмоғига кўра тутган ўрни.

Шундай қилиб, Тошкент агломерацияси учун 7 та асосий йўналиш ажратилди: Чирчиқ, Келес, Янгийўл, Жанубий, Ангрэн, Паркент, Чимкент¹.

12-жадвалдан кўришиб турибдики, жами йўналишлар ичида шаҳар аҳолисининг сонига кўра Чирчиқ йўналиши етакчи ўрин эгаллайди (42,3%). Лекин унинг ҳиссаси кейинги йилларда анча пасайган, ваҳоланки бу кўрсаткич 1989 - йилда 50,4 фоизни ташкил этган. Иккинчи ўринни ҳамон Янгийўл ўқи эгаллаб келмоқда. Агар Чирчиқ йўналишида шаҳар аҳолиси сони 28,1 минг кишига камайган бўлса, ушбу йўналишда 29 минг кишига ортган, ҳиссаси 25,6 дан 26,9 фоизга кўтарилган. 1989 - йилда жанубий йўналиш 50,6 минг шаҳар аҳолисидан иборат бўлиб, учинчи ўринда турган бўлса, 2019 - йилда у ўз ўрнини иккита шаҳар аҳолисидан иборат бўлган Паркент ўқиға бўшатиб берди. Мазкур йўналишда шаҳар аҳолиси сони тез ўсди ва 39,8 минг кишидан 78,2 минг кишига кўпайди (13.1 %). Жанубий йўналиш эса 6 та йўлдош шаҳарни ўз ичига олгани ҳолда (10.2 %), 4 - ўринни эгаллайди. 5 - ўринда 1 та шаҳардан ташкил топган Келес, 6 - ўринда ҳам 1 та шаҳардан (Қизилтоғ) иборат Ангрэн йўналиши туради.

Йўналишлар агломерация доирасидан чиқиб, уни ташқи зона билан боғлайди. Ўқларнинг ташқи ориентирлари қуйидаги кўринишда намоён бўлган: Чимкент йўналиши ТКХЙ (Тошкент катта халқа йўли)дан Чимкент шаҳри томонга қараган ва у халқаро муносабатларда катта ўрин тутади. Энг кучли Чирчиқ йўналиши агломерация чегарасидан чиқмайди ва Чорбоғ сув омборига бориб тутадади. Лекин у жуда кўп шаҳар ва қишлоқларни ўзига тортиб туради ва Тошкент шаҳрининг

²³ Бу ерда қишлоқларнинг қайси ўққа тортилишини ажратиш мураккаб бўлгани сабабли муаллиф шаҳар аҳоли манзилгоҳларини тадқиқ этиш билан чекланди.

рекреация мақсадлари йўлида хизмат қилади. Улар электрлаштирилган темир йўлнинг мавжудлиги учун Тошкент билан кучли алоқаларга эга.

Паркент йўналиши шарқдаги тоғларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда четга чиқмайди. Ангрен йўналиши эса Тошкент агломерациясини Ангрен - Олмалиқ агломерацияси билан боғлайди ва унинг узоқдаги ориентир – Фарғона водийсидир. Жанубий йўналиш икки тармоққа ажралади, бири саноат шаҳри -Бекободга, иккинчиси қўшни Тожикистон томонга йўналган. Айни вақтда Янгийўл “ўқи” агломерацияни Сирдарё ва Жиззах вилояти билан боғласа, Келес йўналиши Сайроғоч орқали Қозоғистонга кириб боради. Умумий хусусиятларни аниқлаш мақсадида бу йўналишлар секторларга бирлаштирилди: шимолий, шарқий, жанубий, ғарбий (13 -жадвал).

Шарқий сектор ҳиссасига агломерация жами шаҳар аҳолисининг 55,4 фоизи тўғри келади ва биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Иккинчи ўрин ғарбий секторга тегишли бўлиб (28,6%), мустақиллик йилларида аҳоли сони тез кўпайган ва унинг ҳиссаси 1989-йилга нисбатан 1,3 фоизга ўсган. Жанубий ва шимолий секторлар улуши мос ҳолда, 2019-йилда 12,1 ва 5,3 фоизни ташкил этиб, кейинги ўринларни эгаллайди.

13- жадвал


Агломерация шаҳар аҳолисининг секторлар бўйича тақсимланиши

Секторлар	1989 й.		2019 й.		1989-2019 йиллардаги ўзгаришлар	
	минг киши	% да	минг киши	% да	минг киши	% да
Шимолий	21,1	4,1	31,8	5,3	+10,7	+1,2
Шарқий	295,9	58,0	330,0	55,4	+34,1	-2,6
Жанубий	61,5	12,0	72,4	12,1	+6,3	+0,5
Ғарбий	130,9	25,6	160,1	26,9	+29,2	+1,3
Жами агломерация бўйича	509,4	100,0	594,3	100,0	+84,9	-

Жадвал муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Умуман олганда, шарқий сектор аҳоли энг кўп жойлашган, шаҳар аҳоли манзилгоҳлари энг кўп ва энг кўп инсон томонидан ўзлаштирилган. Тошкент шаҳри йўналишлар орқали ўз атрофига чуқур кириб боради ва у ердаги аҳоли манзилгоҳлари билан яқиндан боғланади. Шаҳар аҳолиси талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун Тошкент шаҳри нафақат атрофга кенгайди, балки ўз атрофидаги йўлдош шаҳарларнинг ёрдамига таянди. Марказий шаҳарнинг кўпфункционал шаҳарга айланиши унга “оғирлик қилувчи” маълум функцияларни йўлдош шаҳар ва қишлоқлар давом эттирди. Иқтисодиётда фойдаланиш, ихтисослашув нуқтаи назаридан ҳам бир неча секторларга ажратилди (7-расм): шимолий-шарқий секторда 2 миллионли шаҳар аҳолисига рекреация жиҳатдан хизмат қилувчи Чирчиқ бўйлари, шимоли-шарқий тоғ ва тоғолди ҳудудлари, дарё бўйлари даволаниш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, туризм йўналишига ихтисослашмоқда.

Тошкент агломерацияси



7-расм. Тошкент агломерацияси

Шимоли- шарқда Чорбоғ сув омборини ўз ичига олган Чорбоғ-Чимён, ундан ғарбда Паргос-Оқтош, Чирчиқ рекреация зоналари жойлашган. Чирчиқ йўналишида Тошкент шаҳрининг марказий қисмларидан Чорбоғгача бўлган йўналишда қатор шифохона, соғлиқни сақлаш илмий муассасалари (эндокринология, гинекология, касб касаллиги, болалар суяк сили), тиббий диспансерлар, пансионат, санаторий, болалар лагерлари, дам олиш уйлари (“Қибрай”, “Ёзувчилар боғи”, “Ботаника”, “Умид гулшани”, “Бўстон” ва ҳ.к.) ўрин олган. Шу билан бир қаторда ушбу йўналиш транспорт тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги, малакали кадрларнинг мавжудлиги, табиати салқин, тинч ва осойишта ерда жойлашгани учун кўплаб илмий текшириш институтлари, тажриба - синов участкаларининг жойлашувини белгилаб берган. (“Академиклар шаҳарчаси”, “Она ва бола”, Тошкент давлат Аграр университети, Ядро-физика, уруғчилик, наслчилик, ўсимликшунослик илмий текшириш институтлари ва б.). Шунга кўра, ушбу йўналишни Тошкент шаҳрининг даволаниш ва дам олиш (маркази Чорбоғ) ҳамда илмий (маркази Улуғбек шаҳарчаси) ёки инновация функцияларини давом эттирувчи йўналиш сифатида ажратиш мумкин.

Агломерациянинг шарқий сектори ўзининг табиий-географик хусусиятларига кўра қишлоқ хўжалигининг узумчилик, боғдорчилик ва рекреация йўналишига ихтисослашган. Бу ерда жойлашган Янгибозор, Паркент, Қизилтоғ шаҳарларида узум - виночилик корхоналари кўпчиликни ташкил этади, тоғ ва тоғолди худудларида дам олиш масканлари бор.

Агломерациянинг жанубий қисмлари соф қишлоқ хўжалик районлари бўлиб, асосан сабзавот, дон экинлари ва пахтачиликка ихтисослашган. Чиноз, Оққўрғон, Нурафшон шаҳарларида пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди. Жануби-ғарбий йўналиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга қаратилган. Бу ерда Янгийўл, Ўртаовул каби йўлдош шаҳарлар ушбу саноат марказлари сифатида шаклланимоқда.

Мазкур йўналишлар ва турли соҳаларга ихтисослашган марказлар Тошкент шаҳри учун хизмат қилади, уни тўлдиради, айрим функцияларини давом эттиради, шу билан бирга унинг

асосида ўзи ҳам ривожланади. Бу ерда умумий қонуният шундан иборатки, Тошкент шаҳрига яқин жойлашган йўлдош шаҳарлар тор функцияли ва чуқур ихтисослашган, ундан узоқлашган сари шаҳарлар катталашиб, функциялари ҳам кенгайиб боради (масалан, Чирчиқ ва Янгийўл).

Агломерация таркибидаги йўлдош шаҳар ва қишлоқлар ўзининг шарт -шароити, географик ўрни, мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маълум функцияларни бажаришга ихтисослашиб бормоқда. Шунга кўра уларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

Вилоят маркази- Нурафшон шаҳри;

Махсус саноатга ихтисослашган шаҳарлар - Чирчиқ, Янгийўл;

Туман марказлари - Паркент, Қибрай, Гулбаҳор, Оққўрғон, Дўстобод, Ғазалкент, Янгибозор, Чиноз, Эшонгузар, Келес;

Курорт ва рекреация шаҳарлари - Чорбоғ;

Агроиндустриал шаҳарлар - Алимкент, Олмазор, Ўртаовул, Янги Чиноз, Туябўғиз, Янгиҳаёт, Бўзсув, Чиғирик;

Транспорт тугунлари - Искандар, Салор;

Илмий марказлар - Улуғбек.

Агрошаҳарчалар-2009 йилда шаҳарча мақомини олган, функциялари аниқ шаклланмаган шаҳарчалар.

Агломерация ҳудуди инсон ҳўжалик фаолияти натижасида турли даражада ўзлаштирилган. Аҳоли, маиший хизмат объектлари, иқтисодий ва ижтимоий муассасаларнинг Тошкент шаҳри ва бевосита унга туташ ҳудудларда зич тўпланганини кўриш мумкин. Шунга қарамай ушбу жараён ҳамон давом этмоқда. Тошкент шаҳри, агломерацияси ва ташқи зонани таққослаш натижасида бу ерда аҳоли, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг жойлашувида марказга интилиш хусусиятларини кўриш мумкин. Аҳоли зичлиги марказга борган сари ортиб боради, агар республика бўйича 1 кв.км га 72, вилоят бўйича 185 киши тўғри келса, агломерацияда бу кўрсаткич ўртача 580 кишини ташкил этади ва йиллар давомида у ўзгариб борган (14-жадвал).

Шундай қилиб, Чирчиқ дарёси агломерация вужудга келишининг бош асосидир. Дарё ва унга параллел ўтган асосий транспорт йўллари, шунингдек,

Тошкент шаҳридан атрофга таралган йўллар агломерацияни шу йўналишларда ривожланишини таъминлайди.

14-жадвал

Тошкент шаҳри ва агломерациясининг минтақа ва республикада тутган ўрни

Регион	1989 й.				2018 й.			
	Майдони минг км ²	Аҳолиси минг киши	Аҳоли зичлиги	Урбанизация даражаси	Майдони минг км ²	Аҳолиси минг киши	Аҳоли зичлиги	Урбанизация даражаси
Тошкент шаҳри	0,256	2107,8	8233,5	100,0	0,335	2509,9	7492,2	100,0
Тошкент агломерацияси	6,4	3500,3	546,9	75,6	6,4	3600	580,1	74,1
Тошкент иқтисодий райони	15,9	4203,7	269,4	71,7	15,9	5326,1	334,9	72,8
ЎзР	448,9	19780,0	44,2	40,5	448,9	32656,7	72,7	50,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Агломерация таркибидаги йўлдош шаҳар ва қишлоқлар жойлашувининг таҳлиллари келгусида уларни тўғри ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш имконини беради.

“Кундузги” шаҳарда атрофдан шаҳар ичига қатновчи аҳолининг кундалик ҳаёт фаолияти шаклланади. Шаҳар ҳиссасига агломерацияда яшовчи жами аҳолининг 57,4 фоизи, шаҳар аҳолисининг эса 80 фоиздан ортиғи тўғри келади. Шаҳарнинг Юнусобод, Чилонзор, Шайхонтохур, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманлари аҳоли сони кўплиги билан алоҳида ажралиб туради ва шаҳарнинг 60 фоиздан ортиқ аҳолиси улар ҳиссасига тўғри келади.

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида агломерацияда аҳолининг бандлик таркиби ва меҳнат бозоридаги

узоқ давом этган жараёнлар ўзгарди – кўплаб аҳолини ўзида жалб этиб турган йирик ишлаб чиқариш йўқолди, номоддий соҳаларда бандлар сони ортди, янги тармоқлар молия - банк, хизмат кўрсатиш, телекоммуникация, савдо, кадрлар тайёрлаш, ахборот технологияси каби тармоқлар вужудга келди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳолининг 50 фоиздан ортиғи банд, янги яратилаётган иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, қолган қисми эса янги объектларни ишга тушириш, кенгайтириш, уй меҳнатини ташкил этиш, йирик саноат корхоналари орқали касаначиликни ривожлантириш ҳиссасига тўғри келади.

Агар мустақилликкача бўлган даврда агломерацияда аҳолини марказга тортувчи асосий куч йирик саноат бўлган бўлса, ҳозирги кунда унинг хусусиятлари ўзгарди ва уни номоддий соҳалар ташкил этмоқда. Бу соҳалар бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини агломерация доирасида биргаликда ҳал этишда кўл келмоқда ва аҳолининг ҳафталик ҳаёт цикли қарор топмоқда. Вилоятда марказий шаҳарга қатновчи жами аҳолининг 80 фоизи (25 мингга яқин) агломерация доирасига тўғри келади. Йил давомида пассажирлар оқими атрофдан марказга томон йўналса, ёзги мавсумда, аксинча, рекреация масканлари томон йўналади.

Айрим йўлдош шаҳарларда (Янгийўл, Паркент, Тўйтепа, Ўртасарой, Чиноз) муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, респондентларнинг 35 фоизи Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидаги бошқа аҳоли манзилгоҳларига тебранма миграция алоқаларини амалга оширадилар. Қатновчиларнинг 53,6 фоизи эркаклардан иборат. Мигрантларнинг ёш таркибида 16 - 29 ва 40 - 49 ёшдагилар салмоғи кўпчилиқни ташкил этади. Шаҳар атрофи қатновчиларининг кўпчилиғи, яъни 55,4 фоизи ўрта маълумотли, 26,3 фоизи ўрта махсус ва 18,5 фоизи олий маълумотлилар.

Сўров анкетасида берилган “Сиз кўпроқ қайси аҳоли манзилгоҳига қатнайсиз?” деган саволга уларнинг 65,8 фоизи Тошкент шаҳрини кўрсатишган. Шаҳар атрофида яшовчи мигрантларнинг 47,4 фоизи меҳнат қилиш, 31,7 фоизи ўқиш, 14,4 фоизи маданий-маиший ва қолган қисми даволаниш, рекреация, қариндош-уруғчилик муносабатларига тегишли алоқаларни

амалга оширадилар. Қатновчиларнинг асосий қисми жамоат транспортидан, жумладан 34,7 фоизи автобус, 30,6 фоизи маршрут таксиларидан, 11,8 фоизи электрлаштирилган темир йўл поездларидан, қолган 20,3 фоизи шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишини маълум қилган. Қатнаш учун мигрантларнинг деярли ярми 0,5 соатдан 1 соатгача вақт сарф қилишини билдирган. Муаллиф томонидан амалга оширилган ушбу социологик сўровда яна шу маълум бўлдики, мигрантларнинг 60 фоиздан ортиғи йил давомида қатнар экан. Қолган қисми эса ойлик, эпизодик характерга эга бўлган алоқаларга тўғри келади. Сўров натижаларига кўра, Тошкент шаҳридан узоқлашган сари меҳнат ва билим олиш алоқалари камайиб, маданий-маиший ва бошқа алоқалар ортиб боради. Электрлаштирилган темир йўлнинг мавжудлиги шу йўналишда аҳолининг узоқ масофалардан ҳам бемалол марказга қатнашини таъминлайди.

Йўловчиларнинг асосий муаммолари тигиз вақтда транспорт воситаларининг етишмаслиги (айниқса қишки мавсумда), вақт ва маблағнинг кўп сарф бўлиши ва ишга лаёқатининг сусайишидир. Асосий магистрал бўйларида яшовчи мигрантлар транспорт воситаларининг қатнови яхши йўлга қўйилганини, ичкарига тармоқланиб кетган йўллардан қатновчи аҳолининг эса йўлларнинг таъмирталаб эканлиги, айрим кичик шаҳар ва қишлоқларда ҳатто автобус қатнови йўқ бўлиб, қиммат шахсий ва маршрут таксиларидан фойдаланишлари каби муаммоларни маълум қилишган.

Шундай қилиб, пойтахт агломерациясида сўнгги йилларда аҳоли табиий кўпайишининг пасайиши, аҳолининг кейинги йилларда иш топиш мақсадида четга эмиграцияси, айти вақтда нолегал ҳолатда республиканинг бошқа вилоятларидан бу ерга иш топиш ёки тадбиркорлик қилиш мақсадида кўчиб келиши каби жараёнлар рўй бермоқда. Аҳолининг кўпайиши, шаҳар ичида шовқин-сурон, экологик вазиятнинг кескинлашуви, уй-жой нархларининг юқорилиги шаҳар назоратини кучайтиришни талаб этмоқда ва шаҳар аҳолисини атрофдаги нисбатан арзон ва очик табиатдаги ҳовли-уйларга жалб этмоқда. Натижада аҳолининг “субурбанизацияси”си кузатилиб, ўзига хос “элитар” кўча ва районлар вужудга келмоқда.

Тошкент агломерацияси республикада шаклланган шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими бўлиб, унинг доирасида салкам 4 млн. аҳоли яшайди. У республика иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-маданий ҳаётида етакчи ўрин эгаллайди. Унинг зиммасидаги ниҳоятда “катта юки” тўхтовсиз ривожланиб боришини тақозо этади. Аммо чекланган сув ресурслари ва ҳудуд, кескин экологик-нозогеографик муҳит бунга ожизлик қилади ва уни доимий назоратда тутишни талаб этади. Шу боис, Тошкент ва унинг атрофини алоҳида ҳудудий ижтимоий - иқтисодий тизим сифатида қараш ва оқилona бошқариб бориш мавжуд муаммоларни илмий асосда ҳал этишга ёрдам беради.

3.2. Тошкент агломерацияси ривожланишининг асосий муаммолари ва уларни ҳал этиш механизмлари

Шаҳар агломерациялари мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди ва қатор вазифаларни бажаради. Уларни тўғри ҳудудий ташкил этиш ҳамда бошқариш катта иқтисодий ва ижтимоий самара беради. Аммо, бундай шаҳар тизимларининг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос муаммолар мавжуд бўлади ва уларни ўз вақтида тўғри ва оқилona ҳал этиб, тартибга солиб бориш талаб этилади. Пойтахт агломерацияси ҳудудий мужассамлашув ўта юқори бўлган социал иқтисодий ва экологик муҳит ҳисобланади. Шу сабабли, бундай нисбатан кичик ҳудудда қатор муаммолар кескин кўзга ташланади. Улар узок даврлардан буён унинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келаётган доимий муаммолар (ҳудуднинг чекланганлиги, сув ресурсларининг танқислиги), бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юзага келган янги муаммолар (аҳоли эмиграцияси, йирик саноатнинг йўқолиши, нарх-навонинг кўтарилиши, инфляция, янги шароитларга мослашув ва б.), айнан пойтахт агломерацияси учун хос бўлган хусусий муаммолар билан бирга республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатилаётган умумий муаммолардан иборат. Улар қуйидагилар:

Ер-сув муаммолари. Шаҳар агломерацияларининг асосий қисми рельеф - иқлим жиҳатдан қулай бўлган ерларда - дарёларнинг водийлари, воҳалар, тоғ олди текисликларида пайдо бўлган. Бундай табиий - иқлимий шароит бир томондан аҳоли

манзилгоҳларининг тўп бўлиб жойлашувини таъминласа, иккинчи томондан уларнинг атрофга қараб кенгайишига тўсқинлик қилади. Тошкент агломерациясининг шарқий қисмларини Қоржантаў, Угом, Пском тизмалари ўраб тургани орографик тўсиқ бўлиб, уларнинг шу томонга ривожланишига имкон бермайди. Бундай сейсмик минтақада жойлашгани шаҳарсозлик муаммоларини ҳам келтириб чиқаради, айтилиши вақтда рекреацион жиҳатдан ҳам мос келмайди. Республиканинг айрим шаҳар агломерацияларида (Бухоро, Навоий, Қарши) чўл ландшафти уларнинг ҳудудий ривожланишига тўсқинлик қилса, яна айримларининг тор дарё водийларида (Ангрен-Олмалик) жойлашиб, кенгайишга имкони йўқ. Тошкент агломерациясининг шимолий қисмидан давлат сиёсий чегараларининг ўтиши, унинг бу томонга ҳам кенгайишига йўл бермайди, бундай ҳолатлар Андижон, Нукус, Урганч агломерациялари учун ҳам ноқулайликлар яратади.

Шаҳар агломерациялари асосий қисмининг дарё бўйларида жойлашганлиги баъзи ҳолларда шаҳар қурилиши нуқтаи назаридан салбий ҳолатларни намоён этади. Чунинчи, Тошкент шаҳри Чирчиқ дарёсининг, Самарқанд шаҳри Зарафшон дарёсининг, Қарши эса Қашқадарёнинг этакларига бориб тақалган. Бу гидрографик тўсиқлар кўп ҳолларда шаҳарни дарёнинг нариги соҳилига ўтишига қийинчилик туғдиради. Поляк олимлари Б.Малиш ва Е.Козловский шаҳарлар ривожланишида ўз йўлларидаги тўсиқларни енгиб ўтгач шу томонга жадал ривожланиш ғояларини илгари суришган [74]. Тошкент шаҳри, маълумки, тарих давомида дарё ва ариқлар томонга интилиб борган. Кейинги даврларда Чирчиқ дарёси унга тўсиқ бўлиб келди. Бектемирда мотор заводининг қурилиши шаҳарнинг Чирчиқ дарёсидан ошиб ўтишига ундади ва у ўзининг кейинги ривожланиши учун йўл очди. 1997 йилда Бектемир шаҳарчаси (Нариманов) унинг таркибига кирди ва Ўртачирчиқ туманининг дарё бўйларидаги қисми ҳам қўшиб олинди. Ҳозирги кунда Сергели ва Бектемир туманларида қурилиш ишлари жадал бормокда. Аммо дарё бўйларини ўзлаштириш катта сарф-харажатларни талаб этади.

Шаҳар агломерацияларининг ҳудудий кенгайиши шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалик ерларига суқилиб киришига олиб

келади. Тошкент шаҳрининг кенгайиши қўшни Зангиота, Тошкент, Қибрай, сўнгги йилларда жануб томонга ривожланиши Ўртачирчиқ туманидаги қишлоқ хўжалик ерларининг қисқаришига олиб келмоқда. Кейинги йилларда Зангиота ва Қибрай туманлари ҳудудининг бир қисми шаҳар доирасига қўшилди. Шундай ҳолатларни республикамизнинг бошқа тизимларида ҳам кузатиш мумкин. Айниқса, аҳолининг кўп тўпланганлиги, сувнинг ифлосланганлиги, тежамсизлик билан сарфланиши ичимлик суви танқислигига сабаб бўлмоқда. Келгусида Марказий Осиё минтақасида сув танқислиги муаммосининг кескинлашуви агломерацияга ҳам ўз таъсини ўтказмай қолмайди, албатта. Бу жараёнларнинг бориши келгусида йирик шаҳарни озиқ-овқат, сув ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини кескинлаштиради.

Иқтисодий муаммолар. Шаҳар агломерациялари миллий ва минтақавий иқтисодиётни ҳудудий ташкил этишда муҳим функцияларни бажаради. Улар ўз тараққиёти давомида давр талабига қараб бундай вазифаларни такомиллаштириб, ўзгартириб боради. Бу аввало мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, 1970-80-йилларда агломерациялашув жараёни саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда нисбатан тез ривожланди. 1990 - йилларга келиб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сабабли шаҳарларнинг саноат салоҳияти пасая борди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми энг саноатлашган шаҳарларда ҳам камайди ва уларнинг айримлари (Ангрен, Оҳангарон, Янгиобод, Қизилтоғ) ҳатто депрессив ҳолатга тушиб қолди. Саноат тармоқларини модернизация қилиш ва таркибини диверсификация қилиш ишларидан сўнг ҳозирги вақтга келиб йирик шаҳарлардан саноат ишлаб чиқариш ҳажми Олмалиқ, Тошкент, Навоий, Фарғона каби саноат шаҳарларида нисбатан юқори кўрсаткичларга эришилди. Бироқ шу билан бир қаторда Урганч, Марғилон, Қўқон, Наманган каби шаҳарларда у паст даражада. Уларга киритилган инвестиция ҳажми ҳам камлиги билан характерланади ва бу ҳолат уларда иқтисодий муаммоларни сақланиб қолишига сабаб бўлади. Йирик шаҳарларда саноат салоҳиятининг пастлиги атрофдаги аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини ўзига тортувчи кучининг заифлигини

билдиради. Тошкент шаҳри асосий капиталга киритилган инвестициянинг энг юқори кўрсаткичларига эгаллиги билан ажралиб туради ва саноатдаги улуши ортиб бормоқда. Аммо саноатни модернизация қилиш, конвертация ишлари, ҳам ашё етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар анчагина. Қатор корхоналар (“МедГласс”, “Ал-Ким текстиль”, “Фарм-Гласс” ва б.) газ, электроэнергия, сув бўйича тўловлардан қарз, асфальт заводи, “Tigma”МЧЖ, “Тошшаҳарнур” да техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосий муаммолар ҳисобланади. “Лукойл оперейтинг” ҚҚда газга талабнинг камайганлиги, “Венус фуд”, “Мурувват текс”, “Фарм-Гласс”, “Тошкент ёғ-мой комбинати”, “Кока-Кола ичимлиги”, “Уз-Гинненг”, “Новофарм”, каби корхоналарда молиявий муаммолар, “Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати” ОАЖ, “Агромир Ғазалкент”, Юқоричирчиқ туманидаги “Ўзбекистон пахта тозалаш заводи” да ҳам ашё етишмаслиги, ёки “ТошкентТибтехника”, “Spenteks Тўйтепа текстил” ҚҚ корхонасида буюртма йўқлиги сабабли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми камайган. ТТЗ, “Узпахтамаш”, “Вимм-Билл-Дан Тошкент”, “Универсал Фарм”да кейинги йилларда ўсиш сезилмай қолган.

Агломерация республикада юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлсада йўлдош шаҳарлар билан ўзаро кооперация суст ривожланган ва ишлаб чиқариш алоқалари деярли йўқ. Бундай боғланишлар асосан аҳоли алоқалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш орқалигина амалга ошмоқда. Йўлдош шаҳарларнинг саноат салоҳияти жуда паст. Чирчиқ, Янгийўлни ҳисобга олмаганда Оққўрғон, Дўстобод, Эшонгузар каби кичик шаҳарлар туман марказлари ҳисобланади, ёки уларда шаҳарга хизмат қилувчи корхоналаргина жойлашган. Атрофдаги қишлоқ хўжалиги Тошкентга хизмат қилади, шаҳарлари эса кўпроқ қишлоқ жойларга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда йўлдош шаҳарларда таркиб топаётган саноат корхоналарини филиал ва бўлимларининг аксарияти турли сабабларга кўра ёпилиб кетмоқда ёки барқарор ишламаётир. Уларга мисол қилиб, “Медиз”, “Arge fahhion”, “Фараз ЛТД” ва кўплаб бошқаларни мисол қилиш мумкин. Маълумки, агломерациялар таркибидаги йўлдош шаҳарлар турли

функцияларга ихтисослашганда турли марказлар ўртасида интенсив алоқалар, ҳудудий интеграция жараёни ривожланади. Бироқ, Тошкент агломерациясидаги йўлдош шаҳар ва қишлоқларнинг асосий қисми азалдан бирор соҳага чуқур ихтисослашмаган. Уларнинг иқтисодий асосини ташкил этувчи функциялар ва тармоқлар ривожланиши сустлашди (илм-фан, рекреация, қайта ишловчи саноат). Шу боис, инқироз агломерациядаги монофункционал шаҳарларга катта таъсир этди. Улуғбек, Чорбоғ, Ғазалкент Чиғирик, Қизилтоғ каби шаҳарлар ҳам 90-йиллардаги ўзгаришлар таъсирида турғунлашиб қолди. Шу каби Андижон, Наманган агломерациясидаги йўлдош шаҳарларнинг 90% и енгил саноатга ихтисослашган. Бухоро агломерациясида Қоровулбозорни ҳисобга олмаганда, қолганлари енгил ва озиқ-овқат саноати йўналишидан ривожланмоқда. Ваҳоланки, йўлдош шаҳарларнинг катта бир имконияти йирик шаҳар ёнида, унинг таъсирида ривожланиш имкониятларининг борлигидир. Шу боис, уларни маълум бир ихтисослик бўйича ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Демографик ва социал муаммолар. Кейинги 80 йил ичида шаҳар аҳоли сони 8 марта ортди. Гарчи сўнгги йилларда шаҳар ва агломерацияда аҳоли сони турғунлашиб борган бўлсада, у катта демографик салоҳиятга эга. Аҳоли зичлиги шаҳар ичида 7 минг кишидан ортиқ, бевосита атрофларида 600-700 кишини ташкил этади. Агломерация аҳолиси асосан қишлоқ туманлари аҳолиси ҳисобига ўсмоқда. Мустақиллик йилларида аҳолининг четга чиқиб кетиши билан бир қаторда бу ерга кўчиб келувчилар ҳам кўп ва шаҳар атрофларида зичликнинг янада ортиб боришига ва келгусида шаҳарнинг атрофга кенгайиб кетишига олиб келади. Иммигрантлар асосан пойтахтда ишлаш ва ўқиш мақсадида шаҳарга рўйхатга қўйиш чеклангани боис, унинг атрофига кўчиб келиши натижасида демографик босим янада ортиб бормоқда. Шаҳарнинг демографик сифими сув ресурслари бўйича 2 млн, ҳудуд бўйича 4 млн, рекреация ресурслари бўйича 2.5 млн, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича 1.5 млн кишини ташкил этади. Шу боис, бу ерда аҳоли миграциясини тартибга солиш, аҳолини уй-жой ва иш билан таъминлаш каби муаммолар ортиб бормоқда. Пойтахт ичида уй-жой қурилиши учун бўш ер деярли қолмаган. Натижада, қўшни туман ерларининг бир қисми ушбу

муаммоларни ҳал этиш учун қўшиб олинмоқда. Аммо бу шаҳарнинг экстенсив ҳолда кенгайиб кетишига ва ўз навбатида аҳоли ўртасида транспорт қатнови, вақт, сарф-харажатлар ва бошқа социал муаммоларни кўпайишига, шаҳарнинг марказдан узоқлашиб кетишига сабаб бўлади. Маълумки, аҳоли шароити қулай бўлган жойда яшашга интилади. Аммо бундай уйларнинг нархлари баланд (уч хонали уй нархлари Госпитал, Буюк Ипак йўли, Дархон массивларида 40- 45 минг АҚШ доллариға тенг). Кўп қаватли биноларнинг айримларида лифтларнинг ишламаслиги, электроэнергиянинг мунтазам ўчиши, чиқинди ва ахлатларнинг олиб кетилмаслиги сурункали тус олган. Тошкент шаҳрида 1 кишига тўғри келувчи уй-жой 18 м² ни, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларида 14-15 м² ни ташкил этади, айрим хонадонларда 3-4 оила яшайди. Чилонзор, Юнусобод, Сирғали, Қорасув, Қорақамиш ҳудудларида алоҳида уй-жойга ихтисослашган ҳудудлар жойлашган ва бу ерда саноат корхоналари, транспорт тизими, хизмат кўрсатиш муассасаларини тўғри ҳудудий ташкил этиш ўзига хос “район планировкасини” талаб этади. Шаҳар ичида бўш ер йўқлиги ёки жуда қимматлиги уй-жой массивларини шаҳар четига қурилишига сабаб бўлмоқда, Навоий, Фурқат, Зулқарнайн кўчалари шулар жумласидандир.

Шаҳар агломерациялари ривожланишининг доимий ва энг долзарб бўлган муаммоларидан бири уларда меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлашдир. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун ҳозирги кунга келиб кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни киритиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва бунинг учун ёшларни малака оширишга жалб этиш амалга оширилмоқда. Бозор шароитларига мос келувчи меҳнатнинг янги турлари шаклланимоқда, жумладан, Тошкентда тадбиркорликнинг энг кенг тарқалган тури савдо бизнеси (бозорлар) билан кўп аҳоли шуғулланимоқда. Шаҳар ва уларнинг атрофларида турли касб-ҳунарларга оид ўқув курслари, хусусий клиникалар, ўқув-тайёрлов марказлари, ахборот ва илмий-техника муассасалари (интернет - кафелар), уйга хизмат олиш – касаначилик каби соҳалар ва хизматларда фаолият олиб бормоқда. Аҳолини иш

билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шаҳар ва туман марказларида меҳнат биржалари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Лекин аҳолининг асосий қисми улар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас ёки белгиланган ойлик маош камлиги туфайли уларга мурожаат этилмайди. Натижада меҳнат ресурсларининг катта қисми чет эл (Россия, Туркия, Корея Республикаси, Қозоғистон ва бошқа давлатларга) чиқиб кетмоқда.

Жиноятчиликнинг ортиб бориши муаммолари. Шаҳар ва шаҳар агломерацияларида аҳоли жойлашувининг ўта зичлиги, улар ўртасида ўзгача муносабатларнинг шаклланиши, аҳоли миллий таркибининг хилма - хиллиги, ёшлар салмоғининг юқорилиги, социал муаммолар - ишсизлик, ижтимоий қийинчиликлар, транспорт воситаларининг кўплиги бу ерларда жиноятчиликнинг қишлоқ жойларга нисбатан юқори бўлишига сабаб бўлади ва алоҳида геокриминоген вазиятни шакллантиради. Тошкент шаҳри ва вилояти жиноятчиликнинг содир этилиши бўйича республикада энг юқори кўрсаткичларга эга. Ҳар 10000 аҳолига тўғри келувчи жиноий фаолият бу ерда ўртача республиканикидан 3 баробар юқори, республикада содир этилаётган жиноятларнинг ҳар тўрттадан биттаси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Шаҳар ва уларнинг атрофларида бозорлар, қабристонлар, темир йўлларнинг бўйлари, хилват жойлар – парк, кўп қаватли биноларнинг ертўлалари, шаҳарларнинг марказдан чекка қисмлари, шунингдек, аҳоли гавжум жойлар: кафе - бар, ресторан, меҳмонхоналар жиноятчилик содир бўлувчи асосий ўчоқлардир. Бу ҳақдаги маълумотлар А. Қаюмовнинг номзодлик диссертациясида батафсил ёритилган бўлиб, унга кўра кўпроқ аҳоли миллий таркибининг хилма-хиллиги, миграция интенсивлиги, урбанизациянинг ривожланиши, баъзи ижтимоий қийинчиликлар, шаҳар жойларда урф - одат, кадриятларга эътиқоднинг сусайиб кетиши таъсир этади²⁴. Шаҳарда айниқса жиноятнинг кўп тарқалган турлари - босқинчилик, талончилик, “шаҳар жинояти” деб аталмиш шахсий мулкка кўз олайтириш, шунингдек, гиёҳвандлик ҳисобланади, порахўрликнинг 18 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

²⁴ Қаюмов А. А. Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ижтимоий географик жиҳатлари. Номзодлик дисс.автореферати. Т., 2006, 16 – бет.

Экологик-нозогеографик муаммолар. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотлари таҳлиллари шуни кўрсатадики, атмосфера ҳавосининг чиқиндилар туфайли ифлосланиши сўнгги йилларда йирик саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек мониторинг тадбирларини амалга оширилиши натижасида республика бўйича 2.1 марта камайган. Масалан, 1989-йилда стационар манбалардан чиқарилган ифлос моддалар 1.3 млн. тонна бўлган бўлса, 2018-йилда 0.6 млн. тоннани ташкил этган. Ҳаракатланувчи манбалардан чиқувчи газлар эса 3-5 фоизга камайган. Бироқ, Олмалик, Фарғона, Тошкент, Навоий, Чирчиқ, Бекобод каби шаҳарларда энергетика, металлургия, газ, кимё саноатининг ривожланиши билан улар мамлакатдаги энг ифлос шаҳарлар ҳисобланиб, ифлосланиш даражаси (4.3-5.1 СТЧК) га тенг. Ҳавони ифлослантирувчи энг асосий моддалар-углерод оксиди, олтингугурт диоксиди, азот оксидлари, қаттиқ моддалар, чанг, аммиак, озон, фенол ва бошқалардир. Уларни тарқатувчи манбалар саноат корхоналари, айниқса ИЭС, қозонхоналар, кимё, металлургия, қурилиш материаллари, дон тегирмонлари, газ - нефть саноати ва транспорт воситаларидан иборат.

Тошкент агломерациясида ўзига хос мураккаб экологик вазият шаклланиб, бу ерда икки асосий ифлословчи марказ-Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларини ажратиш мумкин. Тошкентда 2330 дан ортиқ, Чирчиқда 700, Янгийўлда 500 дан ортиқ турли катта-кичик саноат корхоналари жойлашган. Тошкент шаҳрида атмосферанинг ифлосланиш индекси 4.3, Чирчиқда 4.2 СТЧК ни ташкил этади. Ҳар йили саноат корхоналари ва транспортдан 333,2 минг т (республиканинг 13 фоизи) ифлос моддалар чиқарилади. Шаҳар ҳавосини ифлослантиришда транспортнинг улуши 97 фоизни ташкил этади, саноат корхоналаридан йилига 50 минг тоннадан ортиқ чиқинди чиқарилади. Чирчиқ шаҳри устида ҳосил бўлган ифлос ҳаво тоғ-водий шамоли орқали водий бўйлаб Тошкентга келади ва уни янада (10-15 %) кучайтиради.

Турли кимёвий моддалар билан ифлосланган Чирчиқ дарёси 4 млн. кишилик агломерация аҳолисини ва қишлоқ хўжалик ерларини сув билан таъминлайди. Чирчиқ дарёси, Қорасув, Салар каналларининг суви республикада энг ифлосланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агломерациянинг сув ресурслари асосан

Чирчиқ, Тошкент, Янгийўл шаҳарларининг саноат корхоналари, уй-жой, коммунал хўжалик, даволаш муассасалари томонидан ифлосланади. Ер ости сувлари аҳолининг ичимлик суви манбаи ҳисобланади (30 %). Унинг катта заҳиралари айнан аҳоли зич бўлган Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Наманган вилоятларида қайд этилади. Энг кам бўлган минтақалар эса Қуйи Амударё, Бухоро, Мирзачўл ҳудудларидир. Шунга қарамай бу сув заҳираларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш давом этмоқда. Уларнинг асосий қисми турли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган кимёвий препаратлар, минерал ўғитлар билан ифлосланиши, суғориш ишлари, саноатда нефть маҳсулотлари, фенол, оғир металллар билан ифлосланиши натижасида минераллашиш даражасининг ортиши рўй бермоқда. Унга қарши турли олиб борилаётган тадбирлар натижасида кейинги йилларда ер ости сувларининг ифлосланиш даражаси камайиб боришига қарамай ҳамон ачинарли аҳволда. Агломерацияда чиқиндини қайта ишловчи корхоналар мавжуд, аммо улар жуда кам, чиқиндиларни кўмиш учун полигонлар етишмайди. Қизилтоғ ва Чиғирик шаҳарчаларининг экологик ҳолати ёмон аҳволда. Агломерациянинг асосий дарёси Чирчиқ Тошкентдан чиқишда аммоний ионлари билан 1.8, нитрит билан 4, нефть маҳсулотлари билан 5.4, мис билан 7.1, рух билан 1.8 СТЧК ифлосланган. Мамлакат миқёсида сувларга ташланадиган чиқиндиларнинг 80 фоизини Тошкент, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилояти шаҳарларидаги саноат корхоналари беради.

Ўзига хос кескин экологик вазиятнинг шаклланиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шаҳар агломерацияларида шаклланган муҳит-аҳолининг зич жойлашуви, кескин экологик вазият натижасида ўзига хос нозогеографик вазият вужудга келган. Аҳоли ўртасида касалланиш ҳар минг киши ҳисобига Тошкентда 766 кишини ташкил этиб, Навоий вилоятидан сўнг республикада иккинчи ўринни эгаллайди. Ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичлари ҳам айнан шу агломерацияда бўлиб, 7-8 промилледан ортиқ. Албатта, бу ерда йирик шаҳарларнинг экологик вазияти билан бир қаторда уларнинг демографик ҳолати, аҳолининг ёшлар таркиби, бахтсиз ҳодисалар, жиноятчилик ҳам таъсир этади.

Шаҳарсозлик муаммолари. Агломерация кулай географик ўринда, аммо сейсмик жиҳатдан юқори бўлган минтақада жойлашган ва бу шаҳарсозлик масалаларида қийинчилик туғдиради. Шаҳарнинг ҳудудий кенгайиб бориши, унда қурилиш ишларининг давом этиши ўзига хос район планировкасини талаб этади. Шаҳар ва шаҳар агломерациялари ўз-ўзини объектив ҳолда бошқариш хусусиятига эга. Лекин, уларни тартибсиз ҳолда ҳар томонга ривожланиб кетишини олдини олиб назорат қилиб турилмаса, муаммолар кескинлашиб, уларни ҳал этиш кеч бўлади. Бундай муаммоларни ҳал этиш билан махсус шаҳарсозлик ташкилотлари илмий тадқиқотлар ва лойиҳалаш ишларини олиб боради. Бироқ, шаҳарлар учун муайян муддатга мўлжалланган ягона Бошплан фаолият юритмаяпти. Исталган ҳудудларда бизнесменлар туман ва вилоят ҳокимияти билан келишган ҳолда турли объектларни жойлаштирмоқда. Шаҳар ичи ва атрофларида объектларни жойлаштириш ишларида тегишли мутахассислар иштирок этмаяпти. Илгари фаолият кўрсатган йирик корхоналарнинг катта ҳудудлари бир неча йиллардан буён фойдаланилмасдан бўш ётибди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шаҳар ҳамда унинг атрофларидаги ниҳоятда тор, аммо қимматли ҳудудлардан унумли фойдаланиш, шаҳар қурилиши ишларида Давлат шаҳарсозлик кадастри талабларига риоя қилиш, иқтисодий фойда олиш билан бир қаторда аҳолига ижтимоий енгиллик яратиш, экологик жиҳатларни ҳисобга олиш кўнгилли даражада эмас.

Бозор шароитида шаҳарлар тўри ва тизимини янги талаблар асосида тўғри ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси шаҳарлар кодекси қабул қилиниб, 2006 йилда унга айрим ўзгартиришлар киритилди. 2005 йил 14 июлда “Ўзбекистон аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2005 йил 30 августда “Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” қарорлар қабул қилинди. Уларга кўра айрим аҳоли манзилгоҳларининг номлари ўзгартирилди, 2010 йилгача барча шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилди. ЎзР Президентининг 2018 йил 2

февралда “2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3502 сон Қарори, 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5623—сон Фармонида республикада урбанизация ва шаҳарлар ривожланишини жадаллаштириш, тартибга солиш ва бошқариш борасида қатор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

2009 йил Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиб, пойтахтда аҳоли яшаши учун енгилликлар яратиш, қулай социал муҳитни шакллантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жаҳонда Тошкент шаҳрининг пойтахт сифатида роли ва мавқеини янада юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, А.Қодирий, А.Темур, Паркент кўчалари кесишган чорраҳалар, Кичик халқа йўлдан Саракўл кесимидаги кўприк таъмирланди. “Пахтакор” Марказий стадиони реконструкция қилинди, Ёшлар ижодиёт маркази, Тошкент Ислом университетининг янги биноси, Қатағон қурбонларини ёд этиш музейи, Анжуманлар саройи, “Ашхобод боғи”, Тошкент метросининг янги йўналишлари, “Тошкент сити” каби кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Келгусида Тошкент шаҳрида ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, жаҳон талаби даражасидаги “мегаполис” сифатида ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар иқтисодиётидаги қатор ўзгаришлар—иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, самарали товар бозорининг ташкил этилиши давом этмоқда. Республика ЯИМ нинг 17 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 15, инвестицияларнинг 20, савдо айланмасининг 27, хизматларнинг 30, ташқи савдонинг қарийб 37 фоизи пойтахт ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мазкур ҳудудда фанталаб, илмий-техник тараққиётни таъминловчи, илғор технологияга асосланган янги соҳаларнинг вужудга келишига ёки эскиларини янги замон талабига мослаштириш, диверсификация қилиш ва маҳаллийлаштириш амалга оширилмоқда, ишламаётган қувватлар ва янги корхоналар

ишга туширилди. Айниқса, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати каби аҳоли истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси”, “Ўзкабель”, “Файз-холдинг”, “Артел”, “Ройсон электроникс”, “Фарм-гласс”, “Алютекс”, “Байтекс-тижорат”, “БФ текстайл продакшн” каби кўплаб янги турдаги қувватлар ишга тушди. Бу эса унинг келгусида саноат тармоқлари таркибида эса замонавий илмий-техника тараққиётига асосланган, аҳолининг юқори даражадаги талаб ва эҳтиёжларига мос келувчи халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи электроника, аниқ машинасозлик, электротехника, приборсозлик, енгил ва озиқ-овқат, полиграфия, қурилиш, мебелсозлик каби тармоқларнинг роли ортиб боришини таъминлайди ва ўзига хос *иқтисодий макон* яратилишига асос бўлади. Шаҳарда эски технология асосида ишлаётган, замон талабларига мос келмайдиган корхоналарни (ТТЗ, Чкалов номидаги авиация бирлашмаси, Ўзбекқишлоқмаш, “Подъёмник” заводи ва б.) модернизация қилиш ва тармоқлар таркибини диверсификациялаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент агломерацияси, хусусан Тошкент шаҳрида инвестицион жараёнларнинг фаоллашиб бориши ўзига хос *инвестиция муҳитининг* вужудга келишига замин яратмоқда. Республикада жами киритилган инвестицияларнинг 20 фоизи пойтахт ҳиссасига тўғри келади.

Халқаро миқёсда Тошкент шаҳрининг нуфузи ортиб бормоқда. БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа 20 га яқин ташкилот ҳамда давлат ваколатхоналари, 42 та мамлакат элчихоналари, Бош консуллик, 9 та фахрий консуллик идоралари ташкил этилди. Бу имкониятлар унинг келгусида давлат сиёсий-ижтимоий вазифаларини бажарувчи *соф пойтахтлик муҳитининг* вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Шаҳарнинг бундай улкан вазифаларни амалга ошириши чекланган ҳудуд, сув, кескин экологик-шаҳарсозлик ва демографик шароитда амалга ошади. Шу боис, у шаҳар ва агломерацияда такомиллаштириш ишларини амалга оширишни талаб этади.

Тошкент шаҳрининг истиқбол ривожланиши юқорида зикр этилган, агломерациялар ривожланишининг юқори босқичида

турувчи функциялар билан боғлиқ бўлади. Улар таркиби эса шаҳарнинг республика миллий иқтисодиёти ва шаҳарлар иерархик қаторида тутган ўрнига, ИГЎ га, шаҳар ва унинг атрофларининг ҳудудий, демографик ва экологик сифимига, аҳоли ва шаҳар талабларига, давр хусусиятларига мос келиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, агломерацияни такомиллаштириш ва уни амалга оширишнинг қуйидаги устувор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Бунда шаҳар микёсида:

1. Шаҳарнинг ҳудуд, сув, рекреация ресурслари, экологик-нозогеографик ва геокриминоген вазияти таҳлилларидан келиб чиқиб, саноатнинг эски, замон талабига мос келмайдиган, пойтахт учун хос ва зарур бўлмаган тармоқлар, экологик хавфли корхоналар фаолиятини чеклаш, четга олиб чиқиш ёки қисқартириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги корхоналар – “ТТЗ”, “Тошқишлоқмаш”ни келгусида Пскент шаҳрига, “Тошкентвино” комбинатини узумчиликка ихтисослашган шарқий сектордаги Янгибозорга, йирик беморхоналарни шаҳар четига, кимё заводини жануби-ғарбий секторга кўчириш, пахта титиш цехларини ёпиш, “Ташмаргёғ”, айрим нефть базалари (айниқса Қўйлик) фаолиятини назорат қилиш талаб этилади. Шаҳар доирасида янги саноат корхоналарини қурмаслик, мавжудларини тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, эскиларини модернизация қилиш, корхоналар банд этган бўш ётган ҳудудлардан унумли фойдаланиш, ихтисослашуви мос келмайдиган ҳудудларга кераксиз объектларни қурмаслик, шаҳар транспорти воситаларини экологик назорат қилиш, корхоналарга тозаловчи экологик инфратузилма қурилмаларини ўрнатиш, соғлом муҳит яратиш имконини беради.

2. Истиқболда шаҳарда соф пойтахтлик, ижтимоий, сиёсий, молиявий, маданий функцияларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунда юқори урбанизациялашган ҳудудлар учун хос бўлган хорижий тажрибалардан фойдаланиш, хусусан, юқори фан ва технологияга асосланган, юқори малакали мутахассисларни талаб этувчи, кенг истеъмол бозорини таъминловчи, бошқа ҳудудларнинг имконияти бўлмаган соҳа ва тармоқларни: бошқарув, банк-молия, илмий-тадқиқот, қурилиш,

маданий, саноатда- аниқ машинасозлик, электроника, ЭХМ, электротехника, автомобилсозлик, енгил, озик-овқат, мебелсозлик, полиграфия каби саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Пойтахт шаҳарни истиқболда ривожланиши ва функционал-худудий такомиллаштиришда социал, техник-иқтисодий, экологик хусусиятлари, салкам 3 миллионли аҳолининг талаблари, шаҳар билан бир қаторда шаҳар атрофлари имкониятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу сабабли Тошкент шаҳрини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишлари янада кенгроқ миқёсда, ўз атрофлари билан боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозим. Хусусан, йирик шаҳар ва йўлдош шаҳарларнинг функционал таркибини такомиллаштириш, функцияларни улар ўртасида тўғри тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Одатда агломерациянинг функцияларини бош шаҳар белгилаб беради ва улар ядро ҳамда йўлдош шаҳарлар ўртасида тақсимланади. Шаҳарга зарур, аммо агломерациянинг шаклланиш босқичида вужудга келган, эскириб қолган, шаҳарга зарур бироқ, унинг экологик ва демографик сиғими кўтара олмайдиган корхона, муассасалар ёки уларнинг филиал ва бўлимлари атрофга олиб чиқилади ёки ташкил этади. Бу эса ўз навбатида уларнинг истиқболда йўналишини белгилаб беради. Тошкент агломерациясида азалдан айрим йирик корхоналарнинг филиаллари яхши натижалар берган. Ҳозирги кунда Тошкент, Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларида Тошкент шаҳрига қарашли илмий тадқиқот институтлари, уларнинг базалари, омборлари, полигон, тажриба участкалари, ўқув юртларининг ишлаб чиқариш ва амалиёт базалари, саноат корхоналарининг филиаллари ўрин олган. Айниқса, сўнгги йилларда хорижий давлатлар ҳамкорлигидаги қатор корхоналарнинг филиаллари жойлашиб, яхши самара бермоқда. Масалан, Тошкентда очилган “АЛФИ текстил” енгил саноат корхонасининг филиали Янгийўл, Чиноз, Қўшқўрғонда жойлашиб, 150-200 тадан кишини иш билан банд этмоқда. Шунга ўхшаш кичик корхоналардан Зангиота туманида 20 дан ортиқ, Ўрта Чирчиқ туманида 10 дан ортиғи (асосан енгил саноат йўналишида) жойлашган.

Агломерациянинг истиқболда ривожланишини таъминловчи марказ ёки тармоқларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шу боис, агломерацияда йўналишлар, йўлдош шаҳарлар ва туман жамоа хўжаликлари ихтисослашуви бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида агломерация бир неча секторларга ажратилди. Шимолий – шарқий сектор- Чирчиқ йўналишини Тошкент шаҳрининг даволаниш, дам олиш (маркази Чорбоғ), илмий ёки инновация (маркази Улуғбек) функциясини давом эттирувчи сектор сифатида ривожлантириш лозим. Айни пайтда, мазкур сектор юқори даражада урбанизациялашган, саноатлашган (маркази Чирчиқ), юқори малакали кадрлар тўпланган, саноат малакасига эга бўлган русийзабон халқлар нисбатан кўпчилиكنи ташкил этувчи ва шу билан бир қаторда экологик шароити кескин бўлган ҳудуддир. Бу муаммони ҳал этиш учун мазкур секторнинг функционал таркибини ўзгартириш, саноатнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи турларини қисқартириш ёки чеклаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг замонавий турларини ривожлантириш, сектор ихтисослашувига мос келувчи касб-ҳунар коллежларини ва Олий ўқув юртининг муайян турдаги бўлимини жойлаштириш ҳисобига Чирчиқ шаҳрини “ўсиш маркази”га, ва шу ҳисобдан мазкур сектор аҳолисини марказга -Тошкентга интилишини сусайтирувчи “контрмагнит марказ” сифатида ривожлантириш имконияти бор. Шу билан бирга шаҳар иқтисодиётини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш таркибини диверсификация қилиш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради.

Шарқий сектор узумчилик, боғдорчилик, қисман сут-гўшт чорвачилиги ва рекреацияга ихтисослашиб, унинг маркази сифатида Паркент шаҳрини ривожлантириш, атрофида кичик ҳудудий тизимни шакллантиришга замин бўлади.

Жанубий сектор - кенг қишлоқ хўжалик ерларида сабзаёт-мева ва пахтачилик негизида ривожланиб, унинг асосида Тўйтепа шаҳри тез ривожланмоқда. Шаҳарда сўнгги йилларда “Қобул – Тўйтепа - ЛТД”, “Бурсел”, “Спентекс”, ”Тонг” каби енгил саноат кўшма корхоналари ташкил этилди. Аммо унинг тез ривожланиши ҳудудий жиҳатдан номаъқул бўлиб (жумладан, Келес шаҳри ҳам), Тошкент шаҳри ерлари билан қўшилиб кетишига ва шаҳарнинг ниҳоятда кенгайиб кетишига олиб келади. Шу боис, Ангрен-

Олмалиқ агломерацияси билан чегарада жойлашган Пскент шаҳрини унинг маркази сифатида ривожлантириш, унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ёки у билан боғлиқ (масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озиқ-овқат, енгил саноат) корхоналарни ривожлантириш имкониятлари катта.

Янгийўл шаҳрининг қулай транспорт йўллари бўйида жойлашгани, табиий ва миграция ҳисобига аҳоли сонининг ортиб бориши, шунингдек ўндан ортиқ йирик (“Янгийўл ёғ - мой” АЖ, “Янгийўл биокимё” АЖ, “Русси - СА” қўшма корхонаси ва б.), 500 дан зиёд ўрта ва кичик корхоналарнинг фаолият олиб бораётгани, ҳамда уларнинг маҳсулоти (асосан озиқ - овқат маҳсулоти) учун доимий талаб ва кенг истеъмол бозорининг мавжудлиги шаҳарни барқарор ривожланиши учун асос бўлади. Шунга кўра у агломерация ичидаги “ўсиш маркази” деб ҳисобланади.

2009 йил Тошкент вилоятида 101 та, агломерация таркибида 60 дан ортиқ қишлоқларга шаҳарча мақоми берилди. Уларнинг айримлари йирик шаҳарнинг баъзи функцияларини бажарувчи йирик қишлоқлар ҳисобланади. Лекин, аксарият қисми аҳоли турмуш тарзи, ижтимоий инфратузилма даражаси, инженерлик коммуникация тизими, шаҳар қурилиши жиҳатидан бошқа қишлоқлардан фарқ қилмайди ва уларнинг барчаси ҳам шаҳарча мақоми талабига тўла жавоб бермайди. Шу боис, истиқболда уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан улар ривожланиш даражасига кўра бир неча гуруҳларга ажратилди. (5-иловага қаралсин).

Жумладан, аҳоли сони кўп бўлган, туманда маъмурий функцияларни бажарувчи, саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган шаҳарчалар йўлдош шаҳарларга айланиши мумкин. 15-жадвалда келгусида шаҳар мақомини олувчи ва маъмурий ҳудудий жиҳатдан ўзгарувчи шаҳарчалар ҳақида маълумот келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агломерация доирасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Агломерация доирасида:

1. Тошкент шаҳри атрофида мўлжалланган учинчи халқа йўл атрофи бўйлаб “яшил зона” барпо этиш шаҳарликларнинг дам

олиши, шаҳар экологиясини тозалаш ҳамда шаҳарни ҳудудий кенгайиб кетишини олдини олиш вазифасини ўтайди.

2. Агломерация ядросида жойлашган айрим йирик корхона, ташкилот ёки ўқув юртларининг маълум қисмлари, бўлимлари ёки филиалларини, марказга зарур бўлган саноат корхоналарини йўлдош шаҳарларга жойлаштириш, уларда муайян бир соҳа бўйича чуқур ихтисосликни ташкил этиш уларни фаоллаштиради ва бир бутун хўжалик тизими сифатида ривожланишини таъминлайди. Ушбу шаҳарлар саноатига кўпроқ инвестиция жалб этиш ўзаро алоқаларнинг ривожланишига ҳамда ягона иқтисодий макон яратишга имкон беради.

15- жадвал

Агломерациялар таркибига кирувчи ва ўз мақомини ўзгартириши мумкин бўлган йўлдош шаҳарчалар ҳақида маълумот

Тошкент агломерацияси таркибидаги йўлдош шаҳар ва шаҳарчалар	Аҳоли сони минг киши			Қандай мақомни олади	Изоҳ
	2009 й.	2020 й.	2030 й.		
Салор	25.9	36,4		-	Тошкент шаҳри маъмурий- ҳудудий доирасига қўшилади
Қибрай	14.6	11,3		-	
Эшонгузар	10.4	10,9		-	
Хонобод	3.5	5,2		-	
Назарбек	6.7	9,6		-	
Ҳасанбой	3.1	5,6		-	
Чиғириқ	2.3	3.2			Нурафшон таркибига қўшилади
Янгибозор	13.8	15,7	16.1	шаҳар	туман маркази
Ўртаовул	17.8	21,6	22.9	шаҳар	-
Гулбаҳор	12.4	13,3	16.4	шаҳар	туман маркази

Жадвал ЎзР давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан, Чирчиқ шаҳрида мазкур секторнинг маркази сифатида фармацевтика-медицина, рекреация хизмати бўйича касб-хунар коллежи очиш, шу соҳадаги олий ўқув юрти бўлимини, саноатнинг аниқ машинасозлик, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш турларини жойлаштириш лозим.

3. Оққўрғон, Дўстобод, Олмазор, Бўзсув каби кичик йўлдош шаҳар ва қишлоқларда шаҳар ташкил қилувчи тармоқ ва соҳаларни, саноатнинг замонавий, харидорталаб турларини ташкил этиш, янги шаҳарча мақомини олган қишлоқларнинг имкониятларини ўрганиш ва мақомига мос даражада ривожлантириш талаб этилади.

4. Шаҳар атрофи 1-зонасида аҳоли қатновига қулайлик яратиш, унинг учун (3 та халқа) транспорт тизимини яхшилаш, яқин йўлдош шаҳар ва қишлоқларни монофункционал ривожланишини чуқурлаштириш ва пойтахтнинг функцияларини давом эттириш; 2-зонада қатнов вақти узоклиги, аҳоли сарф харажатлари кўплигини ҳисобга олиб шу ерда иқтисодий-ижтимоий объектларни (бозор ва савдо шаҳобчалари, маиший хизмат, касб-хунар коллежлари) ҳудудий ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

5. Агломерацияда секторлар бўйича ихтисослашувни кучайтириш, мазкур секторларда уларнинг марказларини (Чирчиқ, Паркент, Тўйтепа, Янгийўл) “контрмагнит марказлар” сифатида ривожлантириш, уларда ижтимоий инфратузилма, сервис хизмати шунингдек, улар атрофида кичик ҳудудий тизимларни шакллантириш асосида марказга интилувчи тебранма миграцияни тартибга солиш, уни тескари йўналишда ҳам ривожлантириш имконини беради.

Пойтахт агломерациясининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, атрофга ёйиш, шунингдек унинг оғир “юки” ва демографик сиғимини оптималлаштириш мақсадида унга қўшни бўлган ҳудудий урбанистик тизимлар билан боғланишини кучайтириш талаб этилади. Бунда:

III. Минтақа миқёсида:

1. Бекобод тизими билан боғлаш учун **Бўка**, Гулистон ва Жиззах тизимлари билан боғлаш учун **Чиноз**, **Ангрен-Олмалик** агломерацияси билан боғлаш учун **Пскент** шаҳрини боғловчи

“бўғин” шаҳарлар функцияси асосида ўзига хос ўсиш нуқталари сифатида таъсир доирасини кенгайтириш лозим.

2.Тошкент урбанистик минтақасида шаҳарлар иерархик ўрнида Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгалловчи, аҳоли сони тез ортиб бораётган Жиззах агломерацияси ва саноат негизида ривожланаётган Ангрен-Олмалиқ агломерациясини пойтахт агломерациясига “**муқобил**” тарзида ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Тошкент шаҳри, агломерацияси ва минтақаси республика миллий иқтисодиётининг ва аҳоли жойлашуви таянч каркасининг (опорный каркас расселения) ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг муаммоларини умумдавлат миқёсида комплекс ҳолда ўрганиш ва ташкил этиш, такомиллаштириш ишларини олиб боришда республика ҳудудида шакллланган ва шаклланаётган бошқа агломерация ва ҳудудий тизимларнинг имкониятлари, ривожланиши билан уйғун ҳолда амалга ошириш, пойтахт шаҳарнинг ривожланиш йўналишларини республиканинг бошқа шаҳарлари билан ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ҳолда белгилаш лозим.

3.3. Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари ривожланишининг прогнози ва устувор йўналишлари

Ўзбекистонда шаҳар тизимлари асосан пойтахт, вилоят марказлари, транспорт тугунларида маъмурий, саноат ишлаб чиқариши, транспорт, пойтахтлик функциялари асосида ривожланмоқда. Истиқболда саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ортиши, айниқса Тошкент, Навоий, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан бу ерда урбанизация даражаси ортиб боради ва агломерацияларнинг ривожланишига олиб келади. Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса саноат корхоналарини жойлаштириш билан урбанизация даражаси кўтарилади. Сўнгги вақтларда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлар таркибида қишлоқ хўжалигида бандликнинг камайиши ва номоддий соҳаларда унинг ортиб бориши негизида қишлоқларнинг шаҳарчага, уларнинг шаҳарларга айланиши тезлашади. Аммо, шуни айтиш жоизки, урбанизация Ўзбекистонда Европа ёки Шимолий Америкадаги каби юқори чўққиларга етмайди ва улардан асосий

фарки бундан кейин ҳам агломерациялар таркибида қишлоқлар мавжуд бўлади ва урбанизация даражаси кўтарилсада, жаҳон урбанизация даражасига нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлади ва сифат жиҳатдан шарққа хос “қишлоқ”ча хусусиятлар сақланиб қолади. Урбанизация даражаси гарчи Наманган вилоятида юқори бўлсада (64 фоиз), сифат жиҳатдан бу жараён Тошкент, Қорақалпоғистон, Навоий вилоятларида фаол кечади ва 2025 йилга қадар уларнинг етакчилиги сақланиб қолади. Қашқадарё вилоятида нефть - газ асосида ишлаб чиқариш мажмуасининг ривожланиши, Сурхондарёда Тошғузор – Қумқўрғон - Термиз темир йўлининг ишга туширилиши билан урбанизация, хусусан агломерациялашув жараёнида силжишлар кузатилади, янги шаҳар тизимлари таркиб топади. Нукус агломерацияси аҳоли табиий ва миграцион ўсиши ҳисобига ортиб боради. Андижон, Наманган, Қарши агломерациясида аҳоли сони тез кўпаяди, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида, гарчи мустақиллик йилларида миграция ҳисобига аҳоли сони камайган бўлсада, кейинги даврда у стабиллашиб ва ортиб боради.

Шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари барқарор эмаслигини ҳисобга олган ҳолда экстраполяция усулида қилинган аҳоли сони прогнози шуни кўрсатадики, 2025 йилга қадар Наманган, Нукус, Қарши агломерацияларида аҳоли сони юқори суръатлар билан кўпаяди ва Бухоро, Қўқон, Андижон, Урганч агломерацияларида ўсишнинг ўртача ҳолатлари кузатилса (110 - 125 %), Тошкент, Ангрен - Олмалик, Фарғона - Марғилон каби саноат салоҳияти юқори бўлган агломерацияларда бу кўрсаткичлар энг паст бўлиб, 100 - 110 фоизни ташкил этади. Жами шаҳар агломерациялари ичида Тошкент, Наманган, Фарғона - Марғилон, Самарқанд тизимлари энг кўп шаҳар аҳолисини жамлайди ва мамлакатнинг энг асосий ўсиш қутблари бўлади. Агломерация марказлари – йирик шаҳарлар ичида Нукус, Наманган, Қарши ва Андижон аҳолиси тез кўпаяди, республика урбанистик таркибида ниҳоят аҳоли сони 500 минг – 1 млн. кишини ташкил этувчи энг йирик шаҳарлар тоифасида Наманган, Самарқанд пайдо бўлади. Бухоро шаҳри аҳолиси 257.4 минг кишини ташкил этиб, йирик шаҳарлар қаторига қўшилади. “Юз минглик” шаҳарлар тоифаси Шахрисабз ва Бекобод ҳисобига

ортиб, 19 тага етади. Бу эса агломерациялашув жараёни ривожланишининг асосини ташкил этади. Агломерацияларнинг демографик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, йўлдош шаҳарлар сонининг кўпайиши ва агломерациялашув коэффициентининг кўтарилиши натижасида Тошкент, Фарғона-Марғилон, Самарқанд ривожланган агломерациялар қаторига, Қарши, Наманган, Бухоро шаклланганлар сафига қўшилади ва улар 5 тадан иборат бўлади. Шаклланаётган агломерациялар гуруҳи 5 та, истиқболдагилар эса 6 тага етади ва уларга Бекобод, Термиз, Шаҳрисабз, Гулистон, Денов, Каттакўрғон кичик шаҳар тизимлари киради.

Демографик ривожланиш билан бир қаторда қишлоқларнинг шаҳарчаларга ва шаҳарчаларнинг эса шаҳарларга айланиши жараёни рўй беради. Шаҳар агломерациялари таркибидаги йўлдош шаҳар ва шаҳарчалар сони ортади. 966 та “агрошаҳарчалар”нинг 600 га яқини бевосита йирик шаҳарлар атрофида жойлашган йўлдош шаҳарчалардир.


Йирик шаҳарлар - агломерация ядроларининг ўсиши билан уларнинг таъсир доираси янада кенгая боради. 8-расмда агломерация марказларининг мумкин бўлган таъсир доираси аниқланган. Бундай ишлар В.Рейли, Ч.Гаррис П.Мерлен, Ю.Саушкин ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Мазкур ишда шаҳарлар функционал таркибининг аҳоли сони билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, В.А.Шупер томонидан таклиф этилган картографик усулдан фойдаланилган ҳолда урбанизациялашган ҳудудлар ажратилди [76]. Бунда ўрта, катта ва йирик шаҳарларнинг таъсир доираси аниқланди. Шаҳарлар таъсир доираси туташган ҳудудларда урбанистик минтақалар ажратилди:

Тошкент урбанистик минтақаси. Бу ҳудуддаги Тошкент ва Ангрен-Олмалиқ агломерациялари қаторига келажакда Бекобод, Жиззах, Гулистон шаҳар тизимлари киради. Бўка, Чиноз шаҳарлари уларни боғловчи бўғин шаҳарлар бўлади. Бу минтақада Чирчиқ, Янгийўл атрофларида “кичик ҳудудий тизимлар” ҳам шаклланади. Жануби-ғарбий “ўқ” ўсиш йўлаги ҳисобланади. Шаҳарлар орасидаги ўртача масофа 15.3 км, шаҳарлар зичлиги ҳар минг км. кв.га 4,1 га тенг. Ушбу доирада 7

млн.га яқин аҳоли яшайди ва у асосан пойтахт шаҳар таъсирида бўлади.

Фарғона урбанистик минтақасига Фарғона-Марғилон, Андижон, Қўқон ва Наманган агломерациялари киради. Агломерация таркибидаги шаҳарлар ниҳоятда зич, асосан дарё, сойлар ва улардан тортилган каналларнинг бўйларида, шунингдек катта ва йирик шаҳарлардан (ядролардан) атрофга таралувчи магистрал ва темир йўллар бўйларида занжирсимон жойлашган. Шаҳарлар зичлигига кўра Тошкент агломерациясидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди (3,7 та шаҳар). Шаҳарлар орасидаги масофа (16.5 км). Бу ердан параллел ўтган энг йирик халқасимон темир, автомобил йўллар, электр узатиш линиялари, газ қувурлари полосасида (полимагистрал) энг йирик шаҳарлар, ўрта катталиқдаги полоса бўйлаб ўрта шаҳарлар, учинчи даражали чизиқлар бўйлаб кичик ва майда шаҳар манзилгоҳлари мужассамлашган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХУДУДИЙ УРБАНИСТИК ТАРКИБИ



8-расм. Ўзбекистоннинг ҳудудий урбанистик таркиби

Тоғ этаклари бўйлаб ўтган айланма йўл минтақадаги асосий ўсиш йўналиши бўлиб, унда Риштон, Қува, Учқўрғон аҳоли манзилгоҳлари агломерацияларни бир - бири билан боғловчи “бўғин шаҳарлар” бўлади.

Зарафшон урбанистик минтақаси таркибига Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Навоий агломерациялари киради. Унинг доирасида 6,1 млн. киши яшайди. Истиқболда Маржонбулоқни Жиззах - Самарқанд, Қамашини Қарши - Шаҳрисабз, Қумқўрғонни Термиз - Денов, Октошни Каттақўрғон - Навоий,

Қизилтепани Навоий - Бухоро, Муборакни Қарши - Бухоро йўналишидаги боғловчи шаҳарлар тарзида ривожлантириш урбанизациянинг ҳудудий ривожланишини таъминлайди.

Қуйи Амударё урбанистик минтақаси. Нукус ва Урганч агломерацияларини қамраб олади. Мазкур минтақадаги шаҳар агломерациялари бир - бири билан ўзаро боғловчи бўғинлар - Манғит ва Гурлан шаҳарларини таъсир доирасининг туташиб кетиши асосида қўшилади ва ягона урбанистик минтақани шакллантиради. Шаҳар агломерацияларининг таъсир доирасидан четда қолган буфер зоналарда аҳолини ўзига жалб этувчи марказларни ривожлантириш (Зарафшон, Учқудуқ, Газли, Шеробод, Қўнғирот, Нурота, Поп, Тахтақўпир ва б.), айрим ҳудудларда жуфт шаҳарларнинг (Гагарин-Дўстлик, Янгиер - Ховост, Қоракўл - Олот, Янгиқишлоқ-Учқулоч) таъсирини кучайтириш урбанистик таъсир доирадан четда қолган ҳудудларнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ортиб бориши, (айниқса, Нукус, Андижон, Наманган, Қарши шаҳарларининг аҳоли сони тез ортади), қишлоқларнинг шаҳарча ва шаҳарларга айланиши билан уларнинг таъсир доираси янада кенгаяди, йўлдош шаҳарлар сафи ортади. Ажратилган урбанистик ҳудудлар нафақат йўлдош шаҳарларни, балки қишлоқларни ҳам урбанизация таъсирига жалб этиб туради. Бу доирага республика аҳолисининг 75 % и тортилган. Шаҳарларнинг аҳоли сони ортиши, қишлоқларнинг шаҳарларга айланиши билан бу доира радиуси кенгаяди ва истиқболда қуйидаги таркибга эга бўлади (16 - жадвал). Келажакда пойтахт атрофида 5 та шаҳар тизимлари, республика ўрта қисмида тўртта марказни (Самарқанд, Бухоро, Қарши, Навоий ва истиқболда Шаҳрисабз ҳамда Каттақўрғон) ўз

ичига олувчи Зарафшон урбанизациялашган ҳудуди вужудга келади. Фарғона водийсида 4 та, Қуйи Амударёда 2 та агломерацияни ўз таркибига олувчи урбанистик ҳудудлар асосий тараққиёт районлари бўлади. Мазкур ҳудудларда аҳоли ниҳоятда зич бўлсада, урбанизация даражаси паст. Бу ҳолат келгусида иқтисодий ривожланиш натижасида бироз кўтарилади. Урбанистик ҳудудларнинг вужудга келиши ва тараққий этишида транспорт йўллари асосий ўрин тутди. Европа ва Осиёни туташтирувчи Шанхайдан Амстердамгача лойиҳалаштирилган мамлакатнинг марказий ҳудудларидан ўтган (Қўқон – Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Термиз - Урганч) Буюк Ипак йўли (ТРАСЕКА) мамлакатнинг таянч пойдеворини янада мустаҳкамлайди. У агломерацияларни, урбанизациялашган районларни бир - бири билан боғлайди халқаро миқёсга олиб чиқишда асосий “коридор” ролини ўйнайди. Халқаро аҳамиятга эга бўлган Тошкент - Туркманбоши, Тошкент – Оренбург, Турксиб бўлиб Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизими билан боғлайди. Уларда Фарғона, Қўқон, Бухоро Андижон, Тошкент, Самарқанд, Урганч агломерациялари фаол иштирок этади. Қуйи Амударё агломерацияларининг иқтисодий ривожланиши, табиий ресурсларининг ўзлаштирилишида Қўнғирот - Бейнов темир йўли катта аҳамият касб этади. Тошкент, Нукус, Термиз, Навоий шаҳарларида жойлашган халқаро аэропортлар мазкур ҳудудларнинг геосиёсий маъқеини оширади ва агломерациялашув жараёнини янада тезлаштиради. Мамлакат аҳамиятига эга бўлган темир, автомобил, қувур йўллари агломерациялараро алоқаларда асосий ўрин тутди. Агломерация марказларидан чиқиб атрофни боғловчи шаҳар ташқи транспорти эса шаҳарларнинг ҳудудий тизимларини мустаҳкамлайди. Транспорт магистралларининг ҳудудий жойлашуви асосан тоғ ва текисликларнинг кесишган қисмларига тўғри келади ва бу ердаги шаҳар тизимларини боғлайди. Сўнгги йилларда қуриб ишга туширилган Тошғуздор-Бойсун - Қумқўрғон темир йўли жанубий минтақани Зарафшон урбанистик райони билан боғлайди.

Учқудуқ-Султонувайс-Нукус транспорт тармоғи мамлакатнинг кам ўзлаштирилган қисмларини марказий район доирасига тортади. Беруний тумани билан Урганч туманини

боғлаш мақсадида кўприк қурилиши мўлжаллангани катта аҳамиятга эга.

16- жадвал

Шаҳар агломерациялари ва урбанистик минтақалар таркиби прогнози

Шаҳар тизимларининг тоифалари ва районлари	2016 й.	2030 й.
1.Шаҳар-агломерацияларининг сони	16 та	17 та
жумладан:		
1.1.ривожланган	1 та (Тошкент)	4та (Тошкент, Фарғона-Марғилон,Андижон, Самарқанд)
1.2.шаклланган	3 та (Самарқанд, Фарғона-Марғилон, Андижон)	3 та (Наманган, Қарши, Бухоро)
1.3.шаклланаётган	8 та (Ангрен-Олмалиқ, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Урганч, Қарши, Қўқон)	5 та (Ангрен-Олмалиқ, Жиззах, Навоий, Қўқон, Урганч)
1.4.истиқболдаги	4та (Бекобод,Жиззах, Термиз, Шаҳрисабз)	6 та (Бекобод, Гулистон, Денов, Каттақўрғон, Термиз, Шаҳрисабз)
2.Урбанизациялашган ҳудудлар сони	4 та (Зарафшон,Тошкент, Қўйи Амударё,Фарғона)	4 та (Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Қўйи Амударё)
Урбанизациялашган ҳудудлар таркибидаги агломерациялар сони:		
2.1.Тошкент урбанистик минтақаси	4 та (Тошкент, Анрен-Олмалиқ, Бекобод, Жиззах)	5 та (Тошкент, Анрен-Олмалиқ, Бекобод, Жиззах, Гулистон)
2.2.Фарғона урбанистик минтақаси	4 та (Андижон,Наманган, Фарғона-Марғилон)	4 та (Андижон, Наманган, Фарғона-Марғилон, Қўқон)

2.3.Зарафшон урбанистик минтақаси	6 та (Самарқанд, Қарши, Бухоро, Навоий, Шаҳрисабз, Каттақўрғон)	6 та (Самарқанд, Қарши, Бухоро, Навоий, Шаҳрисабз, Каттақўрғон)
2.4. Қўйи Амударё урбанистик минтақаси	2 та (Нукус, Урганч)	2 та (Нукус, Урганч)
3.Моноцентрик агломерациялар	14 та	14 та
4.Полицентрик агломерациялар	2 та (Фарғона- Марғилон, Ангрен-Олмалиқ)	4та (Ангрен- Олмалиқ, Бухоро- Когон, Нукус- Хўжайли, Фарғона- Марғилон)

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган

Республикада Фарғона ва Зарафшон урбанистик минтақалари транспорт йўллари билан яхши таъминланган, келгусида уларни республиканинг чекка қисмлари билан боғлаш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Сирдарёнинг Оқолтин туманидан Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳригача мўлжалланган темир йўл қурилиши Фарғона водийсидаги агломерацияларни Зарафшон ҳудуди билан боғловчи яқин йўл бўлади. Йирик шаҳарлар атрофидаги транспорт тармоғининг ривожланиши агломерациялашув жараёнини кучайтиради ва аҳоли қатновини яхшилайти. Жумладан, Тошкент агломерациясини жанубга ривожланишини таъминлаш мақсадида йўлларнинг такомиллаштирилиши унинг кейинги тараққиётига ёрдам беради ва Бекобод шаҳар тизимини пойтахт агломерацияси билан боғлайди. 2008-йилда Тошкент-Ангрен темир йўлининг электрлаштирилиши бу ерда ягона урбанистик минтақа шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Юқоридаги барча таҳлиллар асосида ША ларнинг ривожланиш даражаси, бозор муносабатлари даврида ривожланиш хусусиятлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳоланди. Уларни баҳолаш келгусида айнан агломерация сифатида ривожланиши ва мамлакатда маълум бир жиҳатлари

билан муҳим ўрин тутишига таъсир этувчи 21 та индикаторни ўз ичига олувчи 11 та омил асосида бажарилди. Улар қуйидаги омиллар:

1. ИГЎ (иқтисодий ривожланган ҳудуд ёки пойтахтга яқинлиги, транспорт - географик ўрни);

2. Табиий ресурслари (ер - сув ресурслари, фойдали қазилмалари);

3. Демографик ҳолати (аҳолининг табиий кўпайиши, миграция ҳаракати, меҳнат ресурслари);

4. Ишлаб чиқариш салоҳияти (саноат ишлаб чиқариш ҳажми, саноат корхоналари сони, саноатда бандлар сони, ташқи иқтисодий алоқалари);

5. Маъмурий функцияси (агломерация ядросининг ижтимоий - иқтисодий ва геосиёсий вазифаларини бажариши);

6. Илмий техник ва маданий салоҳияти (олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари, олий маълумотлилар сони, театр ва музейлар сони);

7. Геосиёсий ҳолати (қўшни давлатлар чегарасидан узоқлиги);

8. Транспорт инфратузилмаси (халқаро аэропортлар, халқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган темир ва автомобил йўллари, транспорт тугунида жойлашганлиги);

9. Экологик ҳолати (атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси, сув ресурсларининг ифлосланиши);

10. Урбанистик салоҳияти (шаҳар аҳолиси салмоғи, таркибидаги шаҳарлар сони);

11. Агломерациялашув даражаси (агломерациялашув коэффициенти).

Юқорида келтирилган омиллар бўйича 100 баллик тизимда берилган баҳоларга кўра шаҳар агломерациялари қуйидаги рейтинг баллари ва ўринларига эга бўлди: (17-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра Тошкент, Самарқанд, Фарғона-Марғилон агломерациялари салоҳияти юқори. Қарши, Қўқон, Наманган, Андижон, Бухоро агломерацияларидаги аҳоли сони билан рейтинг ўрни ўртасида катта номутаносибликлар мавжуд. Урганч, Қўқон, Нукус, Ангрен-Олмалиқ тизимлари агломерациялашув салоҳияти ва

имкониятлари энг паст. Бундай муаммоларни ҳал этиш мазкур агломерацияларнинг самарадорлигини таъминлайди.

17-жадвал

**Шаҳар агломерацияларининг ривожланиш
имкониятларига берилган рейтинг баҳо**

Шаҳар агломерациялари	Шаҳар аҳоли сони (минг киши)	Шаҳар аҳоли сонига кўра ўрни	Ривожланиш салоҳияти ва имкониятларига берилган баҳо (умумий балл)	Рейтинг ўрни
Тошкент	2667.7	1	82	1
Ангрен-Олмалиқ	331.1	8	52	10
Андижон	707.2	3	69	6
Бухоро	397.1	7	68	7
Наманган	752.3	2	68	7
Нукус	414.5	6	62	8
Самарқанд	565.9	4	77	2
Урганч	269.1	10	53	9
Фарғона- Марғилон	548.4	5	76	3
Қарши	312.9	9	74	5
Қўқон	247.4	11	57	8
Навоий	176.2	12	78	4

Жадвал муаллифлар томонидан тузилган

* * *

Республикада вужудга келган шаҳар агломерациялари аҳолининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт фаолияти юқори даражада мужассамлашган ва муаммолар кескинлашган мураккаб ҳудудий тизимлар ҳисобланади. Гарчи мустақиллик йилларида урбанизация даражаси пасайиб, агломерацияларнинг ривожланиши суст бораётган бўлсада, мамлакатнинг асосий куч-қудрати шу ҳудудларда тўпланган, республиканинг бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини кўп жиҳатдан улар белгилаб беради. Аммо, шаҳар агломерацияларининг иқтисодий асоси заиф ривожланган, ижтимоий инфратузилмаси ҳам талаб даражасида эмас, аксарият агломерацияларда етакчи, такомиллашган

функциялар мавжуд эмас, уларнинг марказлари кўпроқ маъмурий вазифаларни бажаради, холос. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ҳар бир шаҳар агломерациясининг ўзига хос ривожланиш йўналишлари, ўз муаммолари бор. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб ҳар бир агломерациянинг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш, табиатдан оқилона фойдаланган ва экологик ҳолатини яхши сақлаган ҳолда, унинг барча элементларини мутаносиб тарзда ривожлантиргандагина улардан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара олиш мумкин.

ХУЛОСА

Мамлакатнинг янги сиёсий ва ижтимоий шароитда ўз миллий иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон иқтисодий ва геосиёсий тизимида ўз ўрнига эга бўлишдек улкан вазифаларни бажаришда унинг асосий таянчлари бўлган йирик шаҳар ва уларнинг негизида шаклланган шаҳар агломерациялари етакчи рол ўйнайди. Чунки, жамият тараққиёти, хусусан урбанизация жараёнининг ривожланиши улар билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан шаҳар агломерациялари ривожланишининг ҳудудий муаммоларини тадқиқ этиш ва уларни илмий асосда ҳал этиш йўллари аниқлаш аввало иқтисодий-ижтимоий географиянинг бир тармоғи ҳисобланган шаҳарлар географияси фани, шаҳарсозлик ва Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати доирасида амалга оширилади.

Мазкур мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тараққиётини бугунги кунда “дунёвий” шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари белгилаб бермоқда. Жумладан, МДҲ давлатларидаги қатор ривожланаётган шаҳар агломерациялари - Москва, Санкт - Петербург, Киев, Боку, Тбилиси, Самара ва бошқалар ўз мамлакатлари ва минтақаларида бозор ислохотларини амалга оширишда асосий бўғин сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 1970-80- йилларда урбанизация жараёнининг тез суръатлар билан ривожланиши доирасида унинг ҳудудий шакли ва муҳим кўрсаткичи бўлган шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун замин яратилди. Масалан, Тошкент, Фарғона - Марғилон, Самарқанд агломерациялари ривожланди. Шаҳарларнинг бундай мураккаб ҳудудий тизими мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам шаклланиб бормоқда. Айнан уларда республиканинг асосий иқтисодий, ижтимоий, инновацион, инвестиция ва инфратузилма салоҳияти мужассамланган. Аммо бозор муносабатлари шароитига келиб мамлакат ҳаётида рўй берган айрим ўзгаришлар туфайли уларнинг ривожланиши бироз тўхтаб қолди ва баъзи муаммолар улар доирасида кескинлашди. Республиканинг барқарор ривожланиш йўлига ўтиши билан йиллар давомида тўпланган ана

шу замин ва имкониятлардан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб бажарилган ушбу тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва тақлифлар келтирилди:

◆ Республикада табиий-иқлимий, социал-иқтисодий ва бошқа омиллар таъсирида аҳоли зич тўпланган суғорма деҳқончилик районларида, йирик шаҳарларнинг демографик, ҳудудий, иқтисодий ва функционал ривожланиши оқибатида уларнинг негизида шаҳар агломерациялари вужудга келган. Уларнинг ривожланиши турли даврларда жаҳон ва мамлакат иқтисодий-иҷтимоий, сиёсий тараққиёти, урбанизация жараёнининг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда кечган. Хусусан, бозор муносабатлари шароитида шаҳар агломерациялари ўзига хос социал муҳит, иқтисодий ва инвестиция макони, ягона меҳнат бозори, ўзига хос экологик, нозогеографик, геокриминоген муҳит сифатида ривожланмоқда.

◆ Мамлакатда агломерациялашув даражаси ва ривожланиш хусусиятларига кўра шаҳар ва қишлоқларнинг бир неча ҳудудий тизимлари вужудга келган. Улар: ривожланган–Тошкент, шаклланган–Самарқанд, Фарғона–Марғилон, Андижон, шаклланаётган - Ангрен–Олмалик, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Қарши, Урганч агломерацияларидир. Шу билан бирга истиқболда шаклланиши мумкин бўлган Жиззах, Бекобод, Термиз, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг локал ҳудудий тизимлари таркиб топмоқда. Улар турли иқтисодий ва географик омиллар асосида вужудга келганлиги билан тавсифланади ва ўзаро фарқланади. Масалан, Тошкент агломерацияси пойтахт шаҳар негизида, Ангрен - Олмалик ва Навоий тоғ - кон саноати асосида, қолган агломерациялар вилоят марказлари ва қайта ишлаш саноати негизида шаклланган. Шунингдек, улар ўзининг географик ўрни, мамлакат меҳнат тақсимоотида тутган ўрни, ривожланиш даражасига кўра ҳар бири ўзига хос бўлиб, алоҳида ёндошувни талаб этади.

◆ Тадқиқот ишлари мустақиллик йилларида мамлакатда урбанизация жараёни ўзига хос тарзда кечаётганини кўрсатади. Гарчи урбанизация даражаси сўнгги йилларда пасайиб борган бўлсада, саноат ишлаб чиқариши ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ўсиш кўрсаткичлари намоён бўлмоқда, қишлоқ

хўжалигидаги бандлик камайиб, номоддий соҳаларда аҳоли бандлиги ортмоқда. Бу эса келгусида шаҳарларнинг ўсишига олиб келади, йирик қишлоқлар шаҳарчаларга, шаҳарчаларнинг катталари, асосан туман марказлари - шаҳарларга айланади, йирик шаҳарларнинг ҳудудий кенгайиши билан атрофидаги шаҳар ва қишлоқлар уларнинг маъмурий - ҳудудий доирасига қўшилади ва агломерациялар шаклланиб боради. Бу билан урбанизация даражаси стабиллашади ва келажакда ортиб боради. Бироқ, шарқ урбанизациясининг ўзига хос хусусиятлари, яъни шаҳарларнинг қишлоқлар асосида вужудга келиши ва шаҳар агломерациялари таркибида қишлоқларнинг ҳам мавжудлиги сақланиб қолади.

◆ Функционал таҳлиллардан кўриш мумкинки, агломерация ядролари асосан вилоят марказлари бўлиб, саноат салоҳияти суст. Бу ҳолат айниқса Наманган, Урганч, Қўқон, Нукус агломерацияларида кузатилади. Шу сабабли уларнинг йўлдош шаҳарлари билан алоқалар интенсивлиги паст даражада ва асосан номоддий соҳалар орқали амалга оширилмоқда. Йўлдош шаҳарларнинг асосий қисми енгил, озиқ- овқат саноати ёки туман марказлари вазифасини бажаради. Уларнинг аксариятида бажарувчи функциялари аниқ шаклланмаган ва ядроларининг вазифалари билан уйғунлашмаган. Шу боис “марказ - атроф” йўналишида ўзаро алоқадорлик суст ва агломерациялар тўлақонли шаклланмаган.

◆ Шаҳар агломерацияларининг ривожланиши билан экологик муаммолар ҳам кескинлашиб боради. Аҳолининг ниҳоятда зич тўпланиши, юқори даражада ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилма тармоқларининг мужассамлашуви ўз навбатида шаҳарлар ва уларнинг атрофларида атмосфера ҳавоси, ер ости ва усти сувлари, қишлоқ хўжалик ерлари, тупроқ қоплами, ичимлик суви, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши ва таркибининг бузилишига олиб келмоқда. Натижада, аҳоли ўртасида касалликлар ортиб боради. Бундай вазият Тошкент, Ангрен-Олмалиқ, Навоий шаҳар ва агломерацияларида кескин тус олган ва уларни иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан ўзаро мутаносиб ривожлантириш талаб этилади.

Тадқиқот иши давомида олинган хулосалар асосида, аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Шаҳар агломерациялари вақт ва маконда динамик, ўзгарувчандир. Қолаверса, уларнинг таркибидаги элементлар зич жойлашган ва ўзаро чамбарчас боғланган тизимни ташкил этиб, бирининг ўзгариши бошқа элементнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида уларда рўй бераётган янги ўзгаришлар ва хусусиятлар доимий бошқарув ва назоратни талаб этади. Шу боис, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини яхшилаш ва улар томонидан шаҳар агломерацияларининг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Республиканинг ўрта қисмларида жойлашган, таркибига Самарқанд, Навоий, Қарши, Бухоро ва бошқа нисбатан кичик ҳудудий урбанистик тизимларни ўз ичига олувчи **Зарафшон урбанистик минтақасининг** ривожланиши, шимоли-ғарбда маркази Нукус шаҳрида бўлган **Қуйи Амударё** ва шарқда маркази Фарғона шаҳри ҳисобланган **Фарғона урбанистик минтақасини** шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобига пойтахт агломерациясини ривожланишини тартибга солиш лозим.

3. Урбанистик минтақаларнинг марказлари бўлган **Нукус, Самарқанд, Фарғона** шаҳарларини замонавий қайта ишловчи саноат, ижтимоий соҳалар, молия -кредит, олий таълим тизими, ахборот технологиялари каби минтақага хизмат қилувчи ва Тошкент шаҳрига рақобатдош функцияларни бажарувчи, республиканинг 2-, 3- даражали шаҳарларига айлантириш ҳисобига урбанизацияни ривожлантириш мумкин. Тошкент шаҳрини сиёсий пойтахт, Навоийни иқтисодий, Самарқанд шаҳрини маданий-маиший, туризм, Нукус шаҳрини халқаро логистика марказига айлантириш лозим.

4. Республиканинг мустақил давлат сифатида истиқболда жаҳон давлатлари билан ўзаро алоқалари чуқурлашиб боради; дипломатик муносабатлар пойтахт шаҳар орқали амалга оширилади. Шу боис, унга “пойтахтлик” нуқтаи назаридан қараш, пойтахтга мос келмайдиган функцияларни йўлдош шаҳарлар ва

республиканинг бошқа шаҳарларида ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

5. Пойтахт шаҳар ва агломерацияда аҳоли яшаши ва турмуш тарзини яхшилаш учун қулай, соғлом шароит яратиш мақсадида ўзига хос “**социал муҳит**” сифатида ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун агломерация доирасида аҳолининг меҳнат қилиши, ўқиши, даволаниш ва дам олиши каби талаб ва эҳтиёжларини имкон қадар замон талаби даражасида тўла қондириш шароитларини ташкил этиш ижтимоий самарадорликни таъминлайди.

6. Тошкент агломерацияси республикада катта иқтисодий, ижтимоий, демографик, урбанистик, инновацион салоҳият мужассамланган муҳит сифатида ажралиб туради. Бу эса шаҳар ва агломерациянинг бундан кейин ҳам ривожланиб боришига асос бўлади. Давр хусусиятларидан келиб чиқиб, бугунги кунда агломерация ҳосил қилувчи куч сифатида саноат ўрнини янги соҳалар-сервис, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, қўшма корхоналар каби номоддий тармоқлар эгалламоқда. Шу сабабли, бозор муносабатлари шароитида агломерацияни ўзига хос социал муҳит, иқтисодий ва инвестиция макони, ягона иқтисодий географик ўрин ва меҳнат бозори, ўзига хос экологик, нозогеографик, геокриминоген муҳит сифатида ривожланишини назорат қилиш агломерация самарадорлигини таъминлайди.

7. Пойтахт агломерациясида ер – сув, рекреация ресурсларининг чекланганини, шимолда Қозоғистон билан сиёсий чегараларни, шарқда тоғли рекреацион зонанинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда уни жануб ва жануби - ғарб йўналишида ривожлантириш лозим. Унинг шимол, шарқ, шимоли - ғарб йўналишларда, ҳудуднинг чекланганини ҳисобга олган ҳолда, истиқболда жануб ва жануби-ғарбий қисмларини ривожлантириш, хусусан Тошкент шаҳри чегараларини периметрал тарзда атрофга қисман, ва асосан Чирчиқ дарёси бўйлаб жануб томонга ривожлантириш имконини беради. Шаҳар атрофида рўй бераётган субурбанизация жараёнини тартибга солиш лозим.

8. Агломерацияларнинг ривожланиши шаҳар ва қишлоқларнинг интеграциялашувини, у эса транспорт тизимини такомиллашувини талаб этади. Шу боис, шаҳар атрофи

транспортини такомиллаштириш, йўловчилар оқими катта бўлган йўналишларда, айниқса, бир соатли 1-зонада уларни кенгайтириш, асосий магистраллардан четга йўналган иккинчи даражали йўлларни таъмирлаш ва транспорт қатновини яхшилаш мақсадга мувофиқ. Энг йирик магистрал ва полимагистралларни “ўсиш чизиқлари ва йўлаклари”га айлантириш агломерацияларнинг ўзаро боғланишини янада кучайтиради.

9. Пойтахт агломерациясининг “катта” юкини енгиллатиш нафақат мазкур доирада, балки минтақа ва республика миқёсида ҳал этилиши лозим. Республика йирик шаҳарлари ва агломерациялари аҳоли сони, шунингдек урбанистик таркиби прогнозларига асосан Нукус, Наманган, Қарши, Жиззах, Андижон шаҳарлари аҳолиси тез суръатлар билан ўсади. ”Юз минглик” шаҳарлар қатори Бекобод, Шаҳрисабз ҳисобига 19 тага етиши кўзда тутилади. Бу эса агломерацияларнинг асоси ривожланишидан далолат беради. Келгусида шаҳар агломерациялари уларни боғловчи “бўғин шаҳарлар” нинг таъсир доиралари орқали боғланишини ҳисобга олган ҳолда, мазкур шаҳарлар ривожланишига эътибор қаратиш зарур.

10. Ўзбекистонда ажратилган агломерациялар ҳар бири ўзига хос ривожланиш йўналишларига эга, мамлакат географик меҳнат тақсимоотида, иқтисодиётида ҳар бирининг ўз ўрни, функциялари, ихтисослашуви бор, шу боис илмий ва амалий жиҳатдан уларнинг ҳар бирига махсус ёндашув талаб этилади. Республикада эффектив фаолият кўрсатаётган бундай ҳудудий урбанистик ҳосилалардан унумли фойдаланиш учун уларнинг ривожланиш йўналишлари мамлакат стратегик ривожланиши билан мос келмоғи лозим. Шаҳар агломерацияларини, замонавий янги моделлар асосида ташкил этиш, хусусан, ривожланган электрон тизимга ўтиш, менежер-шаҳар, кўпфункционали марказлар жорий этишда хориж тажрибаларини ўрганиш, уларни бошқарув тизимини йўлга қўйиш мамлакат урбанистик сиёсатининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., Ўзбекистон, 2017.-592 б.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
3. Акрамов З. М., Раимов Т. И. Об экономико географическом изучении городов Узбекистана // Научные труды ТашГУ. Т., 1964. С. 5 - 35.
4. Алаев Э. Б. Социально-экономическая география. Понятийно– терминологический словарь. – М.: Мысль, 1983. – 350 с.
5. Александерсон Г. Экономическая структура городов США. – М.: Издательство иностранной литературы, 1959. – 215 с.
6. Алибеков Л.А. Роль географического фактора в формировании и развитии г. Самарканда//Эколого-географические проблемы Центральной Азии. Самарканд, СамГУ, 2010. С.372-384.
7. Архитектура и строительство Узбекистана. – Т., 1989, №9.
8. Ата – Мирзаев О. Б. Геодемографическое исследование городского расселения и прогнозирование урбанизации Узбекской ССР. Автореферат. дис. канд. геогр. наук. - Л.,1985. – 32 с.
9. Ата - Мирзаев О. Б., Гентике В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002. – 125 с.
10. Ата – Мирзаев О. Б. Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации. - Т.: Фан, 1979. – 88 с.
11. Ата – Мирзаев О. Б. Экономико – географическое исследование Фергано – Маргиланской агломерации // Доклады отделений и комиссии Географического общества СССР. Вып. 11. - Л., 1969. - С. 118 – 127.
12. Аҳмедов Э. А. Новые города Ташкент – Чирчик – Ангренского промышленного района: Дисс...канд. эконом. наук. – Т.,1962. – 248 с.

13. Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари.- Т.: Ўзбекистон, 1991. – 220 б.

14. Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2002. – 224 б.

15. Бабурин В. Л., Битюкова В.Р., Казьмин М.А., Махрова А.Г. Московский столичный регион на рубеже веков: новейшая история и пути развития. – Смоленск: Ойкумена, 2003. – 184 с.

16. Бакирханов Ф. Ф. Эволюция формирования и преемственность развития расселения на территории республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... канд. архитектуры.- Т., 1998. - 21 с.

17. Баранский Н. Н. Избранные труды. Научные принципы географии.-М.:Мысль, 1980. – 239 с.

18. Богорад Д.И. Задачи и методы регулирования роста городских агломераций.// Градостроительство. Районная планировка. Городские агломерации. Киев, Будивильник, 1968. С. 169-174.

19. Браде И., Перцик Е., Питерский Д. Районная планировка и разработка схем расселения. - М.: Международные отношения, 2000. – 136 с.

20. Бурьян А. П., Лахтин В. Н. Проблемы и пути регулирования развития Челябинской агломерации //Территориальные системы производства и расселения. - Пермь: Пермский Госуниверситет, 1973. – С. 53-63.

21. Воронин В. В., Шарыгин М. Д. Экономическая, социальная и политическая география. – Самара: СГЭУ, 2006. -392 с.

22. Генеральная схема расселения Узбекистана. Т.3,4. - Т.: УзШаҳарсозлик ЛИТИ, 2005.

23. Гольц Г. А. Транспорт и расселение – М.: Транспорт, 1989. – 135 с.

31. Гуджабидзе В. В. Развитие городских агломераций Закавказья. // Проблемы изучения городских агломераций. - М.: Институт географии АН СССР, 1983. - С. 166 – 185.

32. Гусев В. А. Проблемы экономического и социального развития г. Киева и Киевской городской агломерации // Предпринт доклада на советско-польском семинаре по проблемам урбанизации. - Москва – Киев, 1979. - 15 с.

33.Давидович В. Г., Ковалёв С. А. Городское и сельское расселение в Среднеазиатских республиках // Проблемы народонаселения. - М.: МГУ, 1970.

34.Джаналеева Г. М. Теоретические и методологические проблемы географии. - Астана, КазУЭФ и МТ, 2008. – 300 с.

35.Джаошвили В. Ш. Урбанизация Грузии. Генезис, процессы, проблемы. – Тбилиси, 1978. – 265 с.

36.Доманьский Р. Экономическая география: динамический аспект. Пер. с польского. -М: Новый хронограф, 2010. -376 с.

37.Занадворов В. С., Занадворова А. В. Экономика города.- М.: Академкнига, 2003.–271 с.

38.Зокиров С. С. Социально – экономическое развитие городских поселений в густонаселенных регионах (на примере Андижанской области): Автореф. Дисс. ... канд. экон. наук. – Т.,1996. – 21 с.

39.Зотов А., Раимов Т., Смирнов Н., Ёкубов Б. Ўзбекистон шахарлари. Т.: Ўзбекистон, 1965. -282 б.

40.Караханов М. К. Население и населённые пункты районов предгорной и горной зоны Ташкентской области // Науч. тр. “НИО отдел географака”. - Т., 1964. С. 35 – 60.

41.Ковалев С. А. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2003. – 438 с.

42.Коган Л. Б. Агломерация: эффект «бумеранга» // Быть горожанами. - М., 1990. –С. 99-106.

43.Кочетков А. В., Листенгурт Ф. М. Расселение в СССР. - М.: Знание, 1981. – 48 с.

44.Крахмаль К. А., Рузиметов Ш. К. К изучению социально – экономических и политических аспектов в истории средневекового Илака. // Материалы научной конференции: «Чач-Бинкет-Ташкент» (историческое прошлое и современность). – Т., 2007. – С. 82-87.

45.Кудрявцев О. К. Расселение и планировочная структура крупных городов и агломераций. - М.: Стройиздат, 1985. – 135 с.

46.Лаппо Г. М. География городов. – М.: ВЛАДОС, 1997. – 480 с.

47.Лаппо Г. М. Города на пути в будущее. – М.: Мысль, 1987.- 236 с.

48.Лаппо Г.М. Развитие городских агломераций в СССР. - М.: Наука, 1978. – 148 с.

49.Мавлонов А. Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари. (Бухоро вилояти мисолида).-Геогр. фан номз. дисс. автореферати. Т., 2010.

50.Майергойз И. М. Географическое учение о городах. – М., Наука, 1987. – 118 с.

51.Маллабоев Т. Н. Большие города в системе расселения в Ферганской долине. Экономико – географическое исследование: Автореф. дисс....канд.геогр.наук. – Л.,1982. – 22 с.

52.Маматкулов Н. Экономико– географические особенности формирования Самаркандской агломерации. Дисс. ... канд. геогр. наук - М., 1978, 164 с.

53.Манак Б. А. Методика экономико - географических исследований. – Минск.: Университетское, 1985. – 157 с.

54.Московский столичный регион // Вопр. геогр. Сб. № 131. - М.: Мысль, 1988. - 210 с.

55.Московский столичный регион на рубеже веков: новейшая история и пути развития. - Смоленск.: Ойкумена, 2003. – 184 с.

56.Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. - Т.: Фан, 1988.

57.Новые взгляды в экономическую географию // Доклад о мировом развитии.- Нью-Йорк, 2009. – 41 с.

58.Озерова Г. Н., Покишишевский В. В. География мирового процесса урбанизации.- М.: Просвещение, 1981. – 180 с.

59.О' Салливан А. Экономика города.- М.: 2002.- 705 с.

60.Перцик Е.Н. География городов (геоурбанистика). – М.: Высшая школа, 1991. – 317 с.

61.Пивоваров Ю. А. Россия и мировая урбанизация / Антропокультурная и пространственная динамика/. - Нальчик, Полиграфсервис, 2007. – 334 с.

62.Полян П. М. Методика выделения и анализа опорного каркаса расселения. Ч-І, ІІ. - М.: Институт Географии АН СССР, 1988.

63.Проблемы изучения городских агломераций. - М.: Институт Географии АН СССР, 1988.- 211 с.

64.Проблемы комплексного экономического и социального развития крупных городов и городских агломераций // Тезисы научной конференции. Ч.2.- М., 1982. - 115 с.

65. Проблемы урбанизации на рубеже веков. Научный сборник. – М.: Ойкумена, 2002. – 328 с.
66. Раимов Т. И. Особенности формирования городских агломераций на базе столичных городов Средней Азии // Науч. тр. ТашГУ. Вып. 447. – Т., 1975. С. 94 -107.
67. Раимов Т.И. Столичные города Средней Азии. // Вопросы физической и экономической географии Узбекистана. Т., ТашГУ, 1967. С.- 116 -133.
68. Раимов Т. И. Город Ташкент. // Материалы по географии Узбекистана. 58 – 82 с.
69. Раимов Т., Караханов М. Развитие городов Средней Азии // Проблемы народонаселения // Труды всесоюзной межвузовской научной конференции. - М.: МГУ, 1970 .
70. Раимов Т. И. Комплексное экономико-географическое исследование столицы союзной республики (на примере Ташкента): Автореф. дисс. на канд. геогр. наук.- М.: МГУ, 1964. - 45 с.
71. Райимжанов З. Х. Развитие ресурсных городов Средней Азии: Автореф. дис. ...канд. геогр. наук. – Т., 1992. - 22 с.
72. Родоман Б. Б. Территориальные ареалы и сети. - Смоленск, Ойкумена, 1999. - 255 б.
73. Савченко Н., Джалилов А. Чирчик. - Т.: Узбекистан, 1980. – 290 с.
74. Салиев А. С. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Т.: Фан, 1991. – 112 с.
75. Салиев А. Региональные системы городов в республиках Средней Азии// Региональное расселение в СССР. - М.: Институт географии АН СССР, 1984. –С. 67 -80.
76. Салиев А. С. География городов Средней Азии. - Т.: ТашГУ, Ч. I, 1980. – 79 с., Ч. II., 1984.- 96 с.
77. Саушкин Ю.Г. , Глушкова В. Г. Москва среди городов мира. - М.: Мысль, 1983. – 284 с.
78. Сигаев А. В. Планировочные и транспортные проблемы городских агломераций. – М.: Стройиздат, 1978. – 151 с.
79. Смирнов Н. В. О влиянии природных условий и природных ресурсов на развитие и размещение городских поселений Узбекистана // Вопросы физической и экономической географии Узбекистана. - Т., ТашГУ, 1967. - С. 105 – 116.

80. Солиев А. С. Шаҳарлар географияси. Маърузалар матни – Т.: ЎЗМУ, 2000. – 38 б.

81. Солиев А., Таштаева С., Мавлонов А. Жаҳон урбанизацияси ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари. ЎзГЖ Ахбороти. 26-ж. - Т.: ЎЗМУ, 2005. -Б. 61 – 64.

82. Солиев А., Таштаева С., Эгамбердиева М. Шаҳарлар географияси. Ўқув қўлланма. -Т., 2018.

83. Схема генерального плана г. Ташкента на период до 2015 г. - Т.: ТашНИИ и ПИ Генплан, 1998.

84. Таштаева С., Эгамбердиева М. Региональные особенности развития городов Узбекистана // Вестник КазГУ – Алма – ата, 2006. - 29-32 с.

85. Ташкент. Географический атлас. - М.: Главное управление геодезии и картографии при совета министров СССР, 1984. - 61 с.

86. Ташкент. Энциклопедия. Т.: Энциклопедия, 1992. – 495 б.

87. Трейвиш А. И. Региональные особенности и перспективы развития промышленно-городских агломераций в СССР // Региональное расселение в СССР.- М.: ИГАН СССР, 1984. - С. 199-213

88. Урбан О.А., Демчук Н.В. Агломерация как фактор модернизации моногородов юга Кузбасса//Мир экономики и управления, Т.18, №2.- Новосибирск, 2018. С.85-100.

89. Форрестер Дж. Динамика развития города. М.: Прогресс, 1974. -287.

90. Шабашев В.А., Корчагина И.В. Роль агломерации городов и кластеров в модернизации промышленной политики региона.//Современный менеджмент: проблемы и перспективы. Сб.статей 11 Меж науч-пр. конф. Ч2. СПб, 2016, с.118-124

91. Шупер В. А. Парадоксы теории центральных мест и их значение для анализа систем расселения столичного типа // Региональное расселение в СССР. - М.: ИГАН СССР, 1984. - С. 179 – 185.

92. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т., 2004. – 139 б.

93. Янчук С. Л. Факторы формирования полюсов и линий роста в экономике Узбекистана: Автореф. дис. ...канд. геогр. наук – Т. 2002. – 23 с.

94. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1,2,4,6,7 – ж. – Т.: Энциклопедия, 2005.

95. Қаяюмов А.А., Усмонов З. Урбанизация билан демографик жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик //Халқаро илмий – амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2007. –Б. 56-60

96. Ҳасанов И. А., Ғуломов П. Н. Ўзбекистон табиий географияси. - Т.: Ўқитувчи, 2007. – 162 б.

1-илова

**Республика катта ва йирик шаҳарлари аҳоли сонининг
ўсиши (1959-2018 йй.)**

Т. р.	Шаҳарлар	Аҳоли сони, минг киши								
		1959 й.	1979 й.	1989 й.	2000 й.	2005 й.	2008 й.	2014 й.	2018 й.	ўсиш 2018 й.да 1989 га нисб., %
1	Ангрен	55,8	105,8	131,0	129,0	129,3	133,4	175,4	183,6	101,8
2	Андижон	130,9	229,7	290,5	334,3	352,6	363,8	403,9	427,5	125,2
3	Бухоро	69,8	184,8	222,2	239,1	238,6	241,8	272,4	252,0	108,2
4	Жиззах	15,7	68,4	104,2	128,9	136,5	140,9	163,4	171,7	135,2
5	Марғилон	95,2	110,2	124,1	156,0	165,1	172,3	215,4	228,3	138,8
6	Навоий	5,4	83,1	105,5	140,9	122,3	124,6	134,1	132,2	118,1
7	Наманган	123,5	226,6	304,2	386,2	408,5	425,5	475,7	600,2	139,8
8	Нукус	31,9	106,9	168,5	206,7	258,1	263,8	295,1	308,5	156,2
9	Олмалиқ	40,5	101,0	113,9	114,7	116,7	121,1	121,1	127,5	106,3
10	Самарқанд	196,5	470,2	364,0	361,1	361,2	367,1	513,1	501,8	100,8
11	Термиз	22,1	56,0	82,0	113,5	120,8	127,4	136,3	143,8	155,3
12	Тошкент	911,9	1754,5	2102, 0	2135,5	2128,9	2173, 2	2351,8	2457,9	103,4
13	Урганч	76,2	98,1	126,4	139,2	136,3	135,1	137,3	140,2	106,4
14	Фарғона	80,2	173,0	198,3	185,2	184,5	188,8	264,9	278,5	95,2
15	Чирчиқ	65,6	131,2	156,4	143,3	140,7	142,2	149,2	154,6	90,9
16	Қарши	19,7	107,4	154,7	201,3	212,2	223,1	252,7	261,0	144,2
17	Қўқон	105,1	151,1	179,5	197,4	203,5	208,7	233,4	245,5	116,2
18	Шаҳрисабз	16,4	32,7	52,4	87,1	91,1	92,7	99,6	134,5	255,7
Жами		2046,0	4158,0	4927,4	5312,4	5415,8	5415,8	6122,0	6749,3	109,9

**Шаҳар агломерациялари марказларида аҳолининг табиий ва
механик ҳаракати (2019 й., ‰ да)**

Шаҳар агломерация лари	табиий ўсиш			механик ўсиш		
	туғилиш	ўлим	табиий ўсиш	кўчиб келганлар	кўчиб кетганлар	миграция қолдиғи
Ангрен-Олмалиқ	19,3 19,2	5,7 6,9	13,6 12,3	5,0 11,0	5,3 10,5	-0,3 0,5
Андижон	22,2	5,4	16,8	3,2	5,2	-2,0
Бухоро	17,4	5,2	12,2	3,0	10,3	-7,3
Наманган	26,5	4,8	21,7	0,8	2,9	-2,1
Нукус	17,8	4,4	13,4	10,5	11,4	-0,9
Самарқанд	20,5	4,9	15,6	6,5	5,7	0,3
Тошкент	18,1	6,3	11,8	10,1	4,0	6,1
Урганч	20,0	5,9	14,1	12,3	15,6	-3,3
Фарғона-Марғилон	16,7 21,9	5,5 5,2	11,2 16,7	15,8 3,0	8,3 7,3	7,5 -4,3
Қарши	19,1	4,3	14,8	6,6	9,3	-2,7
Қўқон	19,7	5,2	14,5	4,1	5,6	-1,5
Навоий	21,3	4,8	16,5	21,5	31,8	-14,4

*Жадвал ЎзР Давлат Статистика Бош бошқармаси маълумотлари
асосида тузилган.*

Тошкент шаҳри аҳолисининг миллий таркиби

Миллатлар	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.
Жами, киши	2234306	2309308	2352896	2393176	2464933
Ўзбек	1465428	1573236	1633081	1698346	1786046
қорақалпоқ	6446	6490	6227	6367	6650
Рус	411335	384061	370837	352720	339581
Украин	36466	32491	31357	30207	29268
Белорус	7269	6685	6537	6350	6206
Қозоқ	45930	46304	46272	46492	47140
Грузин	1395	1365	1361	1326	1298
азарбайжон	11170	11344	11425	11361	11402
литвалик	372	354	357	354	357
молдаван	1195	1137	1134	1115	1111
Латиш	1	1	3	5	3
Қирғиз	2790	2869	2888	2920	3003
Тожиқ	27574	28621	29198	30115	31529
Арман	17134	16745	16489	15922	15546
Туркман	3344	3519	3583	3622	3701
Эстон	146	147	146	138	135
Татар	94134	92315	90839	87523	85428
Яҳудий	31	19	53	72	0
Немис	19	14	71	59	73
Корейс	47654	61850	62358	61294	61093
бошқа миллатлар	54473	39741	38680	36868	30782

Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

**Урбанизация, саноатлашиш ва аҳоли мужассамлашувининг
ўзаро алоқадорлиги, 2018 й.**

ЎзР Худудлари	Урбанизац ия даражаси, %	Йирик шаҳарлар* аҳолисинин г вилоят аҳолисидаг и улуши, %	Йирик шаҳар ларининг Республика саноат маҳсулотид аги улуши, %	Ўрин		
				1	2	3
ҚР		16,8	0,2	5	3	8
вилоятлар:						
Андижон		14,1	1,0	3	7	5
Бухоро		14,7	0,3	10	5	7
Жиззах		12,9	0,2	7	8	8
Навоий		14,1	1,1	6	7	4
Наманган		22,2	0,5	1	1	6
Самарқанд		14,2	1,2	10	6	3
Сирдарё		10,8	0,1	9	10	9
Сурхондарё		5,7	0,08	11	12	10
Тошкент		16,2	2,5	4	4	1
Фарғона		20,7	2,0	2	2	2
Хоразм		7,7	0,2	12	11	8
Қашқадарё		12,7	0,5	8	9	6

*Жадвал Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф
томонидан тузилган.*

*Аҳоли сони 100 мингдан ортиқ шаҳарлар назарда тутилади.

**2009 йилда шаҳарча мақомини олган қишлоқларнинг
ривожланиш даражасига кўра гуруҳланиши**

Шаҳарча мақомини олган қишлоқлар тоифалари	Номи	Аҳоли сони 2009 й.	Аҳоли сони 2016 й.	Номи	Аҳоли сони 2009 й.	Аҳоли сони 2016 й.
1. Транспорт чорраҳаларида, Тошкент ёки туман марказларига яқин жойлашган 2 ва ундан ортиқ саноат корхоналари (ёки ихтисослашув объектлари), кичик корхоналар, йирик ва 5-6 та савдо дўконлари, шифохона, беморхона, касб-хунар коллеж ёки академик лицейлари бўлган, умумтаълим ва мактабгача таълим объектлари жойлашган, коммуникация тизими талаб даражасида бўлган ва шаҳарча мақомини олган марказий қишлоқлар:	Геофизика Далигузар Дўрмон Зангиота Кучлик Кўксарой Назарбек Пахта Сабзавот Сойлик	2304 4307 2913 4352 3206 4282 6775 6201 2334 2657	2.4 4.5 3.0 2.7 3.2 8.8 8.6 5.8 4.2 3.0	Хонобод Хўжакент Эркин Қовунчи Қорасув Қуёшли Қўрғонча Қўшқўрғон Ҳасанбой	3550 2875 3075 7000 3485 2260 4147 2941 3080	4.6 3.4 4.2 6.9 4.0 2.4 5.5 3.5 5.0
2. 1-2 та микрофирма ёки ихтисослашув ташкилотлари бўлган, асосий ва иккинчи даражали йўлларга яқин жойлашган, 2-3 та савдо дўконлари бўлган, шифохона, 2-3 та умумтаълим ва мактабгача таълим	А.Навоий А.Темур А.Яссавий Арғин Бурчмулло Гулзоробо д Кенсой Кўприкбо ши	7716 2138 4921 3440 3505 2194 7137 3006 2106 2759	2.7 2.2 4.9 3.4 4.1 2.5 2.7 3.0 2.7 3.1	Тулабе Пасдархон Пахтазор Тарнов Фозилов Хумсон Чинор Чорвадор Ўнкўрғон	3702 5762 2912 4294 6770 5082 2282 5369 2192 2458	3.9 6.1 3.0 5.0 11.2 5.5 2.6 5.2 2.4 3.2

объектлари мавжуд бўлиб, ўрта коммуникация даражасига эга шаҳарча мақомини олган қишлоқлар:	Мустақиллик Маданият Нурафшон	2782	2.8	Қоронкул Ҳамза-обод	3675	3.7
3. Йирик марказлардан узоқ, асосий йўллардан четда жойлашган, 2-3 та кичик савдо дўконлари бор, 1 та мактаб, 1-2 та мактабгача таълим муассасалари, 1 та амбулатория бўлган, паст коммуникация тизимига эга бўлган аҳоли манзилгоҳлари	Алишер-обод Амиров Дўстлик Бирлик Ёшлик Миробод Паргос С.Раҳимов Сари канли Талпин Уенкулсой	2233 2274 2081 2753 2586 2455 2035 2282 2126 2172 2108	2.5 2.4 2.2 2.7 2.9 2.4 2.6 2.4 2.5 2.4 2.1	Улуғбек Уймаут Хитой-тепа Чинорли Чиғатой Шамси-обод Шоликор Ўткир Хўжа Қурбонов Қуёш	2440 2326 4250 2142 2365 7499 2167 3144 3362 3921 2150	2.6 2.3 4.7 2.0 3.0 9.7 2.2 3.4 3.4 3.9 2.2

Жадвал Тошкент вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида ишланган.

**Аҳоли тебранма миграциясини ўрганувчи социал-демографик
сўров анкетаси**

1. Аҳоли манзилгоҳи: _____
2. Оилангиз неча кишидан иборат? _____
3. Оилангизнинг нечта аъзоси бошқа аҳоли манзилгоҳига қатнайди? _____
- Улар ҳақида маълумот беринг.

	1- мигрант	2- мигрант	3- мигрант	4- мигрант
4. Мигрантнинг жинси				
5. Мигрантнинг ёши				
6. Маълумот даражаси				
7. Кўпроқ қайси аҳоли манзилгоҳига қатнайди?				
8.1. Кўпроқ қайси мақсадда қатнайди? А) ишлаш; Б) ўқиш; С) маданий-маиший; Д) даволаниш Е) бошқалар				
8.2. Мигрантнинг касби				
9. Қатнаш учун қайси транспорт туридан фойдаланади?				
10. Қатнаш учун бир томонга қанча вақт сарфлайди?				
11. Бир йилда неча марта қатнайди?				

12. Қатнашда қандай муаммолар учрайди?
13. Таклифларингиз?

